

АНОРОЙ ИҚБОЛИ

Анорой ўрта мактабни тугаллаб, фермада қолиб ишлашга аҳд қилганида, Вали ака олдинга биров гапшланди. Қизининг ишидан кўнгли тўлмай юрди.

— Етуклик аттестатини ҳам олдинг. Бундай пайтда ёшлар ўқишга ҳаракат қилишарди. Мактабда ҳам ҳаммага ўрнак эдинг...

Онаси зимдан қизига разм солди. Анорой ийманиб, бармоқлари билан дастурхон попу-гини ўйнардан:

— Биз синфдошлар билан келишиб, фермада қолишга қарор қилдик. Соғувчи бўлмоқчимиз, — деди.

Аноройнинг фикри қатъий эди. Отаси қизигади журналини кўриб, ич-ичидан тан берди, фахрланди. Шундай қилиб, Анорой ўз дугоналари билан фермада иш бошлади.

Эрта тонгда қизи билан фермага ошиқа-ётган Насивали опа куйманиб гапириб бора-япти:

— Ҳаммаси ўзингга боғлиқ, Энг аввало жониворга муомала қила билиш керак. Чунки улар парваршини ёқтиради. Қанча силаб-сыйпасанг, шунча кўп ияди. Дағаллик, кўрслик қилиш ярамайди, қизим.

Шу-шу она ўғитларига амал қилган қиз говмишларга кундан-кун меҳр кўя бошлади. Уларни меъёрида озиклантириб борди. Бўш вақтларида қишлоқ хўжалигига оид, айниқса кейинги йиллардаги ёш соғувчиларнинг меҳнат ютуқлари, тажрибалари ёритилган нашрлар билан танишди. Телевизор ва радиодан бериладиган махсус кўрсатув ва эшиттиришлар ҳам унинг назаридан четда қолмасди.

...Колхоз комсомолларининг умумий йиғилиши давом этарди. Сўзга чиққанларни тинглаб ўтираркан:

— Яна ўша «эски ҳаммом — эски тос», — дея хаёлидан ўтказди Анорой. — Нега фақат ютуқлар билан чиранишади. Ахир, камчиликларимиз ҳам тўлиб-тошиб ётибди-ку.

У кўздан буён дилида тугиб юрган гапларини ўзича пичирлаб пишиқтирарди. Нима бўлса ҳам, бугун сўзга чиқиши керак. Кейин кеч бўлади. У сўз олди:

— Биз доимо ижобий ишларимиз ҳақида гапириб келдик, — деди у қатъияти оҳангда. — Хўш, камчиликлар-чи? Уларни кимнинг зиммасига юклаймиз? Олдинки бир мисол: четдан қараганда, фермада ҳамма иш силлиқ кўчаётгандек. Соғин сигирлардан олиннадиган сут микдори яхши. Ем-хашак жамғарилган. Цехлар ташкил этилган. Яна нима керак, дерсиз? Энг кераклиси шуки, биринчидан, ферма комсомол ташкилотининг иши ёмон аҳволда, деворий газета тўғрисида эса гапирмасам ҳам бўлади. Ил-ғорлар вақтида рағбатлантирилмайди. Дам олиш учун шароит йўқ. Фермадаги ёзги-қишқи душхона керак. Иккинчидан, жамғарилган озуқа етарли эмас. Вузоқлар парварши ачинарли аҳволда. Ферманга ускуналар билан жиҳозлаш тўғрисида берилган ваъдалар қозғола қолиб кетаяпти. Четдан наслдор моллар келтириш ва наслга қолдириш графиги бузилган. Буларнинг барчасига колхоз комсомол ташкилоти ҳам масъул...

Ёш соғувчининг бу ўтли сўзлари кимнидир безовта қилди, кимлардир маъқуллаб қарсақ чалди.

Орадан кўп ўтмай, фермада ишлар жонла-ниб кетди. Аноройнинг ўзи ташкилий ишларни зиммасига олди. Соғилган сут сифатини аниқлайдиган лаборатория, дам олиш ва ўқув хоналари ташкил этилди, илғорларнинг сурати ва шахсий варақаси кўзга кўринарли жойларга қўйилди. Деворий газета яна чиқа бошлади.

Колхоз партия ташкилоти Аноройдаги иктидорни ўз вақтида сезди. У КПСС сафига қабул қилинди.

Коммунист! Мағрур жаранглайди бу ном. Уни оқлаш, ардоқлаш янада мастулиятли.

«Сигирнинг сути тилида», деган образли ифоданинг мағзини чақиш учун олиқ маълумотли бўлиш шарт эмас. Шу пайтгача озуқа жамғариш фақат колхозчилар ёрдамида амалга оширилари. Яқин йиллардан буён бошқача йўл тутила бошланди, дағал хашак йиғишга бутун колхоз комсомоллари жалб қилинди. Ҳашар натижаси ёмон бўлмади. Улар ёрдамида йиғиштирилган озуқа маж-жуд 823 бош қорамолнинг ҳар бирига тўғри келадиган 19 килограмм озуқа бирлигини ташкил этди. Озуқа цехи янги типдаги лавлаги майдалагич билан жиҳозланди. Ана шунда бир соат ичда 12 тонна сервитамин озуқа тайёрланди.

— Кўрдингизми? — дейди Анорой фахр билан, — уч-тўрт киши кун бўйи қорамоллар учун атала озуқасини тайёрлашдан озод бўлади... Бултур кўпчиликнинг дилидаги бир иш амалга оширилди: ёзги-қишқи душ-аммоси ҳал этилди. Тўғри-да, завқли меҳнатдан сўнг, кўнгилли хордиқ ҳам зарур. Қолаверса, гигиеник жиҳатини айтмайси-ми...

Ёш коммунист Аноройнинг ишчанлиги, жонкуярлиги ва одамларга ғамхўрлиги рай-йон комсомол комитетининг эътиборидан четда қолмади. Унга мамлакатимиз пойтахти Москвада бўлиб ўтган студент ва ёшларнинг XII Жаҳон фестивалига йўллан-ма берилди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ёшлар билан бўлган учра-шувлар, фикр алмашувлар унинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди. Бу ерда у тинч-лик, дўстлик, қардошлиқ сўзларининг том маъносини, кудратини ана бир бор ҳис этди...

Анорой Қораева ҳамда унинг дугоналари айти қулларда КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларидан руҳланган ҳолда меҳнат қилмоқда-лар.

— Мен бу йилги тарихий саналарга бой «Тинчлик йили»ни ўз қарамоғимдаги соғин сигирларнинг ҳар биридан 3 минг 500 килограмдан серкаймоқ сут соғиб олиш билан аяқлamoқчиман, — дейди Анорой.

Серғайрат қизининг бу нияти ҳам рўёбга чиқишига ишончимиз қомил.

Шодиёр МУТАХАРОВ

Иштихон

БАҲОРИЙ ҲИСЛАР

Баҳордай беғубор юрак ҳисларим,
Баҳорни саҳарлаб қалбдан изладим:
Гулдай сочилмоқда,

тўрт томон чаман,
Тоннинг кўзгусида уни кўраман:
«Умр», «тақдир» деган азал тушунча
Онгимда очади ажиб бир ғунча...
Ер кўрасини қуёш ёритганидай,
Уруш балосини тинчлик ариттай!
Табият

табий яратар қонун,
Дақиқа ўлчади аср ҳар онин.
Гиёҳ кўради ахир кўкларда,
Бахтнинг боқийлиги ҳақдир ўлкада.
Чунки ёлғизмасман,
Оғам бор,

иним...
Нурлар оқимида ҳаёт бетиним,
Ахир бошда қуёш порлаши ҳақдир.
Дарёда сувларнинг оқиши нақддир!
Ҳақдай кўз олдимда тоғларнинг қори.
Ёзда осмон тўшин йўқдир ғубори!
Шунингдек, рус оғам ёндош юради,
Ҳаммаслақ,

ҳаммақсад,
жондош юради.
Волгадай оқади меҳри тинимсиз,
Тилидан бол томар деса:

— Инимси!
Урмондай қад тутар менга елкадош.
Советлар диёри деган элга бош.
Томирлар — юракдан таралган шуъла.
Юрагим!

Москва — қалбини улуғла!
Октябрь зиёси — дўстни танитди,
Оламнинг меҳрини ўзга банд этди.
Ҳаётда топпоққа одам ўз ўрнин

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-саноий,
адабий-бадний журнали



№ 8 (438)
Август
1986

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти



Элларга очаркан рус юрак кўрин
Излар экан тимсол,
билдик биз буни.

Мен ҳам

маҳкам тутдим унинг измини!
Дўстликдай асрайман ҳаёт бор токи,
Умуру тақдиримнинг гул баҳорини.
Оламдай табиий,
Оламдай бокий
Ленин қўйиб берган пойдеворини!
Меҳрим тафти билан гилос гуллади,
Тақдирим

ўз оғам

русга йўллади,

Баҳорлар кетидан келар баҳорлар.
Мангайда

Кремль юлдузи порлар.

МЕҲРИМНИ ЕЙДИМ

Шарафли бурчимиз —

Ҳар миқол пахта
Орзудек тиниқдир,
Ризқдек пок, ҳалол.
У шуъла тўшайди қалбдаги аҳдга,
У бизга чаноқда тикилган иқбол!
Рақамлар — орзумиз каби чапоган,
Рақамлар — шошмоқда шаштимиз
монанд.

Хирмон уюлмоқда,

Олтидан хирмон!

Толедек иқболли,

Толедек баланд!

Сахий ер бағрини юмшатган мардлар,
Ҳазина қулфини очганлар, ҳорманг.
Барака нонини ушатган мардлар,
Оламга ризқу рўз сочганлар, ҳорманг.
Азим елкасида хирмон кўтарган
Зафар нашъасидан чехраси ойдин,
Азиз пахтакорим йўлдан ўтаркан,
Оппок пахтаман каби меҳримни ёйдим.
Тилагим,

юз ёруғ,

йўл нури бўлсин,

Барака,

кут,

омад

йўлларда йўлдош.

Тилагим:

олтин куз сурурли бўлсин,

Ҳар тонгда,

ҳар қалба порласин қуёш!

Пахта карвонлари йўл каби узун
Поёни чамалаб олсини кўзлар.
Улар кўрсатаркан рўйи-рост ўзин,
Улар зафаримиз эртасин сўзлар!
Зафар нашдасин қутларкан кўнгил,
Сарбаланд хирмонга тилар барака.
«Оқ олтин» хирмоним!

Юксалгин,

унгил!

Ўлкамни чулғасин голиб маърака!
Зафарли йўллардан юриб илгари,
Умр манзилига ташларкан одим,
Энг олий,

энг нафис туйғу сингари

Яна олқишлайлик пахтакор отин.
Хирмонлар юксалсин умр йўлида,
Йўлларда умримиз кўзгуси бўлсин.
Ҳалаба нашъаси инсон кўнглида,
Туйғулар туғёнин эзгуси бўлсин!
Тошкент

Фан — халқ
хизматида

ЯНГИЛИК — УНУМ ОМИЛИ

Кабинетда бирлашма бош инженери билан катта инженер-конструктор суҳбатлашиб ўтирарди. Улар ишчиларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш бўйича ўн иккинчи беш йиллик тадбирларини муҳокама қилишаётган экан.

— Бирлашмангизда фан-техника ютуқлари қандай жорий этиляпти? — муҳокама тугагач бош инженер Иван Тупага мурожаат қилдим.

— Маълумки, — дейди бош инженер, — фан-техника тараққиёти одамларга хизмат қилади. Одамлар чарчамасдан, унумли, сифатли ишлашлари керак, Шундагина меҳнатдан киши қониқади. Бунинг учун эса шароит, имконият керак.

Ишчиларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш эса «Сурхон» корхоналар бирлашмасида ёмон эмас эди. Мана ўтган ўн биринчи беш йилликда меҳнат шaroитини яхшилаш учун маъмурият томонидан ажратилган 350 миңг сўмлик маблағ тўлиқ ўзлаштирилди. Айниқса, кейинги йилларда бу соҳаларда кўзга кўринарли ишлар бажарилган.

Иш оддий нарсадан — иш жойини тоза-озода тутишдан бошланади. Оёқ остида ётган арматура синиги ёки тўкиб-сочиб ташланган цемент кишининг гапига тегиши, кишида чарчоқни уйғотиши табиий. Шунинг учун ҳам кейинги икки йил давомида иш жойини аттестациядан ўтказиш ва реконструкция қилиш комиссияси ишлаб турди. Комиссия ишга халақит берувчи элементларни мумкин қадар қисқартиришга эришди.

Аттестация жараёнида маъсул кишилар факат санитария ишлари билангина шугулланиб қолишгани йўқ. Балки механизмларнинг ишини такомиллаштиришга, ишчини қулай, энгил асбоб-ускуналар билан қуроқлаштиришга, ихтирочилик таклиф-

ларини жорий этишга катта эътибор берилди.

Кўп тешикли темир-бетон плиталарини тайёрлашда Давлат стандарти (ГОСТ)нинг жорий этилишини олиб кўринг. Илгари бу маҳсулотни тайёрлаш учун арматурадан узунасига 7 та стержен ва кўндалангига синчлар қўйиларди. Энди ўша металл стерженлар қиздирилади. Натижада у чўзилади. Худди шу чўзилган ҳолатида унга бетон қоришма қўйилади. Металл совуған сайин тортилиб боради. Бу, плитанинг чидамли, мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

— Шу усулни қўллаганимиздан бўён ҳар бир плитага 7 та эмас, 4 тадан металл стержен ишлатаймиз, — дея бош инженернинг гапини давом эттирди 1-темир-бетон цехининг бошлиғи Қурбон Зиёев. — Синч ишлатишга ҳам эҳтиёж қолмади. Бу эса, бир метр куб плитадан 20—25 килограмм металлни тежаш имконини бермоқда.

— Ўтган йили бундай усул тўфайли олдинги йилнинг шу даврига нисбатан 400 тонна атропофида металл тежадик, — деди Зиёевнинг гапига илова қилиб бош инженер Иван Тупа. — Янги стандартдаги плита мустаҳкам ҳам. Илгари бир квадрат метр плита 600 килограмдан зиёд оғирликка бардош беролмасди. Янғиси 900 тонна оғирликка мўлжалланган. Кўрдингизми, харажат кам-у самара юқори.

Қоғоз-целлюлоза саноатининг чиқиндисини эса бирлашмада бетоннинг хамиртуруши деб аташади. Бу чиқинди қоллига қўйилган бетонга аралаштириб юборилади. Бу усул ҳам, биринчидан, маҳсулотнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Иккинчидан, цементни уч процентгача тежаш имконини беради.

— Ҳаммасидан ҳам кўра ишчиларимизга СМЖ-200А қури-



Гурлан район агросаноат бирлашмаси раиси Т. Ортиқов (чапдан иккинчи), Ж. Қозоқов, К. Каримов, Б. Кенгисбоев ўртоқлар иш устида.

К. Отаев фотоси
(ЎзТАГ)

маси маъқул тушди, — дейди Курбон Зиёев. — Виласизки, биз юқори босимга чидамли темир-бетон қувурлари тайёрлаймиз. Илгари қоршма СМЖ-69А қурилмаси билан қорштирилди. Бу қурилманинг шовқини баланд эди. Шовқин иш унумини 15—20 процентга қисқартириши мумкин. Янги қурилмадан ёлчилик. Шовқини йўқ, унумли, сифатли, машина бузилмайди. Олдинги йиллари исрофгарчиликдан қутуллолмадик. Энди материалларни бинойидек тежаймиз ҳам.

Бироқ, ҳар қандай такомиллашган ишлаб чиқариш воситаси ишининг унумли, сифатли бажарилишига тўла қафолат бера олмади, — дея сўзига давом этади Зиёев. — Бунга ишчининг виждони ҳам қўшилмоғи лозим. Ма-на, цехимизда брак маҳсулот ишлаб чиқариш қисман бўлса-да давом этмоқда. Брақчиларга мураса йўқ, айбдорлардан брак маҳсулотнинг нархи нақд ундириб олинапти. Аксинча, маҳсулотимизнинг 70 проценти юқори сортта тайёрласак, ишчиларимиз ўша маҳсулот нархининг 40 проценти миқдоридан мукофот олишди. Мукофот нимаю, жарима тўлаш нима — буни ишчиларимиз яхши тушунишди. Шунинг учун ҳам улар прогрессив технологик жараёнларга ихлос билан қарамоқдалар. Айни пайтда ўз малакаларини ошириб бориш билан шуғулланмоқдалар.

Хуллас, бирлашмада ўтган йили Давлат стандартининг тўққизтаси ва битта қурилиш нормаси жорий этилди. Арматура синчларини контейнер усулида ташиб олиш, соатига 10 тонна буг ишлаб чиқарадиган дошқозоннинг реконструкция қилиниши, турар-жой бинолари деворларини безашнинг янги архитектура ечимлари шулар жумласидандир. Бирлашма катта инженер-конструктори О. Мусурмоновнинг айтишича, яқин ўртада темир-бетон маҳсулотларини қуришига «гелиокамера» методи қўлланила бошлайди. Яъни қолипга қуйилган қоршима буг билан эмас, қуёш энергияси ёрдамида қурилади. Шунингдек, арматура цехидаги пайвандлаш системасида ишлатилган сувдан қайта фойдаланиш усули қўлланилади. Бу нарса иш жараёнининг сув билан таъминлавишини яхшилайди.

Бош инженер ҳозир қурилаётган керамзит шағал ва керамзит қум ишлаб чиқариш цехи ҳақида ҳам гапириб қолди:

— Янги цех шу йилнинг иккинчи ярмидан маҳсулот бера бошлайди, — дейди у. — Цехнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 100 минг куб метр. Биз ҳамми 6—8 шартли ризтга тўғри келадиган керамзит бетон блоклари ишлаб чиқариш технологик линиясини ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз. Бундай блокнинг оғирлиги 9—11 килограммдан ошмайди. Агар бир шартли ризт 4,5—5 килограмм келишини ҳисобга олсак, керамзит блоklar гоят енгил бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бунинг устига, керамзитдан тайёрланган блоklar ҳаво ўтказувчан, бино ичкарасида иссиқликни



ИРОДА

Район ички ишлар бўлими навбатчиси, милиция капитани Туроб Тошўлатов бемаврид жиритилган телефон қўнғироқларига қўнғиб қолган. Лекин буниси одатдагиларидан бутунлай бўлакча эди.

— Милициями? Навбатчисииз? «Чортоқ» болалар санаториясидан қўнғироқ қилаётибман. Сел ювиб кеталпти. Сув болалар ётоқхонасининг биринчи қавати-га кўтарилашти. Ердан берингллар...

Телефон қилаётган киши болалар санаторияси қоровули Ваҳоб ака Аҳмедов эди. Оператив группа ёрдамга ошди.

Тунда бошланган жала селга айланди. Натижада «Чортоқ», «Фаргона», Ҳамид Олимжон номли совхозлардаги экинзорлар, боғуроглар, катта-катта майdonлар ва маҳалаларини сел юва бошлади.

Болалар санаторияси дарвозасини, пишиқ гитдан қўтарилган деворларини ўқирган сув қўпориб ташлади. Болалар санаториясининг биринчи қаватидаги касаллар зудлик билан юқори қаватларга чиқарилиди.

— Бундан ўзга чора йўқ, — деди белгича лойка сууга ботган бош врач Иззатулла Каримов навбатчи врач Ғўлжон Тошматовга. У нафасини ростлаб, каравотда ётган бемор болани бағрига босганча юқорига кўтарилиди.

Санаториянинг аҳил ходимлари уй-уйларидан алдақачон бу ерга етиб келишган эди. Жамолиддин Тўхтазаров, Муҳаммадjon Маликов, Умида Абдуллаева, шифер Зебри Юнусов, пионервожатий Ими-

жон Каримов, ошпаз Валижон Жўрабоевлар жонбозлик кўрсатдилар. Болаларнинг ҳаммасини юқори қаватларга олиб чиқилганда кейингина уларнинг қўнғили бироз таскин топти.

Санатория мактабининг ишчи ва хизматчиларидан 46 киши шу кеча жалага, селга қарини кураша туриб, тонгин қаршилашти.

Чортоқ шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Маҳфизатхон Истамкулова селнинг асоратини тутатиш штабининг бошқарди. 7-шаҳар-хувар техника билим юрти талабалари, 8-механизмланган кўчма колонна ишчилари, «Наманган сув тармоқлари қурилиши» га қарашли Чортоқ механизмланган кўчма колонна, шаҳардаги пахта заводи, коммунал хўжалиги ишчи-хизматчилари, «Чортоқ», санаторияси медицина ходимлари ва Навоий номли колхознинг аъзолари ўз вақтида ёрдамга шошилдилар.

— Қизларимиз ётоқхонадан тўғри шу ерга келишди, — дейди медицина билим юрти ўқитувчиси Дилбархон Юсупова қўлларида белкурак ушлаган, тўпналиб қолган сувни пақирлаб ташин билан банд бўлган Халича Аҳмедова, Саида Шамсиддинова, Мўътабар Эшонова, Раҳбар Мадаминова каби ўйлаб талабаларнинг фидойилигидан мамнун бўлиб.

Енгинга қарши кураш инспекцияси инспектори, ички хизмат лейтенанти, комсомол Тоҳиржон Ҳожиевнинг қўли-қўлига тегмайди. У сафдонлари Руьтам Буваев, Наби Чўлпонов ва Шодмон Гавхаровлар билан баббаравар фидойиллик кўрсатар, кучли босим ёрдамида йўлаклардаги лойкаларини тозалашар эди.

Чортоқликлар бундай офатга энди дуч келаятганлари йўқ. Хусусан, 1976 йил иккинчи май куни тунда каттак жала оқибатига Чортоқ сув омбори тўғонининг бир тарафи бузилди, сув тошиб кетди. Ушанда 20 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар кўриди.

Бу сафар ҳам тонқини чортоқликларини захматга қўйди. Ёза парварини, ипак курти ташвишлари,

зарарланган иморатларни тиклаш... «Чортоқ», «Партия XXII съезди», «Фаргона» совхозлари, «Октябрь», Навоий номли, Ҳ. Олимжон номли колхозларда 472 гектардан ортиқ ёза зарарланди. Шунинг 260 гектарига чигит қайта экилди.

Биз «Октябрь» колхозининг далаларида бўлганимизда деярли барча майdonларни қатқалоқ босган эди. Ленин ордени нишондори Ҳакимжон Қозоқов бошлиқ бригада аъзоларини бу офат саросимага солиб қўймади. Тажрибали пахтакорлар — Давлатли Ҳакимов, Шарифбой Жўрабоев, Қўқорбой Йўлчиевларнинг маслаҳати билан пайсалларга югуртириб оби ҳаёт таралди, қатор оралари юмшатилади. Бу тадбирларда коммунистлар, депутатлар уюшқоқлик кўрсатдилар. Айқирон қишлоқ Совети депутати Гулбаҳор Акбарова, Шаҳрбоню Бойхоновларнинг ёрдами бўлди. Бригада аъзолари 64 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 375 тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан берган ватдаларига қатъий турибдилар. Умуман район бўйича 5 минг 170 гектар пахта майдонининг 2 минг 600 гектарига чигит, 335 гектар майдонга мақсаж-хори қайта экилди. 224 гектар боғ, 561 гектар тоқор қўшнимча парварини қилинмоқда.

Чортоқликлар табиат хуружларига қарши шижоа ва матонат билан курашиб меҳнат қилмоқдалар. Ун иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида Ватанга 18 минг тонна пахта, 4 минг 200 тонна дов, 34 минг тонна сабзавот, 18 минг тоннадан зиёд ҳўл мева ва узум, 2 минг 100 тонна картошка ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга қатъий аҳд қилинган. Каттаю кичикнинг фикри-ақидаси сўз билан иш бирлигини тўла таъминлашга қаратилган. Зеро, юксак ниятлар, сигналлар ирода олдидан ҳар қандай офатнинг ҳам даф бўлиши муқаррар.

Жўра РАҲИМ

Чортоқ

якши сақлайдиган, тезда емиримайдиган бўлади.

Ҳа, фан-техника ютуқларининг жорий этилаётгани бирлашмага яхши самаралар келтирмоқда. Утган йили мавжуд ресурсларнинг деярли барча турлари бўйича салмоқли даражада тежамкорликка эришилди. Бир сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқаришга планда белгиланганидан 3 сўм 80 тийин кам харажат сарфланди. Бирлашмада асосий кўрсаткичлар бўйича жорий планлар ортиги билан бажарилмоқда.

— Ютуқлар — ўзимизники. Лекин ҳали бу соҳадаги камчиликлар талайгина, — дейди ижроия инженер. — Ўзимизга турдош корхоналардан жуда кам ўр-

ганиямиз. Масалан, илгор корхона ва қурилишларда ҳозир мустаҳкамлиги оширилган пўлат арматуралар қўлланилапти. Бизда бу нарса йўқ. Умуман, республикамизда турдош санаят корхоналари ўртасида ўзаро тажриба алмашув, менимча, яхши ташкил қилинган эмас. Бирлашмаимизнинг конструкторлик-технологик бўлими қошида кадрлар малакасини ошириш курси ташкил этилган. Курс фаолияти ҳали суэт. Айниқса, ёш инженер-техник ходимлардан айримлари фан-техника тараққитига ижодий ёндашмайдилар. Биз раҳбарлар эса, ҳар доим ҳам ишлаб чиқаришда қўлланилган ёки қўлланилиши лозим бўлган фан-техника янгиликларини ишчилар

ўртасида тарғибот қилишда жонбозлик кўрсатавермаймиз. КПСС XXVII съездида ишдаги камчиликларга нисбатан мурасасиз бўлиш, ишлаб чиқариш технологиясини қайта қуриш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Биз ҳам ўз бирлашмамиз ишини бугунги талаблар асосида ташкил этиш учун мавжуд имкониятларни ишга солаемиз. Ун биринчи беш йилликда ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилашга 350 минг сўм ажратилган эди. Ун иккинчи беш йилликда бу соҳага бир ярим миллион сўм ажратишни режалаштирдик.

Олимжон УСАНОВ

Қумқўрғон райони

Бу йилги табиат инжиқликлари ҳаммасидан ошиб тушди. Апрель ойида об-ҳавонинг паст келиши чигитни ундириб олишда қатор кийинчиликларни юзага келтирган бўлса, кейинги бежаври ёққан жала ва дўл туфайли бир қанча майдонларда чигит қайта экилди. Ёмғирдан кейинги қатқалоқ не машаққатлар билан ундирилган гўзани жиддий хавф остида қолдирди. Булар гўзанинг ўсишини сустлаштирди, текис ривожланишига таъсир қилди.

Аммо республикамиз деҳқонлари кийинчиликлар олдида додираб қолмадилар. Улар гўза ўсишини нормал ҳолатга етказиш ва кўзланган ҳосилни етиштириш учун илм-фан тавсиялари, илгор тажрибаларга амал қилиб, моддий-техника ва ишчи кучларини дала ишларига тўла сафарбар этиш билан бутун кийинчиликларни енгиб ўтмоқдалар.

Шу билан бирга республикамиз хўжаликлариде пахта терими мавсумига, пахта ҳосилни теришга ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш соҳасида ҳам катта ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Сирдарё областидаги Оқолтин райони, номидан ҳам кўриниб турибдики, асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган. Район бир неча йилдан бери етиштирилган ҳосилни машиналар билан йиғштириб олишда яхши кўрсаткичларга эришяпти. Утган йили оқолтинликлар 76 минг 300 тонна «оқ олтин» ҳосили етиштирдилар, шундан 54 минг 136 тонна «ангори кема» лар билан йиғштириб олинди. Бу умумий ҳосилнинг салкам 70 фоизини ташкил этади. Бу, албатта, терим техникасининг сифатли тайёрланганлиги ва унумли фойдаланилиши натижасидир. Съездлар йилида терим техникасидан янада унумлироқ фойдаланиш учун шу кунларда районда пахта териш машиналарини мавсумга пухта ҳозирлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаёпти.

— Биз бир неча йилдан бери ипатоволиклар методи асосида иш олиб бормоқдамиз, — дейди ҳамроҳим, механизация бўйича район агросаноат бирлашмаси раисининг ўринбосари Эргаш Юсупов. — Утган йили мавсумда 65 та йиғув отряди туздиқ. Ҳар бир отряд олита звенодан ташкил топган. Ҳар бир звенонинг ўз вазифаси бўлиб, ишда узиллиш бўлишига йўл қўйилмайди. Бу метод ишимизни осонлаштирди. Унинг асосида «Дала—бункер—тележка—авод» болганини келиб чиқди. Пахтанинг ифлосланиши қамайди. Чунки машинада терилган пахтанинг бир грами ҳам ерга тўқилмасдан тўғри заводга жўнатилди.

Биз районда техникани мавсумга тайёрлаш ишлари билан қизиқдик. «Партия XXIII съезди» совхозининг трактор паркида бўлиб, териш машиналари мавсумга тахт қилиб қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Анвар Зайнобиддинов бошчилигидаги 12 кишидан иборат соловчи слесарлар бригадаси эндигина даладан қайтиб, бу ерда иш бошлаган эканлар. Совхознинг барча ишчилари қатори улар ҳам гўзани қатқалоқдан чиқариш учун чопиққа сафарбар этилганлар. Улар эрталаб чопиққа чиқиса, куннинг



ДЕҲҚОН ТАЯНЧИ

иккинчи ярмида техникани ремонт қилиш билан шугулланишар экан.

— Мавжуд терим техникасининг ҳаммасини 1 июлгача ремонтдан чиқариб, мавсумда техникадан тўлиқ фойдаланишни таъминлаймиз, — дейди совхоз бош инженери Одилов Тостонбеков. Шу кунгача совхозда мавжуд 120 та пахта териш машинасининг 110 таси, 30 та кўрак чувиш машинасининг ҳаммаси мавсумга тахт қилиб қўйилган. Назип Муратов, Лесбек Отабоев, Олим Ҳабибуллаев каби соловчи слесарлар бу ишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётдилар. Катта инженер Б. Сайидхасанов бошчилигидаги техника назорати комиссияси ҳар бир тайёрланган машинани синчковлик билан текшириб қабул қилиб олади. Чунки сифатсиз ремонт қилинган машиналар мавсумда панд бериши аниқ.

«Фарғона» совхозини — Оқолтин районидаги йирик пахтачилик хўжаликларидан бири. Бу йил совхоз пахтакорлари республикамизнинг улкан хирмонига ўзларининг 18 минг тонналик пахта ҳосилни қўшиш ниятида далада зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилаётдилар. Етиштирилган ҳосилнинг 80 фоизини машиналарда йиғштириб олишни режалаштирган совхоз механизаторлари ҳам мавсумда терим техникасидан тўлиқ ва унумли фойдаланишга ҳозирдан пухта замин яратмоқдалар. Улар совхозда мавжуд 204 та пахта териш, кўрак териш ва кўрак чувиш машиналарини, 500 га яқин тележаларини 1 августгача тўлиқ сифатли ремонтдан чиқариш учун ҳаракат қилишяпти.

Совхоз устахонасида 40 кишидан иборат слесарлар бригадаси ташкил этилган. Улар ҳар бир терим машинасини ниҳоятда синчковлик билан кўздан кечиришиб, зарур техник жараёни амалга оширмоқдалар. Айниқса «МТЗ—80Х» маркали «Белорус» тракторининг двигате-

лини устахонанинг ўзида ремонт қилишни йўлга қўйган Ленин ордени нишондори механик Мирсоат Миролимовнинг ишлари диққатга сазовордир. Шу йилнинг ўзидаёқ у ўз шогирдлари М. Фозилов ва И. Қорёғдешлар билан бирга Д—240 двигателдан 60 тасини қайта ремонтдан чиқарди. Двигателларнинг совхоз устахонасининг ўзида ремонт қилиниши туфайли сарф-ҳаражат 450 сўмдан 200 сўмга туширилди. Бу иш М. Миролимовнинг 50 йилдан бери техника билан тиллашиб ортирган тажрибалари натижасидир.

Шу билан бирга техникани ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқариш ишига тўқинлик қилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Учқўрғон ремонт заводида тайёрланган пахта териш машиналарининг барабанлари ниҳоятда сифатсиз. Уларга қайта ишлов берилиш натижасида ишчи кучи бехуда исроф бўлаётди. Таъминоти ташкилотларнинг «МТЗ-80Х» маркали «Белорус» тракторларининг тиллаш поршенини ўз вақтида етказиб бермаётганлиги ремонт ишининг чўзилиб кетишига сабаб бўлаётди. Шу билан бирга, «Фарғона» совхозини раҳбарларининг зўр ғайрат билан ишга киришган механизаторлар маданий-маиший эҳтиёжларига беварқ муносабатини қандай изоҳлаш мумкин? Масалан, устахонада ишловчилар учун иссиқ овқат ташкил этилмаган. Биз устахонага кириб борганимизда соат 16³⁰ эди. Лекин Ж. Қобилов, А. Акбаров ва бошқа слесарлар эндигина иш жойларига етиб келишган экан. Сабаб эса уларни узоқдалиги ва уйга бориб тушлик қилишлари. Кўриниб турибдики, совхознинг олис бўлимларидан келган механизаторлар тушлик қилиш учун бир неча соат қимматли вақтларини йўқотаётдилар. Устахонада иссейий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Механизаторлар на кундалик газета ва журналлар билан танишадилар, на радио

эшитиш имкониятига эгадирлар.

Райондаги Усмон Юсупов номили совхозда ҳам шундай камчиликлар мавжуд. Хўжалик раҳбарларининг тез-тез ўзгариб туриши ҳам совхоз экономикаси ва иш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда. Совхоз трактор паркида ишлар ниҳоятда қонқарсиз. Слесарь-ремонтчилар бошлиғи Абдуфаттоҳ Содиқов ишни плансиз ташкил этган. У ремонтдан чиқарилган, мавсумга тайёр деб кўрсатган 30 машинани кўздан кечириб, уларда талайгина камчиликлар борлигининг гувоҳи бўлдик. Биринчидан, ҳали машиналар бўёқ қилинмаган, ёғлари оқиб ётибди, фаралар ва ҳайдовчи ўриндиқлари тайёр ҳолатда эмас, занжирлари ёлганмасдан занглаб ётибди. 11 кишидан иборат ремонтчи-слесарлар эса ишни ниҳоятда суст олиб боришяпти. Чунки уларга ҳеч қандай шартшароит яратилмаган. Механик А. Содиқовнинг ўз ишига ниҳоятда совуқонлик билан қараётганлиги оқибатида терим техникасини мавсумга тайёрлаш ишлари кечикиб кетаяпти. Механик устахонада қанча терим техникаси борлигини ҳам билмаслиги ёки машиналар ремонтни жараёнини ниҳоятда юзаки тушунишни қандай баҳолаш мумкин? Хўжалик раҳбарлари бу масъулиятли устакдаги ишни А. Содиқовга ишонибди, кейин аттанг деб қолишмасмикан? Ҳосилнинг 75 процентини машиналарда териб олиш учун механизаторлар мавжуд техникага эгадирлар. Бунинг учун совхознинг трактор паркидаги 170 та терим техникасини ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқариб тайёрлаш лозим. Яқинда совхознинг бош инженери вазифасига тайинланган Я. Воймуродов ишга қатъий киришмоғи, устахонада ишлаётган ремонтчи-слесарларга етарли шарт-шароит яратиш лозим. Трактор паркидаги камчиликлар зудлик билан бартараф этилиши керак.

Райондаги «Чинниобод», Абдали, Ворошилов номидаги совхозларда пахта териш, кўрак териш, чувиш машиналарининг ремонтни қизгин олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Умуман районда, район аграр санаот бирлашмаси терим техникасини мавсумга пухта ҳозирлаш ишига қатъий киришганлигидан далолат бериб турибди. Район аграр санаот бирлашмаси 1 августгача районда мавжуд бўлган 762 та пахта териш машиналари ва бошқа техника хизмати воситаларини, трактор прицеpleri, пахта ортиш механизмлари ремонтини тугаллаш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Уларга бу ишда Ташкент Қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаштириш инженерлари институтининг 250 дан ортиқ юқори курс студентлари яқиндан ёрдамлашадилар.

Бу йил район механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг 75 процентини машиналарда йиғштириб бериш каби ниҳоятда улкан ва масъул мажбурият олганлар. Шу мажбуриятни шараф билан адо этиш ремонт ишларининг муваффақиятига бевосита боғлиқ.

Абдураззоқ КАРИМОВ

Оқолтин райони

ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

Содиқжон ИГИТАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси

Меҳнат — жамият моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаи, кишининг ижтимоий обрў-эътиборини баҳолайдиган асосий мезон, шахсни коммунистик руҳда тарбиялашнинг негизи. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ҳалол, серунум меҳнатнинг кадр-қимматини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизда социализмнинг: «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша», деган асосий принципи оришмай амалга оширилмоқда, меҳнат ва истеъмол меъёри устидан давлат ва жамоат назорати олиб борилмоқда.

Совет кишиларининг аксарияти халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, КПСС XXVII съезди мамлакат социал-иқтисодий тараққийини жадаллаштириш соҳасида ўртага қўйган вазифаларни бажаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Халқимизнинг моддий турмуш шароитлари тобора яхшиланмоқда.

Айни пайтда, КПСС XXVII съездида эътироф этилганидек, 70-йиллар ва 80-йилларнинг бошларида мамлакатимизда ижтимоий интизом ва назорат суъайиб кетиши оқибатида хусусий мулкчиликка интилиш ва жамоат манфаатларидан шахсий манфаатларини устун қўядиган кишилар пайдо бўла бошлади. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишдан бўйин товлаб ёки ундан оладиган даромадларидан қаноат ҳосил қилмай, осон ва мўмай пул топиш йўлига кириб кетдилар. Бундай салбий ҳолатлар, айниқса, бизнинг республикаимизда нисбатан кенг тарқалди.

Меҳнатсиз топилган даромадларнинг жамият учун хавфлилиги шундаки, бундай даромадлар асосан ғайриқонуний, кўпинча эса жиноий ҳаракатлар туфайли олинади. Социалистик мулкни талон-торож қилиш, чайқовчилик, порахўрлик, юлғичлик, давлат ва жамоат транспортдан ва механизмларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, тақиқланган касб ёки фаолият билан шуғулланиш, кўрсатилган хизмат учун ортиқча ҳақ ундириб олиш, харидор ва буюртмачиларни алдаш каби ғайриқонуний ҳаракатлар меҳнатсиз даромад олишнинг асосий усуллари дур.

Социалистик турмуш тарзига хилоф бўлган бундай яроқсиз ҳолатлар меҳнаткашларнинг манфаатларига зид бўлиб, совет кишиларини ҳақли равишда ғазаблантирмоқда. Меҳнаткашларнинг талабларини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети яқинда меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирларни тўғрисида муҳим қарорлар қабул қилдилар. Партия ва ҳукуматимизнинг муҳим кўрсатмаларини барча софдил совет кишилари қатори республикаимиз меҳнаткашлари ҳам мамнуният билан кутиб олдилар.

Маъмур қарорларда давлат ва граждандар ҳисобига ғайриқонуний бойлик орттиришнинг ҳамма йўллари ва тўйнуқлари маҳкам беркитиб қўйилиши лозимлиги, ўз имкония-



тига яраша яшамайдиган шахсларга қарши курашда совет қонунилари ва жамоатчилик фикрининг бутун кучидан фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди, меҳнатсиз даромадлар олиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарлик фактлари учун масъулият бирмунча кучайтирилди.

Республикаимизда кейинги йилларда анча кенг тарқалган порахўрлик, давлат мулкни талон-торож қилиш, қўшиб ёвиш, хизмат мансабини суниёт-мол қилиш каби жиноятларга қарши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми қарорлари асосида кескин кураш олиб борилди. Системали равишда пора олиб келган, давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилиб, катта бойлик орттирган шахслар фож қилиниб, жиноий жавобгарликка тортилдилар. Суд ва тергов практикаси шунини кўрсатадики, назоратнинг бўшашиб кетиши, ҳисоб-китоб ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, кадрлар билан ишлаш принципларининг қўпол равишда бузилиши оқибатида айрим мансабдор шахслар узок вақт мобайнида оғир жиноятлар қилиб, давлат ва халқ ҳисобига бойиб келганлар. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Суди яқинда Ш. Қудратов, А. Музаффаров, А. Дўстов ва бошқаларнинг жиноий ишини кўриб чиқди. Шоди Қудратов кўп йиллар мобайнида Бухоро шаҳар саноат моллари билан савдо қилувчи идорада директор бўлиб ишлаб, ўз қўли остидаги савдо ходимларидан муттасил равишда пора олиб келган, улар эса, ўз навбатида, харидорларни алдаш, товарларнинг нархини

ошириб сотиш билан шуғулланиб келишган. Натижада Қудратов ақл бовар қилмайдиган миқдорда бойлик тўплаган, Музаффаров Бухоро область ички ишлар бошқармасида ВХСС бошлиғи лавозимида ишлаш даврида хизмат бурчига мутлақо зид ҳолда савдо ходимларидан ва бошқа шахслардан сурункасига пора олиб келган. Тергов жараёнида шу жирканч кимсада бир ярим миллион сўмдан ортиқ пул ва қимматли зеби-зийнатлар борлиги аниқланди. Суд бу икки жиноятчини ўлим жазосига ҳукм қилиш билан бирга уларнинг мол-мулкни давлат фойдасига мусодара этди. Шундай қилиб, халқ бойлиги ўзининг қонуний эгасига қайтарилди.

Кейинги йилларда Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Тошкент областларида, Қорақалпоғистон АССРда пахта тайёрлаш соҳасида катта миқдорда қўшиб ёвишларга йўл қўйилди. Бу хйбат ва ғирромлик усули юлғичларга етиштирилмаган ва топширилмаган пахта учун давлатнинг юз миллион сўмлаб пулини ўзлаштириш имкониятини берди. Биргина 1983 йил мавсумида Шаҳрисабз пахта заводи бўйича Шаҳрисабз ва Китоб райони хўжалиқларига 25 минг тоннадан ортиқ пахта қўшиб ёзилганлиги, натижада давлатнинг 12 миллион сўмга яқин маблағи талон-торож қилинганлиги аниқланди. Ана шу «операция» натижасида, масалан, шаҳрисабзлик Х. Холиқов 535 минг сўм «даромад» олган.

Меҳнатсиз даромад олиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида гапирар эканмиз, кўпгина корхоналарда ҳозиргача тоқат қилиб келинаётган ташимачилик, аниқроқ қилиб айтганда, майда ўғирлик фактлари тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Юзаки қараганда, майда ўғирлик унча катта зарар етказмаётгандек кўринади. «Конфет фабрикасида 5—10 дона шоколад, тамаки фабрикасида 5—6 пачка сигарет, паррандачилик фабрикасида 10—15 дона тухум, ула-атир фабрикасида 1—2 флакон атир олиб чиқиб кетилиши натижасида давлатимиз камбағаллашиб қоларми», деб нотўғри мулоҳаза қилидиган кишилар топилади. Аслида эса ташимачилик мамлакатимизга иқтисодига ҳам, кишилар психологиясига ҳам жиддий путур етказмоқда. Шу нарса ни асло кечириб бўлмайдик, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа хил тайёр буюмлар, жиҳозлар ишлаб чиқарилаётган корхоналарда, цехларда ташимачилик билан қўриқчи-қоровуллар кўпинча «мурасасозликка» борадилар. Бу эса ўшанақалар учун халқ ва давлат мулкни талон-торож қилишда жуда «қўл» келмоқда. Масалан, Янгийўл шаҳридаги «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва «Ўрток» шираворлик фабрикасида назоратнинг бўшашиб кетиши оқибатида жуда хунук воқеалар юз берди. Биз бутун воситалар билан майда талон-торожликка қатий чек қўйишимиз керак. Янги қабул қилинган ҳуқуқий ақтларда майда ўғирлик учун масъулият анча кучайтирилди. Эндилдики давлат ёки жамоат мулкни оз миқдорда талон-торож қилган шахс 200 сўмгача штраф қилинади ёхуд икки ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади. Айни пайтда бундай шахс мукофотнинг барча турларидан, йил якунларига қараб бериладиган мукофотлардан ва бошқа имтиёزلардан маҳрум қилинади.

Маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, медицина, коммунал хўжалик ва бошқа бир қатор соҳаларда меҳнатсиз даромад олиш манбаи йиғмачилиқдур. Агар порахўрликка қарши кескин кураш олиб борилаётган бўлса, йиғмачиликка қарши ҳам шундай кураш олиб борилаётган деб бўлмайди. Чунки бунда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларнинг имкониятлари чекланган. Тамағирлик фактлари тўғрисида граждандар кўпинча тегишли идораларга хабар беришмайди. Гапнинг сирасини айтганда, медицина муассасаларидаги, коммунал хўжалик, транспорт ва маиший хизмат корхоналаридаги тамағирлик йиғмачилик билан шуғулланиш баъзи кишилар «хотамтойлик» қилиб ўғирчилик қўйишган. Бундай фактларга қарши



ЭЛЛАР

Азизим, мунисим, жонона эллар,
Меҳнаткашу мумтоз, шодона эллар,
Бир-бирига ҳамдаст, ҳамхона эллар,
Донишманду оқил, фарзона эллар,
Сиз туфайли гўзал замона, эллар.

Не-не ёнгиларни ўчирган сизлар,
Ризку рўз дарёсин тоширган сизлар,
Саҳроларга ҳаёт келтирган сизлар,
Дилда умид гулин ундирган сизлар,
Сиз-ла боғу баҳор ҳар хона, эллар.

Англадим, сиз боис ободдир Ватан,
Илҳомларим қайнаб жўшдим юракдан,
Мадҳингизга қўшиқ қўшдим юракдан,
Фахр этарман сизни мен куйламакдан,
Эй соҳиби меҳнат, мардона, эллар.

СОЧИН ТАРАБ...

Сочин тараб кўринди қуёш,
Пешвозига қолди
Учқур, оқ булутлар
турна қатори.
Атрофда қизиди кушлар бозори,
Сувлар туя-туя ўйнаб чопдилар,
Бўй отган майсалар
яна бир бўй отдилар.

Даралардан кўк сари
Отдиллар ҳовурлар,
ховурлар — оқ умрлар.

Порлоқ сийналари уларнинг
Чизиб берилган
Қирмиз

қалами-ла қуёшнинг.



БАҲОРГИ ЖИЛГА

Исиб, илиб қолди ўрмон кучоғи,
Яшил либос кийди сарғимтир сайҳон.
Сўқмоқчалар бирам кўхликки,
Бирам хаёлчанки сокин гир-атроф,
Оғушида ором,
Роҳат топар жон.
Ана журъат билан сайар шўх, дадил,
Майни бошлаб берган
Қувноқ каккужон.
Юлдузлар оқ, оппоқ булутлар узра,
Балқидилар самбиттул янглин нурланиб,
Тераклар кўринди қоронғуликда,
Сутта чайилгандай оппоқ оқариб.
Баҳорги кечиккан бир жилга қақат,
Елиб, чопиб, сингиб кетолмай қолди.

АМУ ДАРЕ

Ассалом эй, она дарё, Аму дарё,
Кўпни кўрган доно дарё, Аму дарё,
Алп қадам, мардона дарё, Аму дарё,
Соғинганман яна дарё, Аму дарё,
Мулокотингга ол мани, Аму дарё.

Қайда қолди қирмизланиб оқишларинг
Шоду хандон куйлаб-куйлаб боқишларинг,
Соҳилларга турфа гуллар тақишларинг,
Нақш олмалар бўлиб боғда балқишларинг,
Тўлқин отишларинг қани, Аму дарё.

Дарё тошгай деб куйлаган эл азалдан,
Бурғой пишгай деб куйлаган эл азалдан,
Қушлар учгай деб куйлаган эл азалдан,
Тинчлик кучгай деб куйлаган эл азалдан,
Элу юртинг таянгани Аму дарё.

Оби-кавсар сувларинг шўх жўшар қачон?
Ягринингдан тоғдай тўлқин кўчар қачон?
Дугона дарёлар сувин қўшар қачон?
Оролнинг дардлари малҳам топар қачон?
Тақдиринг ўйлатмиш мани, Аму дарё?

Урганч



курашнинг муваффақияти, асосан, гражданларнинг фаоллигига боғлиқдир.

Махсус равишда таъқиқлаб қўйилган касб-хунар билан шуғулланиш ҳам мўмай даромад олиш имконини беради. Қашқадарё областининг Ғузор шаҳрида истиқомат қилган Давлат Жабборов валюта операцияси ҳақидаги қондаларни қўпол равишда бузиб ва таъқиқланган касб билан шуғулланиб, ўз уйида қимматбаҳо металллардан тиш қўйиш дўкони очган. Унинг уйида тинтув ўтказилганда 66 дона олтин тангалар, эритиб тайёрлаб қўйилган 24 минг 915 сўмлик тилла пластинкалар, 71 минг 860 сўмлик 3 процентли заём облигациялари, пул қўйилган омонат дафтарчаси, 4 минг 380 сўм пул ва қимматбаҳо буюмлар топилган. Жабборов суд ҳукми билан етти йил муддатга овозликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинди.

Партия ва ҳукуватимизнинг қабул қилган қарорларида қолхоз бозорларидаги тартиб-сайёқларни тугатишга катта эътибор берилган. Ҳақиқатан ҳам қолхоз бозорлари кўпгина шахслар учун меҳнатсиз даромад олиш манбаига айланиб қолган. Айрим бозорларга кирар экансиз, бу ерда ўзи етиштирган маҳсулотни сотаётган деҳқонга қараганда олибсотарлар кўпроқ эканлигини кўрасиз. Негадир, уларнинг машугини ҳеч қим пишт демайди. Бозор мушуняри ва милиция ходимлари кўп йиллардан бери қолхоз бозорларига ин қуриб олган чайқовчи унсурларга нисбатан муросасозлик қилиб келаётганлиги кишини таяжжублантиради. Энди олибсотарларга қолхоз бозорларида мутлақо ўрин бўлмастлиги керак. Бироқ олибсотарлар ва чайқовчлар фаолиятига чек қўйишда халқ истеъмоли учун зарур бўлган молларни кўп миқдорда сотишни ташкил этишда комиссия савдо ва матлубот кооперацияси имкониятидан кенг фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ишни шундай ташкил қилиш лозимки, деҳқон пешона тери билан етиштирган маҳсулотини

ўзи учун фойдали шартлар билан хоҳлаган вақтда матлубот жамияти магазинларига топшира олин.

Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни яратилиши тадбирлари тўғрисида қабул қилинган қарорларда суд, прокуратура ва ички ишлар органларининг фаолиятини яхшилаш лозимлиги таъкидланиши билан бирга бу иллатга қарши умумхалқ курашини уюштириш муҳимлиги ҳам уқтирилди. Бу курашда муваффақиятларга эришиш учун тегишли моддий ва ташкилий шароитлар яратилиши муҳимдир. Халқ истеъмоқ моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, квартираларни безаш буюмлари сотишни кенг йўлга қўйиш лозим. Савдо, маиший ва медицина хизмати, уй-жой бошқармалари ва коммунал хўжалиги корхоналарининг, меҳмоналарнинг иши яхшиланиши, хизмат турлари ва шакллари кўпайтирилиши керак. Моддий бойликларни ҳисобга олишда, хом ашё ва материалларни сарфлашда қатъий тартиб ўрнатилишига, назоратсизлик, хўжасизлик ва исрофгарчиликнинг ҳар қандай кўринишлари тугатилишига, социалистик мулкнинг пишик-пухта сақланишини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг белги-ланлиши кўзда тутилган. Виждонан қилинган ҳалол ва сифатли меҳнат мунособ тақдирланиши, меҳнатни ташкил қилиш, нормалаш ва унга ҳам тўлашни таъминлаштириш масалалари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Граждандар даромадларининг қонунийлиги устидан назорат қилиш турларидан, масалан, декларациялар системасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Белгилаб қўйилдики, ўн минг сўмдан ортиқ сумага битим тўзаётган, шунингдек, қиймати 20 минг сўмдан ортиқ бўлган уй (чорбоғ) қураётган граждандар молия идорасига ана шу мабларларнинг манбалари тўғрисида декларация тақдим этишга мажбурдилар. Декларация ижроия қомитет ёки прокурорнинг талаби бўйича ҳам тақдим қилина-

ди. Ўз даромадларини яширганлик ёки нотўғри маълумотлар тақдим қилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилади.

Граждандарнинг даромадлари устидан давлат назоратининг бундай шакли мамлакатимизда биринчи марта жорий қилинмоқда. Ўз маблагларини ҳалол меҳнати билан топан граждандар бундай назоратдан норози бўлмайдилар, албатта. Текширишлар зарурат туғилган ҳоллардагина қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, белгиланган чоралар ғайриқонуний фаолият натижасида олинмаган меҳнатсиз даромадларга тааллуқлидир. Мерос, лоторега чиккан ютук, ҳадяга олинган нарса ва бошқалар меҳнатсиз даромад бўлса-да, қонунийдир. Бундан ташқари, КПСС XXVII съездида Марказий Комитет Сийёс дэкладида таъкидлаганидек, ҳалол меҳнати билан қўшимча ҳақ олувчи граждандар шубҳа остига олинмаслиги керак.

Меҳнатсиз топишган даромадларга қарши кураш — социалистик давлатнинг муҳим функцияси. Бу курашни кампанияга айлантириб юбориш ва ўткинчи деб қараш ҳато-дир. Бу ўринда ортиқча миш-мишларга, хавфсизрашга мутлақо ўрин бўлмастлиги керак. Совет халқининг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган маъмур қарорлар меҳнаткаш халқнинг туб манфаатларига мосдир.

Меҳнатсиз даромадларга қарши кураш — умумхалқ иши. Бу «...иш шундай йўлга қўйилиши керакки, — дейилади КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорда, — порахўрлар, давлат бойлигини таловчилар, тамагирлар, ташимачилар ҳамда жамият ҳисобига бойлик ортиришга ружу қилган бошқа қимсалар ялпи нафратга дучор этилсин, улар ўз қилмишлари учун жазоланишлари муқаррарлигини билсинлар».

Партия ва ҳукуватимизнинг бу даввати соф виждонли ҳар бир совет кишининг қалбида акс-садо бериши лозим.

«Совет кишиларининг юкори сифатли ва хилма-хил товарлар ҳамда хизматларга ошиб бораётган эҳтиёжлари янада тўлароқ қондириб борилсин», — деб таъкидланади «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» да.

Биз, савдо ходимлари зиммасида хизмат маданиятини мутасил ошира бориб, истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қўн билан ўрганиш, илғор савдо усулларидан фойдаланишни йўлга қўйиш масъулияти турибди. Маълумки, маҳсулотлар ҳаммининг ўсиши, турларининг кўпайиши ва сифатининг ошиши савдо хизмати кўрсатиш даражасига ҳам таъсир қилади. Шундай экан, эндиликда, савдо хизмати кўрсатишнинг эскича усуллари истеъмолчилар талабини қаноатлантирмайди. Янги қурилаётган ёки мослаштирилаётган савдо корхоналарини тежамли, ҳар томонлама қулай асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ўз-ўзига хизмат соҳасини янада кенгайтириш, олдиндан буюртмалар қабул қилиш, харидларни хонадонларга етказиб бериш каби хизмат турларини тезроқ жорий этиш зарур.

Наманган область, Тўрақўрғон районидagi «Юбилей» универсал магазинида ихтисослашган бўлимлар ташкил қилинди, савдо майдонлари икки баробар кенгайтирилди, сотиладиган молларни уларнинг турига қараб, харидорлар назарига тушадиган қилиб тартиб беришга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар яхши самара бераётир. Масалан, бино таъмир қилингунга қадар газламалар бўлимининг ойлик глани 50—55 минг сўмни ташкил этар эди. Ҳозир эса бу кўрсаткич 100—105 минг сўмга етди. Газламалар ассортименти икки баробар кўпайди. Ойлик топшириқлар муттасил 120—140 фойздан ошириб бажарилаётир. Натижада сотувчиларнинг ойлик иш ҳақлари қирқ сўмга кўпайди.

Мамлакатимизда Озиқ-овқат программасини тўла-тўки амалга ошириш умумхалқ ишига айланган бугунги кунда кооператив савдонинг ҳам аҳамияти каттадир. Колхозчилар ва совхоз ишчилари, шахсий томорқа хўжаликларига етиштирган маҳсулотларни кооператив савдо йўли билан харид қилиш ва уларни шаҳар аҳолисига етказиб бериш ишлари кейинги пайтларда сезиларли даражада жонланди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, деҳқон учун кундалик зарур меҳнат қуроллари, минерал ўғитлар, қулай ва арзон теплица анжомлари кўп жойларда етишмас экан. Биз истеъмолчилар талабини ҳисобга олиб, шаҳар ва районлардаги хўжалик моллари, кишлоқлардаги кундалик эҳтиёж моллари магазинларида ана шундай моллар билан савдо қиладиган бўлимлар ташкил қилдик. Тўрақўрғон ва Уйчи районларидаги хўжалик моллари магазинларида эса, «Деҳқонлар учун», «Чорвадорлар учун» ихтисослаштирилган бўлимлар ишлаб турибди.

Қишлоқ аҳолиси қурилиш материалларига, дурадгорлик асбоб-

ускуналарга ҳамма катта эҳтиёж сезади. Шуни ҳисобга олиб, хўжалик моллари магазинларида бундай товарлар ассортименти янада кенгайтирилди. Яқин йилларда областимизда ўндан ортик «Техника» ва «Уй-рўзгор буюмлари» магазинлари очилди. Бундай савдо шохобчаларининг сони яна кўпайиб боради.

Савдо марказлари ва шохобчаларида харидорлар талаби ва истаклари алоҳида қайд этиб борилади. Махсус комиссия бу тактифларни ўрганиб, умумлаштиради ва ҳар ойда бир марта апрофлича муҳокама қилиб, тегишли тадбирлар белгилайди.

Бироқ, областимизда аҳолига савдо хизмати кўрсатиш талаб ва эҳтиёжлар даражасидан бирмунча орқада қоляпти. Маҳсулотларнинг сифати ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, шаҳар ва районлардаги савдо корхоналаридан болаларнинг уст-бош ва оёқ кийимлари, мактаб формалари, катталарнинг

нихоятда паст бўлган бу маҳсулотлар областимиздаги 667 савдо нуқтаси ҳиссасига тўғри келади. Айрим савдо шохобчаларида маҳсулотларни сақлаш, уларни истеъмолчиларнинг талабларига қараб тақсимлаш устидан етарлича назорат ўрнатилмаган, бошқа шаҳарлардан шартномада кўзда тутилмаган моллар келтириш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Масалан, 1985 йилнинг ўзига област савдо корхоналарига шартномадагидан ташқари келтирилган маҳсулотлар миқдори 17—20 процентни ташкил қилади.

Норин район матлубот жамиятига қарашли 12-магазин мудир Х. Қаҳқоров Гродно савдо базасидан 76 минг сўмлик шойи газламалар харид қилган. Натижада район савдо ташкилоти 2 минг 273 сўмлик устама муқофотдан маҳрум бўлди. Яна бошқа нохуш факт: Янгичўрғон район матлубот жамиятига қарашли «Дўстлик» универсал магазини хўжа-

САВДО МАДАНИЯТИ ВА ДАВР ТАЛАБИ

замонавий модада тикилган костюмларини топиш кийин. Маҳаллий саноат корхоналарида тайёрланган оёқ кийимларининг сифати истеъмолчиларни мутлақо қаноатлантирмайпти. Маълум бир жойларда бир неча ассортиментдаги маҳсулотлар сотилмай ййғилиб қолиш ҳоллари содир бўляпти. Бошқа жойларда эса айнан шундай маҳсулотларга эҳтиёж катта. Мутасадди савдо ташкилотларининг раҳбарлари, товаршунослар, бўлим бошлиқлари бу нуқсонларни тугатиш соҳасида етарли даражада фаоллик кўрсатмаётирлар.

Савдо ташкилотлари маҳсулотларга талабнома ва буюртма беришда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Аҳоли эҳтиёжини ўрганиш ишларида ҳали ҳам жиддий нуқсонлар мавжуд. Ҳисоб-китобларга кўра, областимиз савдо корхоналарида 1981 йилда 11 миллион 632 минг сўмлик белгилангандан ортиқча маҳсулот бор эди. 1985 йил охирига келиб, уларнинг миқдори 33 миллион 684 минг сўмга етди. Сифати

лик моллари бўлими мудир Д. Қушанов Қорақалпоғистон АССРнинг Қўнғирот шаҳридаги районлараро савдо базасидан 81 минг сўмлик сифати паст молларни ўзбошимчилик билан олиб келган. Устига устак, у 673 сўм ўринсиз транспорт харажатига ҳам йўл қўйган. Халқимизда: «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар», деган нақл бор. Савдо ташкилотларининг баъзи раҳбарлари ҳеч қандай зарурат бўлмаган ҳолда ҳам айрим кишилари марказий шаҳарларга командировкага юборадилар. Маҳсулот харид қилиш учун ишонч қоғозлари ёзиб бераверадилар.

Маълумки, савдо шохобчаларида ишлаётган ходимларнинг кўпчилиги махсус маълумотга эга эмас. Шу сабабли уларнинг малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини тубдан яхшилашимиз, ёшларни йўлланмалар билан савдо билим юрталарига ўқишга юбориш тажрибасини кенг қўллашимиз зарур.

Уроқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг партия

Тўрақўрғон районидagi «Юбилей» универмаги.

Ш. Осмонов фотоси



Шавкат ЖҲРАБОВ

Наманган

Ш САЊАТ мухлислари билан учрашувларнинг бирда ўқувчилар Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаевга шундай деб мурожаат қилдилар: — Сизнинг ижодингизда совет кишиларнинг меҳнати ва жўшқин ҳаёти, буюк гоёларга садоқат мавзуи катта ўрин эгаллайди. Шунингдек, доҳиймиз Владимир Ильич Ленин мавзуидаги асарларингиз ҳам ижодингизнинг муҳим қисми ҳисобланади. Ленин мавзуида қачондан бошлаб асарлар яратганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

Лутфулла Абдуллаев, юраги тўлқинланиб, ҳаяжонланди шекилли, бир муддат жим қолди. Сўнгра секин гап бошлади:

— Владимир Ильич Лениннинг сиймоси Ер юзидagi барча меҳнатқашлар учун қадрли. Унинг даҳоси шу қадар қезиски, ўткир нигоҳи бепеён мамлакатимизнинг ҳамма нуқтасини кўриб турган, десак янглишмаймиз. Ахир, ўзингиз ўйланг, Ленин Улуг Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки ойларидаёқ Мирзачўлга сув чиқариш ҳақидаги тарихий Декретга қўл қўйган... Демак, Ленин юртимизнинг ўша даврдаги ахлоқинигина эмас, унинг келажакни ҳам кўра олган... Мен ўша Лениннинг назари тушган воқеада — Мирзачўлда тугилиб ўсганман. Улуг доҳийга меҳрим нияоятда қезис. Унинг сиймосини мен ҳамisha қалб кўзим билан кўраман. Шунинг учун рассомлик санъатига ҳам улуг доҳийнинг сиймосини яратиш ораси билан кириб келганман.

Лутфулла Абдуллаев ўзининг ёшлик йилларини эслади шекилли, бир лаҳза жимликдан сўнг сўзини давом эттирди:

— Ленин декрети чиққандан кейин Мирзачўлни ўлаштириш учун борган деҳқонларга ер ажратиб берилди, партиямизнинг

Ўзбекистон тасвирий санъатида энг муқаддас мавзу — В. И. Ленин мавзуининг ёритилишига самарали ҳисса қўшган Лутфулла Абдуллаев шоғирдлари билан ўзаро суҳбатларда энг аввало таниқди совет рассомлари ва ҳайкалтошлари номини хурмат билан тилга олади. Бу — табиий ҳол. Атоқли рус рассомларидан И. И. Бродский, А. М. Герасимов, С. В. Герасимов, Б. В. Иогансон ва бошқаларнинг В. И. Ленин мавзуидаги қатор асарлари эндиликда совет тасвирий санъатининг олтин фондидан фахрли ўрин эгаллади. Машҳур рус ҳайкалтошлари Н. А. Андреев ўз ижоди давомида Владимир Ильичнинг юзга яқин ҳайкалин ишлаб, ўз номини ҳам шуҳратга буркади. Атоқли ҳайкалтош Н. В. Томский ҳам В. И. Ленин образини яратиш борасида самарали ижодий меҳнат қилди. 1974 йили В. И. Лениннинг Ташкентдаги Қизил майдонга ўрнатилган улугвор ҳайкали ҳам ана шу санъаткор ижодига мансубдир.

Ўзбек тасвирий санъати Ленинномасига В. Е. Кайдалов, В. И. Уфимцев, С. Абдуллаев, Р. Аҳмедов, Н. Қўзубоев, Қ. Башаров ва бошқа рассомлар катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Булар орасида Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаевнинг ижоди ана шу муқаддас мавзуининг кенг ва изчил ёритилиши билан алоҳида ажралиб туради.

Лутфулла Абдуллаевнинг «В. И. Ленинга совға», «В. И. Ленин портрети», «В. И. Лениннинг Урта Осиё хотин-қизлари билан учрашуви», «Туркистонлик хотин-қизлар В. И. Ленин ва Н. К. Крупская билан суҳбатда» номили қатор полотноларини тасвирий санъат мухлислари жуда яхши билдилар. Бу асарлар ўз вақтида санъатшунослар томонидан ҳам муносиб баҳоланган.

қатор асарлар яратишга тайёргарлик кўрди. Владимир Ильич ҳақидаги хотираларни қайта-қайта ўқиб ўрганди, Ленинни кўрган, у билан учрашган кишиларнинг суҳбатини олди. Ана шу зўр тайёргарликнинг натижаси сифатида рассомнинг «Ок йўл, профессор!», «Шундай партия бор!», «Революция душманлари», «В. И. Лениннинг Самарқанд меҳнатқашларига хати» сингари асарлари яратилди. Шунингдек, мусаввир Лениннинг шахсан ўзи акс эттирилмаган бир неча полотнолар яратдики, уларни ҳам Лениннома асарлари сирасига киришти жоиздир. Л. Абдуллаевнинг «Доҳий билан суҳбат», «Туркистон ҳарбий штабида» номили асарлари шулар жумласидандир. Мазкур расмларнинг биринчисида В. В. Куйбишевнинг В. И. Ленин билан телефонда сўзлашаётгани, унинг атрофидаги инқилобчиларнинг доҳий билан бўлаётган суҳбатни зўр қизиқиб ва диққат билан кузатаётганлари акс эттирилган. Иккинчи асарда эса, Ильичнинг йўл-йўриги билан иш кўраётган Туркистон ҳарбий штаби фаолиятининг бир лаҳзаси ўзифодасини топган.

Улуг доҳий турғилан куннинг 100 йиллик байрамига тайёргарлик кунларида Лутфулла Абдуллаев В. И. Ленин мавзуидаги яна бир асарини ниҳохосга етказди. «Бу Ленинми?» деб номланган мазкур расмда паражни ёпинган ўзбек аёлининг доҳий портретига тикилиб тургани тасвирланган. Аёл юзининг фақат бир томониғина томошабинга кўриниб турибди. Ильич портрети турган тарафдан аёлининг юзига тушаётган нурда рамзий маъно бор. Бу нарса улуг доҳийнинг гоёлари асрлар бўйи зулматда кун кечирган Шарк хотин-қизларининг дилини, дунёсини ёритаётганига, қоронғуликни қуёш нури янглиг ўчириб юбораётганига ишорадир. Ана шу нур туфайли аёлининг кўзлари Владимир

МУҚАДДАС МАВЗУ

доно сийосатини қарангки, асрлар бўйи феодал зулми остида эзилб келган камбағал-деҳқонларга саккиз гектардан ер берилди. Деҳқонларнинг кўзи тўйсин, дейилдида. Бизнинг оиламиз ҳам чўл ерларни ўлаштиришда иштирок этди. Ленин вафот этган кунларда мен ўн икки ёшда эдим... Мирзачўлликларнинг: «Отамиздан ажралиб қолдик», деб йиғлаб, узоқ мотам тутганларини ўз кўзим билан кўрганман... Ўша йиллари мен чизмачилик ишларига қизиқиб, Мирзачўлдаги дастлабки ҳўжалиқлар учун шпорлар ёзиб юрардим. 1927 йили Ташкент шаҳар Советининг иш билан Мирзачўлга борган вақили меннинг ёзган шпорларимни кўриб, ўзимни йўқлабди. Менга қизиқиб қолибди. Учрашганимда у менга: «Иккита расм ишлаб, Ташкентга — меннинг ёнимга боргин», — деди. Мен бундан руҳланиб, Карл Маркс билан Владимир Ильич Лениннинг портретини ишлаб, ўша одамнинг олдига бордим. У эса мени Самарқандга — Йўлдош Охунбоев ҳузурига йўллади. Биринчи президентимизнинг маслаҳати ва кўмаги билан Самарқанд рассомлик техникумига кириб ўқидим. Техникумда Л. Бурэ, М. Теплов, З. Ковалевская, П. Беньков сингари кўзга кўринган рассомлардан таълим олдим. Айниқса Павел Петрович Беньковни бир умр унутмайман. У киши қуёшли ўлкамизнинг, табиатимизнинг мафтун эди, барча гўзал нарсаларни худди аслидагидек дилбар қилиб ифодаларди. Беньков ўзининг шоғирдларини ҳам ўзидек ижодий ишга иштиққанд ва санъат чўққиларига интилувчан қилиб тарбияларди. Меҳнат мавзуининг, улуг гоёларга садоқат мавзуининг, Ленинномадек муқаддас мавзуининг ижодимда мустақкам ўрин эгаллашида ҳам устозим Павел Петрович Беньковнинг ҳиссаси борлиги шубҳасиз...

Рассом ижодига «В. И. Ленин Мирзачўл харитаси олдида» полотноси алоҳида ажралиб туради. Мазкур расмда мусаввир улуг Ленин даҳосининг қезилишини, барча халқларга бирдек меҳрибонлигини беришга интилган... Улуг Октябрь революцияси ғалаба қозонганидан кейинги ойлар. Еш Совет давлатига қарши ички ва ташқи душманларнинг хуружи давом этмоқда. Шундай бир тахликали кунларда Владимир Ильич Урта Осиё халқларининг ахлоқи ҳақида қайғуради — асрлар бўйи обихаётга ташна бўлиб ётган Мирзачўлда бoг-бўстонлар яратиш хусусида хаёлга чўмади... Улуг доҳийнинг Мирзачўл саҳросининг бир қисмини ўлаштириш учун 1918 йил май ойида давлат банкасидан 50 миллион сўм ажратиб ҳақида қилган Декретга имзо чекканини халқимиз миннатдорчилик билан эслайди. Лутфулла Абдуллаевнинг юқорида тилга олинган асариде Владимир Ильичнинг Мирзачўлнинг келажаги ҳақида ўйлаб турган лаҳзалари ижодий мушоҳада билан ифодаланган.

Рассом ўзининг «Совет ҳокимиятининг аёлон қилиниши» асариде ҳам Ленин даҳосининг улугворлигини, Ленин гоёларининг тўғрилиги ва барқарорлигини акс эттиришга интилди. Гарчи бу полотно совет рассомларининг шу мавзудаги асарларини қисман эслатса-да, Ўзбекистон тасвирий санъати Ленинномасида унинг ўз муносиб ўрни бор.

Лутфулла Абдуллаев улуг Ленин турғилан куннинг 100 йиллик байрами (1970) олдида унинг ижоди учун энг муқаддас бўлган мавзуда

Ильичга тобора меҳр билан тикилаётгандек, бу кўзларда келажакка ишонч тобора ортиб бораётгандек. Гўё расмдаги аёл Ленин нигоҳи таъсирида ҳозир-ҳозир, шу лаҳзада устидаги паражисини улоқтириб ташлайдигандек таассурот қолдиради.

Мазкур асар, гарчи ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаса-да, қаҳрамон нигоҳининг ёркинлиги, композициясининг яхлитлиги, мақсадни ифода этиш учун топилган нуқтанинги ўз ўрнига тушгани билан алоҳида ажралиб туради. Мусаввирнинг «Бу Ленинми?» расмида унинг етуқ санъаткорга хос маҳорати яққол сезилди. Шу билан бирга, мазкур асарда Лутфулла Абдуллаевнинг ўз ижодий балоғат ва камолот палласида ҳам изланишдан, гоёни оригинал ифода этиш учун тинимсиз меҳнат қилишдан, ҳар бир яратилажак асар учун янги-янги ташбеҳлар, аломатлар, воситалар топишдан толмаётганлиги яққол намоён бўлади.

— Санъаткорлар улуг доҳиймиз ҳақида бирор сўз айтишни ўзлари учун шошараф деб билаларди. Ер юзиде Лениннинг номини ешитмаган, бу табаррук номни тилга олмаган одам топилмаса керак, — дейди Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев. — Буюк инсон сиймосини тасвирлаш бобиде анча-мунча иш қилган бўлсам-да, хали бу муқаддас мавзуда янги асарлар яратишни кўнглимга тугиб қўйганман.

Ҳа, улуг Лениннинг табаррук сиймоси шунчалик нузли, унинг ҳаёти шунчалик мазмундор ва инсонийлик фазилитига бойки, бу мавзуда ҳар бир санъаткор мушоҳада юрийтиши, янги оригинал асар яратиши, Ленинномага ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Санъат

ЭЛ ҚИЗИ

Саодат ШАМСИЕВА

«Хужум»
ҳаракатининг
60 йиллиги
олдидан

...1914 йилнинг машаққатли кунлари эди. Нанай қишлоғидаги Обид батрак қизи Жаҳонни Байтқўронга узатаётган эмиш, Иноғомбойга тўртинчи хотин қилиб бераётган эмиш, деган миш-миш тарқалди. Шум хабар ўн уч яшар қиз қалбига гулгула солди, у тунни йиғлаб ўтказди. Саҳарда қишлоқ этагидаги жарликда шарақлаб оқиб ётган сой бўйига йўл олди. Соядек судралиб қирғоққа етди. У икки ўт орасида ўртанарди. Нозик бармоқлар титради. Ожизанинг ўксик йиғиси фарёда айланаб кетди. Шу лаҳзада сув ҳам тўлқинланиб кетгандай бўлди. Қиз бошини кўтариб, кўз ёшларини артаркан, аламли хўрсиниб, додимни кимга айтай, дегандек сойга термулиб қолди.

Қиз қалбининг тугёни арлардан буён ҳукмрон бўлган шариат қонунарига дош беролмади. Жаҳон уч кундош устига тушди. Жоҳил эр, кундошлар ва уларнинг болалари зулмига дучор бўлди. Камбағал фарзандни зоти паст, деб хўрладилар. Сабр қосаси тўлган Жаҳон 1915 йилда бу даргоҳдан қочиб, Тошкентга келади ва Юсуфали Хўжаев деган кимсанинг хонадонида чўрилик қилади. 1916 ва 1917 йиллар ғалаёнларидан у ҳам сергак тортади.

1918 йилда Шайхонтохурда хотин-қизлар учун махсус курс очилибди, деган гап тарқалди. Жаҳон дараклаб бу курсни топди.

Уни ўқишга қабул қилишди. У шу ерда маҳаллий миллат хотин-қизларини ҳақиқий озодликка чиқариш учун курашаётган коммунист аёллардан бири Зоҳида Бурнашева билан, эски турмушнинг аччиқ гурбатларини татиган, озодлик учун курашга отланган жасур қиз-жувонлар билан танишади. Зийрак, билимга ташна бу аёл кейинчалик рабфакка кириб ўқишини давом эттирди. 1919 йилда у комсомол сафига қабул қилинди.

«Бир куни, мени ВЧК бўлимларидан бирига чақириб қолишди, — деб ҳикоя қилган эди у. — Қамоққа олинган бойлардан бири асосий мол-мулкни яшириб қўйган, уни ҳеч ким топа олмаётган экан. Бу жумбоқни ечишга ёрдамлашиб юборишимни илтимос қилишди. Эркақчасига кийиниб, бой қамалган камерага тушдим. Бой пинагини ҳам бузмади. Бир-икки кун қарасам, аҳвол ўзгармайдиган. Шунда мен фалончи бойнинг кенжа ўғлиман, бизни ҳам хонавайрон қилишди, деб нолий бошладим. Бой: «Мени хонавайрон қилиб бўпти, ҳали қолган моли-дунёим етти пуштимга етди», — деб мағрурланди. Сухбат давомида хазинасини қандай қилиб яширганини фахмладим.

1922 йили фаол комсомол Жаҳон Авлиёота (ҳозирги Жамбул) шаҳрига хотин-қизлар билан ишлашга юборилди. У комсомолга

қираётганида «Бутун дунё аёлларини озод қилиш учун курашаман!» деб берган тантанали ваъдасини энди амалда бажаришига вазият етишганди. Келажакка интилиб яшаган комсомол Жаҳон ҳаётини таҳлиқкага қўйиб, уйма-уй юрар, маҳаллий аёлларга дунёда қандай ўзгаришлар юз бераётганини, Совет ҳокимиятининг мақсадини, янги тузумда яшайдиган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтирарди.


Кўп ўтмай, уни Тошкент област «Қўшчи» союзига, хотин-қизлар секторига таклиф этишди. Кечаги батрак қиз энди ҳуқуматнинг ишонган вакиласига айланди. У қишлоқларда ер ислоҳотини ўтказиш борасида муҳим ишларда фаол қатнашди. Жаҳон Обидова 1924 йилда Самарқанд эски шаҳар район партия комитети хотин-қизлар бўлими мудирлигига ишга юборилди. Бу даврда Самарқандда зиёли хотин-қизларнинг талайгина фаоллари йиғилган эди. Ж. Обидова ўз атрофига ана шундай фаолларни тўплаб иш бошлади. Районда хотин-қизлар клуби, магазинлар, артеллар очилди. Саводсизликни тугатиш мақтаблари, тиқиш-бичиш ва бадий хаваскорлик тўғрисида ташкил этилади. Вакиллар сайланиб, хонадонларда оммавий тушунтириш ишлари олиб борилди. Хотин-қизлар секин-аста жамоат ишларига жалб этила бордилар. 1925 йили бу ёш ташкилотчи, тadbиркор аёл Коммунистик партия сафига қабул қилинади ва Самарқанд област партия комитетининг хотин-қизлар бўлимига мудира қилиб тайинланади.

Хотин-қизларнинг озодликка чиқиши, уларда сиёсий активликнинг ўсиб бораётганлиги реакцион гуруҳларни ғазаблантирди. Улар пана-паналарда фаоллардан ўч олиш йўлига ўтдилар. Бир куни Жаҳон Обидова кабинетига Исмат соатсиз деб ном чиқарган йигит йиғлаб кириб келди. (Бу йигит ашаддий диндорлардан бири мулла Хиёлни ўғли эди). У рўмолчаси билан кўз ёшини артиб, хотинининг тўсатдан йўқолганлигини, бир неча кундан буён уни излаб тополмаётганини айтди. Шўро ҳукуматидан ёрдам беришларини сўради. Жаҳон Обидова дарров қидирув ишларини бошлади. Ҳарчанд уринмасин, қидирув натижа бермади. Кейин ўйлаб туриб, Исматнинг холавачаси Қораойни хузурига таклиф этиб, унга ҳавойи пўписа қилди:

— Менга қаранг, Қораой, Рафоатнинг ўлдирилишида сиз ҳам аралашгансиз, бу бизга маълум, — деди. — Лекин унинг жасадини топишимиз билан ҳамма нарса аён бўлади. Ушанда кўрасиз бу қилмишингиз нима билан тугашини.

Қораойнинг ранги ўчиб, дағ-дағ титрай бошлади. Кейин воқеани батафсил айтиб беради. Тонг отиши билан Жаҳон Обидова фаоллар, милиция ходимлари билан Исматларнинг уйига бостириб боради. Жиноятчи қочмоқчи бўлади, аммо улгурмайди. Воқеа бундай бўлган эди: Рафоатни эри Исмат бўғиб ўлдириб, танасини бурдалаб, қудуққа ташлаб, устидан кўмиб юборган экан. Икки ойдан сўнг, аранг топилган бу озодлик қурбонининг жасади тантана билан дафн этилади. Котиллар суд қилинади.

Жаҳон Обидова Ургутда ишлаган пайтларида ҳам уйма-уй юриб, камбағал деҳқон ва чорикорларга ер ислоҳотининг моҳиятини тушунтирди. Уша пайтда Ургут атрофида диндорларнинг таъсири кучли эди. Улар ер ислоҳотига қарши ташвиқотлар ўтказишар. содда кишиларни ҳар хил дўқ-пўписалар билан кўрқитишар эди. Бир куни Жаҳон



Жаҳон Обидова.

Г. Раҳмонова чизган расм.

Обидова фаоллар билан бозорга чиқиб, оломонни тўплаб митинг ўтказадиган бўлди. Шу ерда Ургутнинг номдор эшонларидан бири ҳам бор эди. Уни ҳам минбарга таклиф қилди. Ер ислоҳоти ҳақида гапиришини сўради. Эшон ноилжоз узун соқолини силаб, саватдек салла ўраган бошини сараклатиб оломонга қаради:

— Шарият қонуларига киши кучидан фойдаланиш ман этилади. Шунинг учун мен ер-сувнинг деҳқонларга берилиб, халқ ўртасида тенг бўлишини маъқулламан, — деди.

Шунда Жаҳон Обидова унга савол берди: — Сиз шарият қонуларига киши кучидан фойдаланиш ман этилган, ҳамма мусулмонлар бир хил шароитда кун кечирмоғи лозим, дедингиз. Нега бўлмаса, Ургут ерларининг қарийб тўртдан уч қисми, юзлаб қўш-хўкизлар, от-улов, минглаб қўй-сиғирлар синикию, деҳқонлар бир парча ер, бир бурдан нонга зор? — деди. Эшон ҳеч нарса дёлмай, минбардан пастга тушиб, жўнаб қолди.

Жаҳон Обидова А. И. Шумилова, С. Т. Любимова ва Ольга Поповаларнинг номини миннатдорчилик билан эсларди. Бу меҳрибон рус аёллари Жаҳон Обидованинг ҳаётида ўз ўрнини топишига катта кўмак берганлар. 1929 йили Жаҳон Обидова Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси ўринбосари қилиб сайланди. У узок муддат давомида ҳурматли оқсоқолимиз Йўлдош Охунбоев билан ёнма-ён туриб хизмат қилди. Республикамиз санотиини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революцияни амалга ошириш ишларига муносиб ҳисса қўлди.

Жаҳон Обидова ҳаётида 1935 йил қувончли воқеа юз берди. У СССР ҳукумати ҳузурдаги ЎзССР ҳукуматининг доимий вакили лавозимига тайинланди.

Республиканинг умумиттифоқ ташкилотлари, корхоналари, министрликлари билан бўлган алоқаларини мустаҳкамлаш, улар орасидаги бир-бирига бўлган хўжалик талабномаларининг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, марказий шахарларда ўрта, олий ихтисос мактабларида ўқитган ўзбекистонлик ўқувчилар, студентлар ҳолидан хабар олиб туриш унинг жонажон иши эди. Бу камтарин раҳбар республикадан келадиган ишчи-деҳқонларни кутиб олар, улар билан бирга Қизил майдонга — Ленин мавзолейига борар, уларни Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасини томоша қилдирмагунча кўнгли тинчимас эди.

Жаҳон Обидова кўпгина ташкилотларга раҳбарлик қилди. Саноат корхоналарида меҳнатни замон талаблари даражасида ташкил этиш жараёнларига катта аҳамият берди. Бу қувноқ, кези келганда ўта жиддий жувоннинг уйи доимо дўстлари билан гавжум эди. У тенгдошлари Тожихон Шодиёва, Нурихон Муслимовалар билан кўпроқ хабарлашиб турарди.

Жаҳон Обидова қаерда ишлагани, хотин-қиз кадрлар тарбиясига, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятига алоҳида аҳамият берди. Ҳалима Қозоқова, Ольга Попова, Онахон Екубова, Сайдинисо Шокирова каби меҳнаткаш халқ вакиллари республикамизда социализмни мустаҳкамлаш ишларида фаоллик кўрсатдилар. Хоразмлик Хайрилматов Сайдошева, марғилонлик Махбуба Раҳимов, тошкентлик Робия Носирова, аёллардан чиққан биринчи раисалар Назира Йўлдошева, Раҳима Исмовалар кейинчалик ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилдилар. Коммунист Жаҳон Обидова ҳаминша улар билан ёнма-ён ва бирга хизмат қилди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки йилларида партия Жаҳон Обидовани давр учун муҳим соҳа — Ўзбекистон консерва-мева-сабзавотчилик трестига бошлиқ қилиб тайинлади. Бу трестнинг вазифаси шонли совет қўшилларини мева-сабзавот каби маҳсулотлар билан таъминлашдан иборат эди. Бундан ташқари, марказий Россиядан кўчириб келинаётган кексалар, болалар ва беморларни озик-овқат билан таъминлаш вазифаси ҳам

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

НОДИР НАШРЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси Ўрта Осиёда энг кенса ва бой кутубхоналардан биридир. Бу кутубхона беш миллиондан ортиқ китоб фондига эга. Булар орасида СССРдаги қардош халқлар тилларида ва чет тилларда нашр этилган китоблар, журнал ва газеталар бор. Шу жиҳатдан, айниқса, кутубхонанинг «Нодир нашрлар» фонди эътиборга молик. Унда 1483 йили Нюренбергда нашр этилган энг кўна китобдан тортиб ҳозирги даврда чоп этилаётган газета ва журналлар ҳам мавжуддир. Маъқур бўлимда Тошкентда биринчи марта рус ва ўзбек тилларида нашр этилган «Туркистон ведомости» (1870 — 1917) ва «Туркистон виллоятининг газети» номига газеталар дийёримиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган манбалардир. Булардан ташқари, бўлимда революцион руҳ билан сугорилган ва шунинг учун ҳам чор Россияси томонидан ман этилган адабиётлар, газеталар ва журналлар, хусусан, В. И. Ленин «Искра» снинг асл нусхасидан 51 та сон я сақланади.

Айниқса, доҳиймиз В. И. Ленин асарларининг Улуғ Октябрь революциясига чақоқ этилган нуҳсаларининг қаттиқ таъбиҳларга қарамасдан Тошкентга олиб келиниб, кутубхонанинг бебаҳо бойлиги бўлиб қолиши қувончли ҳодир. Улуғ доҳийнинг шундай асарларидан бири Санкт-Петербургда 1906 йили нашр этилган «Ишчилар партиясининг аграр программасини қайта кўриш», 1905 йили Москвада РСДРП нашрида чоп этилган «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» номи асарлари чор ҳукумати томонидан ман этилиб, мусодара қилинган эди. Лекин шунга қарамасдан уларнинг биттадан нусхаси китобдор М. В. Дроздов коллекциясида сақланиб қолган ва 1935 йили кутубхона фондига қўшилган.

В. И. Ленин П. Струве тахрири остида босилган Сидней ва Биатриса Веббинининг «Англия тредюанизмининг назария ва практикаси» номи китобини 1901 йили инглиз тилидан таржима қилиб, В. Ильин тахаллуси билан Санкт-Петербургда нашр эттирган. Шу китобнинг бир нусхаси

ҳам кутубхона фондида сақланади.


1899 йили шу тахаллусда Санкт-Петербургда нашр қилинган «Россияда капитализмининг ривожланиши» асари, 1917 йили Петроградда чоп этилган «Деҳқончиликда капитализмининг ривожланиши ҳақида янги маълумотлар» асарининг Америкага бағишланган ксми, «Америка Қўшма Штатларида капитализм ва деҳқончилик» китоби ҳам нодир нашрлар бўлимида сақланади.

В. И. Ленин гоиларини, унинг нуқт ва мақолаларини омма ўртасида тарғиб қилишда Туркистонда нашр этилган газеталар ҳам муҳим роль ўйнаганлар. Доҳий измо чеккан декретлар ва бошқа материаллар 1917—1924 йилларда рус ва ўзбек тилида чиқадиган газеталар саҳифаларида босилди. Масалан, «Иштирокцион» газетасининг 1919 йил 11 ноябрь сонида В. И. Лениннинг «Туркистон коммунистларига мактуб» и босилган бўлиб, бу мактубни Турккомиссия аъзоси, саркарда М. В. Фрунзе Улка конференциясининг қатнашчиларига ўқиб эшиттирган эди.

Шу нарсани мамнуният билан эътироф этиш мукинки, ўша вақтлардаёқ доҳий асарлари ва мақолаларининг иккли ўлжаларда тарқалиши шу жойлардаги маҳаллий халқларда илгор ижтимоий фикрнинг шаклланишида катта роль ўйнади.

Дарҳақиқат, КПСС XXVII съезидеда қайд этилганидек, совет кишиларини, келажак авлодини маънавий жиҳатдан тарбиялашда В. И. Ленин асарлари муҳим маънавий омилдир.

Раҳим ФАИЗУЛЛАЕВ



шу коллектив зиммасида эди. У Улуғ Ватан урушида халок бўлганларнинг фарзандларига гамхўрлик қилди. Улардан бир нечасини ўз қарамоғига олиб, оналик қилди, меҳр билан вояга етказди.

Улуғ Ватан урушида қозонилган буюқ Ғалаба бутун совет халқини руҳлантириб юборди. Энди мамлакат олдида уруш асосларини тугатиш, халқ хўжалигини тиклаш вазифаси турарди. Бу даврда Жаҳон Обидова Тошкент тамаки фабрикасига раҳбарлик қила бошлаган эди. Бу корхонада у қарийб 20 йил фаол меҳнат қилди. Унинг босиб ўтган йўли жанговар йўл эди. Партия ва ҳукуматимиз бу жасур ўзбек аёлнинг хизматларини муносиб тақдирлади. У Иттифоқ аҳамиятидаги ҳурматли пенсионер бўлди.

...Ихсон орау-умид билан тирик. Феодализм даврида, зулматда кун кечирган бир жабрдийда оилада турилган қизалоққа не-не ниятлар билан Жаҳон, деб исм қўйишди.

Унинг феъли кенг, пепонаси офтобдек ёруғ, нузли бўлишини орау қилдилар. Улуғ Октябрь инқилоби туғайли Жаҳон ота-онаси орузларини рўёбга чиқарди. Озод Шарқ аёлнинг нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатди. Эл-юрт ёъзозига сазовор бўлди. У таникли давлат арбоби даражасигача кўтарилди. Хизматлари икки марта Ленин ордени, шунингдек, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан тақдирланди.

Жаҳон Обидова 1966 йилда Тошкентда вафот этди. Унинг номини абадийлаштириш учун партия ва ҳукуматимиз қарори билан у туғилиб-ўсган Тошкент область Бўстонлик районидаги «Нанай» қишлоғига «Жаҳон-обод» номи берилди. Тошкент тамаки фабрикаси ва яна бир қанча мактаблар, кўчалар, маҳаллалар Жаҳон Обидова номи билан аталди.

Республикамиз аҳли Жаҳон Обидова номини эътиром ва чуқур миннатдорчилик билан эслайди.

Широк

Асад АСИЛОВ

ХИКОЯ

ХУМОР сахарлаб чаққон ҳаракатга тушиб, хилма-хил бўғирсоқлар: туя, балиқ, хўро, баргнуса чалпақлар пиширишга киришди. Жувон шу қадар маҳлиё бўлиб ишлардики, пишириқлари тўлишиб, кипизариб чиққан сари юзи гул-гул товланиб, чехрасидан табассум аримасди. Узича нималарнидир пичирлар, хумор кўзлари сузилиб-сузилиб кетарди.

Эндигина роз-роз тура бошлаган Бахтиёрни ўйнатиб ўтирган қоқсуяк кампир келинига зимдан қараб-қараб қўяди. Қовоги солиқ, бир нималар демоқчи бўлади-ю, қаттиқ-қаттиқ томоқ қиришдан нарига ўтолмайди. Ичини «ит тирнаётган» қайнона Хуморнинг кўнглидаги режаларини билолмай хуноб эди. Келиннинг эса, у билан жила иши йўқ, ҳамон ошхонага, газнахонага, ичкари уйга кириб-чиқади, елиб-югуради. Пишириқларини тутатгандан кейин ҳам тинчмади: алланарсаларни рўмолчапарга тугди, нималарнидир шишаларга қўйди, ҳаммасини катта тўрвага жойлаштирди, кейин яна бошқа юмушларга уннаб кетди...

«Келиннинг бундақа одати йўғиди. Манминан бир оғиз махлахатлашмай, қаёққа шайланиб қолдикин? — тобора пешонаси тиришиб борарди кампирнинг. — Кеча, тоғдан тушган болалардан бири: «Шунқорнинг лампамоий қолмабди, чироқсиз ўтирибди», деганди-я! Шунга эшитиб туриб бу жувонўлгининг кўнглига қандоқ қилиб сайру саёҳат сиғаркин?!»

— Тек ўтирсанг-чи, тинчмагур! — ҳадеб йўргалаб қоцаётган неварасига шанғиллаб пўписа қилди кампир. Келини томон орачора совуқ назар ташлаб қўйди. — Уғлим йўқ бўлса, жа аркаланиб, ўзошимча бўлиб кетасанлар-а!»

«Неварам, сенга айтаман, келиним, сен эшит», қабилидаги бу «қулоққоқш»га ҳам Хумор эътибор бермади-да, ниҳоят ўзига оро беришга киришди. Кунчувоқда узун сочларини пастга тараб, бош ювди, қош терди, ўсма қўйди, исини гурикратиб атир-упа селди...

Қайнонани заррача менсимаётган бу «безбет» келиннинг қилиқлари кампирнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб борар, йиғлагиси, ҳеч бўл-

мас бир бахона топиб жанжал чиқаргиси келар, кўлидаги ширин неварам ҳам кўзига кўринмай қолган эди. Юрагига тушган гулгула борган сари авж олаверди: «Шеригимнинг тоби қочиб, қўйлар бир ўзимга қолди», деганди бир келганида. Шунгаём ўн кундан ошди. Узи, Бахтиёр туғилгандан бўёғига эр-хотин чалачулла учрашишди. Нима бало, бу жувонўлгир эрираб қолганмикин?! Қарға қағ демасдан тараниб-шайланиб пастга — отасиникига кетмоқчи-ёв. Бугун-эрта қанақадир катта байрам дётганди. У ёққа борса, бўлса-бўлмаса, бирга юрган тенқурларига кўшил-волади, алланимабалоларни ичади. Борма, десам, орамиздан гап қочиб қолармикин? Индамасам... бўлар иш бўлгандан кейин минг дод-фарёнинг кимга кераги бор? Йўқ, бундоқ қолдириб бўлмайди, фиш қолидан кўча, сираям ўрнига тушмайди. Албатта, олдини олишим керак. Шўрим курсин, бу кўргилигим бормиди! Узи, ким кенжа ўғли кўлида қолса аҳмақакан! Ундоқ десам... кенжатоимин кўйбоқар бўлмаганда-ку, ҳар куни эшигимдан кириб-чикиб турарди, хотинимга хаёли бузилмай уйимда теккина ўтираверарди. Шу ишни яхши кўраман, деб турволди-да, тинчмагур...»

Хумор кийиниб чиққач, кампир ортиқ чидаб ўтиролмади, дилидаги аламлар тилига кўчди:

— Ҳа, келинпоша, жа учиб-қўниб турибсиз, йўл бўлин?! — Ойижон, би-ир сайр қилиб келай...

— Менга қара, зинда! — Келиннинг гапини кесди кампир. — Утирсанг — тек ўтир. Эринг келишиминан боланг иккалангинг кўлига топшираману тўнғичимникига кетаман-қоламан. Агар сўзимга кирмай, бир ёққа жўнаворсанг, биллиб қўй, норози бўламан, манови гўдагинингяям энингга йўлатмайман...

— Бахтиёржонни ҳалиям ўзингиз боқиб ўтирасиз, ойижон. Атиги бир кунгина тураману қайтаман, — хандон отиб қулди Хумор.

— Сўзимга кирмайсанми?! — қоқсуяк қўлини кўтариб пўписа қилди кампир. — Нима, мани овсар, қай ҳаракатда юрганмини тушунмайдиган лақма деб ўйлайсанми?! Шошмай тур, Шунқорим келар, ҳамма қилғилиқларингни айтаман! Йўлингдан қайтмайдиغان бўлсанг, манавинингяям опкет! Санлар нима каромат кўрсатдинг бу шаҳар олиб берармиди...

Кампирнинг ранги сур тусга кириб, терс ўгирилиб олди. Бирпас шу ҳолда ўтиргач, рўмолининг четини кўзларига босди. Хумор оёқ учига юриб келди-да, кампирнинг ёнига охира чўқди, эркаланган овозда қулоғига шивирлади:

— Оббо, рашкчи ойижоним-эй! Эрталабдан бери чимерилиб ўтиршингизнинг боиси бу ёқда экан-да! Ахир мен сайр қилишга шаҳар-пахаргамас, тоққа — кенжатоимингизнинг олдига кетаялман-ку! Бошқа ёққа борсам, сиздан рухсат олмай ўлибманми!

— А?! Яёвлаб, шунча юкминан ҳув тоғнинг бошига қандоқ етиб борасан?!

— Яёвмас, отхонадаги анови

ювш байтали эгарлаб-юганлаб қўйдим-ку! Нарсаларимни бўлса хуржуннинг икки кўзига тўлдирволаман. Хайё-ҳув, деб жўнасам, қоронгу тушгунча етиб оламан... Кампир чир ўгирилиб, Хуморни бағрига босди, беҳтиёр юзларидан ўлиб-ўлиб олди.

— Бизлар миямиз суюлиб овсарроқ бўлиб қоғамиз, кўнглингга олмагин, — деди келиннинг силлиқ сўзларини меҳр билан силаб-сипкалар экан.

Темиртоғ бошидан қуйига қараб туман ўраб туша бошлади. Тўқайдан охира эсиб турган изғирин дам сайин кучаяверди.

Бундай пайтда бўриларнинг ови юришади. Тоғларни, бутун борлиқни қамраб олаётган қалин туман оғушида писиб келадиларда, бир хужум билан беш-ўнта, болзаб гўда-гўда қўйларга қирон солаб кетадилар. Қўй жониворнинг одати қизик: бўридан хуркиб биттаси ўзини жарга отса, қолганлари ҳам унинг ортидан гуппа-гуппа ташлайверади. Бултур худди шу кезларда аянчи кўргилик аламини тортган Шунқор қўйларнинг бошини қайтариб, ўтов сари хайлади...

Ушанда сал бепарво қолгани учун биттагина бўри ўндан ортиқ қўйини гумдон қилиб кетган эди. Уларнинг хунини ўз қўйлари ҳисобидан гўлаб қутулса ҳам, ханузгача ферма мудирининг зугумидан халос бўлолмайди. «Бунақа бепарволиклар учун аслида иш терговга оширилиши керак эди, — деб «эслатарга» ҳар келганида. — Тағинан биз, раис билан келишиб, босди-босди қилиб юбордик-да». — Ўз ҳисобимдан тўладим-ку, — деб Шунқор бир гап «гап қайтарган» эди, мудир уни баттарроқ «найза»га олди:

— Колхоз фермаси ичиди ўзингизнинг қўйларинг шунчалик кўпайиб кетганмиди?!

«Ҳар ҳолда раис иккалангизиникидан кўп эмас». Бу гапини Шунқор ошқора айтмади-ю, ичидан қаттиқ зил кетди. Шундан бери кўнглига чироқ ёқса ёримади. Яхши кўрган касбидан ҳам хафсаласи совий бошланди. «Бора-бора бошидан бойланган ит аҳволига тушиб қолайман, шекилли, — алам билан ўйларди у. — Ўз қўйларимни қўшиб боқолмасам, тоғу тошда умр ўтказишнинг менга нима қизиғи қолади? Уйда қари энам, хотиним, мурғак ўғлимдан бошқа бирон жон бўлмаса, булар эса, тил қисик жойимдан ушлаб олиб қийнаверишса...» Кўнгилсиз хаёллар эзиб ташлаган Шунқорнинг шу бугунга келиб оёқлари ҳатто нишабликка ҳам юргиси келмай қолди. Хиргойи қилиб овунай деса, ўз овози ўз қулоғига эриш эшитилаверди. Тарлон келиб оёғига суйкалган эди, беҳтиёр тепиб юборди. Ит зорланмади-ю, «менда нима айб?» дегандек, бир олайиб нари кетди. Бу қилмиши учун Шунқор ўз-ўзидан фиғинди: «Али»нинг аламини «Вали»дан олганим нимаси?!»

Кеча кечқурун ўша «Али» — ферма мудирни келиб кетгандан бери Шунқорнинг кўнглига қил ҳам сиймай қолди. Ўтоқ сари судралиб тушиб борар экан, хунук учрашув хаёлини бир зум тарк этмасди...



Н. Бекмуродов чизган расм

Мудир қош қорая бошлаганда келди. Отини ўтов олдидаги дўланага танғиди-да, ҳарс-хурс қилганча, уйга аранг етиб олди ва этик-петига билан кўрпачага ўзини гушпа ташлади. Нафасини сал ростлагач:

— Қани, пичоққа илинадиган бирортасини сўйиб, жигар-бағрини қовуриб кел-чи, — деди илтифот ҳам кутиб ўтирмай. Унинг оғзидан аниқётган арокнинг қўланса хиди шу заҳоти бутун уйга тарқалди. «Эритмоқчи» бўлаётган одамга ширинроқ бир гап ҳам айтгиси келди шекилли, чойга ўт ёқайтган Шунқорга қараб шовқиллади:

— Биласанми, ука, жанжаллаша-жанжаллаша, сенлар учун анча нарсани ундирдим. Раиснинг юзига тик қараб: «Ҳамма уйида маза қилиб яшайётганда, чўпон бечоралар тоғ-тошларда тишининг кирини сўриб юришибди», дедим. Бошқа чўпонлардан қисиб-қимтиб қолганларимизни сенга келтирдим, ана, хуржунда турибди. Чой-пойингни қўйиб тур, қани, шулардан бирини узатвор, ичайлик-да, ўлар дунёда!..

Қайси кўтонга борса, бошқалардан «қисиб-қимтиб» қолганлари ҳисобига еб-ичиб кетаверадиган бу одамнинг нечоғлик қораси тез ўчса, Шунқорга шунча яхши. Ҳар бир-ўн икки пуд тош босадиган мудирини тушмагур узокроқ қолиб кетса борми, сарғайган сўйлоқ тишларини кўрсатиб, минг марта айтган гапларини қайтавериб, суҳбатдошининг миясини ачитворади. Буни ҳам етмагандек, олдига қўйилганларнинг ҳаммасини ечиб битиради-да, гавдаси оккан томонга гушпа ташлаб, хуррак отишга тушади. Қани энди уни кўзгатиб ё ўйғотиб бўлса...

Шунқор мудирнинг олдига шисани юмалатиб юборди-да, совликларидан хабар олгани турди. Энди кўчага қадам босган эди, ортидан мудир яна жеркинди:

— Гуристонда ўтиравераманми, мундоғ чироқ-пирогингни ёқиб кетсанг-чи!

— Чироқ ҳам, пирок ҳам йўқ! Электр оборамиз деганларингга уч йилдан ошди, — ортига қарамай захрини сочиб бораверди Шунқор. — Ҳар кимлардан «қисиб-қимтиб» юргандан кўра, лампамой ола келсангиз бўлмасмиди?!

Анча нарилаб қолганда: «Вой, яхшилиқни билмаган хумпарэй...» деган сўзлар қулогига чалинди. Қайтиб келса мудир йўқ, қўлга илингулик нарсаларни хуржунга жойлаб жўнаворибди...

— Раис-ку, ёмон одам эмас, — доvon узра тик тушиб кетган йўлдан хаёлчан одимлар экан, баралла гапириб борарди Шунқор. — Унга аҳволни тескари тушунтираётганлар ёмон. Агар шу мудирга қараб ўтираверсак, икки дунёдаям қосамиз оқармайди. Шергим тузалиб чиқсин, тўппатўғри идорага бориб, раис билан очиқ-ойдин гаплашаман. Айбимиз — шу касбни ёқтирганамизми, дейман. Ўзи жи-им юраве-

ришдан наф чиқмас экан. Нариги кўтондаги қўшнилари бултур бир тўполон кўтаришган эди, дарров электр улаб беришди. Ун-ўн бешта симёғоч турғизишса-ку, бизгаям етиб келар эди. Албатта, жанжал керак, яхшилиқминан бир иш битириш жуда қийин. Уйимда чироқ ёнмаганига ҳафта бўлди. Кечаги «тўнка» аҳволни кўриб кетган эди-ку! Жа ўзи келмагандай бирортасидан лампамой бервorsa асакаси кетармиди? Электр улаб беришса, хотинимиям кўчириб келармидим...

Шунқорнинг димикқан хаёли энди уйдагиларга кўчди: «...Ана, атак-чечак қилиб қолган Бахтиёр тишсиз оғзини катта очиб кийкириб, ўрмалаганча, бувисидан қочган бўлапти. Бу-виси: «Ҳа, сан тинчимагурним, шомшай тур», деб ёлгон лўпсика қилиб ўтирибди. Хумор эса, иноқ буви-неварога жилмайиб қараб-қараб қўйганча, пишган чўчвараларни, қайнаб турган қозондан човлида олиб, катта лаганга сузаяпти...»

— Э, ўргилдим, агар шу иш топилмас матоҳ бўлса ҳам! — яна баралла гапириб юборди беххтиёр чўкур «уф» тортган йигит. — «Хўжайин» ларнинг қўйларини ажратиб, тўппа-тўғри идора олдига ҳайдаб тушаман. Агар қонун йўл бермаса, ўз қўйларимиям битта қўймай сотвораман. Қачонгача бўйинимни қисиб, ҳар хил ипирискиларнинг кўзига мўлтайиб қарайман, тили қисик юраман?! Э, ўргилдим, жа чўпонлик бўлмаса, бошқа бир йўл билан оилами тебратарман.

Нима кўп — иш кўп... Тун пардаси атрофни қоплай бошлаганда, Шунқор қўйларни кўтонга қамади-да, бир-бир босиб қоронғи уйга кирди. Нима қиларини билмай, остонада анча вақт серрайиб турди, ҳеч нарасга қўли бормади, кўрпачага узада тушди. Яна хаёли қочди: «Йигилишларда Шунқор ундок, Шунқор мундок деб қуруқ сўзлар билан мақташади. Мингта мактовингдан кўра манови чалдворини яхшилаб бер, номардлар!...» У аччиқ устидга гапиргани бўлмаса, чўпонликдан сира воз кеча олмаслиги, қардон тоғ-тошлар ҳавосини бирор кун симирмай тура олмаслигига ўзи ҳам иқдор эди. Ҳар хил режаларни ўйлай-ўйлай толиққан йигитнинг кўзлари илинди...

Тарлоннинг бехосдан вовуллаши Шунқорни уйғотиб юборди. Шу дам пастликдан қандайдир отнинг бўғиқ кишнагани эшитилди. «Мудиримиздан бекор нолиган эканман, атайлаб лампамой обкелаяпти, шекилли, — хижолат бўлди чўпон йигит. — Вир хилларда ўйлаб-нетиб ўтирмай, сал нарасага дод-войга тушиб кетамиз...» У сакраб туриб, мудирнинг истиқболига ошиқди. Адл қоматини энгаштириб, пастак эшикдан ўтди-ю, қизғиш тусли байталда жилмайиб ўтирган хотинига кўзи тушиб, кўпдан хумор кўнгли чироқ ёққандек ёришиб кетди...



КўРҒОНДАГИ ТОПИЛМА

Перу археологлари инклар давлатининг қадимги пойтахти бўлган Куско шаҳри чегида жойлашган эски Саксауаман кўрғонига ўтказган қазихи ишлари пайтанда муҳим топилмаларга дуч келдилар.

Мақкур кўрғон ўз вақтида инклар армиясининг ўзига хос штаби вазифасини бажарган. Уша даврларда Саксауаман бир неча марта чет элдик босқинчлар билан индейцлар (махаллий аҳоли) ўртасида бўлган аёвсиз жанглар, гоҳида кўзголонлар жангоҳига айланган. Манко Инка бошчилик қилган индейцларнинг қучли ҳаракати бостирилгандан кейин Куско шаҳрининг

ноиб бўлиб қолган Франсиско Писарронинг инициативаси билан 1538 йилда Саксауаман кўрғонининг истеҳкомлари ва деворларини душманга кўрсатилган қаршиликнинг рамзи сифатида бузишга фармойиш беради. Кўрғоннинг анча қисмига атайин қум ҳам сепилади. Эндиликда — орадан 450 йил ўтгач ўша қум йиғиштириб олинди. Унинг тағидан «Муйюк-Марк» («Юмалоқ») деган испан вакфиомаларидан маълум бўлган кўрғон — ҳарбий иншоотнинг учинчи куббаси топилади. У Паукар-Марк ва Сайак-Марк деб номланган тўртбурчакли истеҳкомлар билан биргаликда архитектура комплексининг асосини ташкил этган. Айниқса кутулмаганда топишган ва ўта ноёб икки нарсани олима-ларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Булар узунлиги қарий бир метр бўлган тилла таёқча ва «маскалпайча» деб аталадиган, нақш берилган олтин буюмдир. Бу буюм инк амалдорлари бош қийимининг бир қисми ҳисобланган. Археологик қазилмалар раҳбари, антрополог Мигель Варгас Арсубальдининг фикрича, ҳар иккала топилма ҳам инк ҳокимлигининг рамзи бўлиб, бунақаси мамлакат музейларида йўқ. Бу нарсалар энг сўнгги инк ҳукмдорларидан бирига тегишлидир.



Суратда: Самарқанд Архитектура-қурилиш институти катта ўқитувчиси А. Бекмуҳамедов (ўнган биринчиси), битирувчи талбалар — Ш. Нарзуллаев, Ф. Бойжигитов.

Р. Гафуров фотоси
(ЎзТАГ)

МАФЖУРАВИЙ ЖАНГОВАРЛИК

W

Бадий адабиёт ўзининг пайдо бўлиш ибтидоидан бошлаб инсон эркини ҳимоя этишда ва уни ҳар қандай «қора куч»лардан сақлашда маънавий мадад бўлиб келди. Вақтлар ўтиши билан унинг ҳаётдаги ўрни шу қадар ортдики, натижада у «ҳаёт кўзгуси» деган атама билан юритиладиган бўлди.

Бизнинг асримизда адабиёт нафақат ҳаёт кўзгуси, балки даврнинг сиёсий, гоёвий-бадий жанговар қуролига айланди. Эндиликда унинг бирор саҳифаси ва қадрли сўзи олам ташвишлари ва дунё муаммоларидан четда туролмайди. Агар таъбир жоиз бўлса, асримизнинг сўнгги чорагида адабиёт ҳаёт минбари вазифини ўтамокда. Шунинг учун чет эл буржуа «советшунослари» ўзларининг иғвогарликка, принципизликка асосланган «коммунизмга қарши салб юриши» ақидаларини ижтимоий фанларнинг бошқа турлари қатори бадий адабиёт воситасида олиб боришга ҳам зўр бермокдалар.

Самовий ва психологик уруш хавфи тобора кескинлашаётган шу кунларда чет эллик мухолифларимиз бадий адабиёт воситасида таъсир қилиш чораларини зўр бериб ахтармокдалар. Американинг Марказий разведка бошқармаси, у ердаги радио ва махсус журналлар, Гарбий Европа мамлакатларидаги хилма-хил радио эшиттириш станциялари, шунингдек «советшунослик» билан шугулланувчи уюшма ва илмий-тадиқот институтлари, кафедралари бевосита фалсафа, граждандлар тарихи, этнография билан бир қаторда бадий адабиётни асосий ва етакчи гоёвий кураш қуролига айлантириб олдилар. Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари тарихи, шу региондаги халқларнинг маданий мероси, адабиёти, социалистик турмуш тарви, хусусан, уларнинг буюк рус халқи билан маданий ва адабий алоқалари тарихи улар томонидан олиб борилаётган тескари пропагандининг асосий объекти бўлиб қолди.

Хўш, бунинг боиси ва замиридаги асл моҳият нимада? Биринчидан, бунинг моҳияти капитализмни четлаб ўтиб социализм қуриш мумкин эканлигини тасдиқлаган бу республикалар ҳаётини бузиб кўрсатиши ва марксизмнинг ана шу жанговар таълимотини атайин инкор қилиш, шу билан бирга тарих ахлатхонасига алақачон кўмиб ташланган пантуркизм гоёсини қайта тирилтиришдан иборатдир. Иккинчидан, бу нарса ҳар хил иғвогарона қарашлар ва бўхтонлар воситасида прогрессив дунё афкор оммасининг фикрини ижтимоий ҳаракат ва йўналишлардан чалғитишдан бошқа гап эмас.

Ҳозирги замон «советшунослари»нинг кирдикорларини фош этиш бўйича идеологик пропагандада кўп ишлар қилинди ва қилимокда. «Гоёвий кураш ва ўзбек адабиёти» мақоалалар тўплами ана шундай ишлардан биридир. Китоб чорак асрдан буён ўзбек

олимларининг мафжуравий кураш соҳасида қўлга киритган тажрибалари асосида яратилган. Унда буржуа «советшунослари»нинг Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари бадий адабиёти тараққиётдан атайин «қора доғлар» қидириб ўз мақсадлари учун фойдаланишлари, бордию, тўғри масалани нотўғри талкин қилишга ночор қолсалар, тўппадан-тўғри тухматга ўтиб олишлари совет адабиётининг ютуқлари асосида кескин, принципиал ва марксистик методология асосида фош қилинди.

Маълумки, айрим «советшунослар» миллий адабиётларда ўтмиш тасвирланган ўринлари унинг гоёвий йўналиши ва мазмуни нимага қаратилгани билан ҳисоблашмай «миллий уйғониш ва кўзгаллиш» деб айюханнос солмокдалар. Бунга раддия равийишда адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Лаазиз Қаюмов ўзининг «Адабиёт гоёвий курашда» сарлавхали мақоласида «Ўз-ўзини маданий жиҳатдан таниш, ўз халқининг тарихий илдиларини англаш гоёларини бугунги кунда кўлгина мамлакатларда кузатиш мумкин», дея жавоб беради ва бу нарсанинг ҳеч қандай «миллий уйғониш»га алоқаси йўқлигини ижтимоий аналитик аспектда исботлайди.

Марҳум академик Марат Нурмухамедов ўз китоб ва мақоалаларини орқали гоёвий душманларимизнинг тескари, қўпурувчилик тезисларини аёвсиз фош этиб келган эди. Хусусан, унинг мазкур китобдан жўй олган мақоласида Ч. Кўчар деган кимсанинг адабиётимиз ҳақидаги гаразғўйликдан иборат уйдирмалари аниқ факт ва мисоллар воситасида илмий рад этилган.

ЎзССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, адабиётшунос олим Матёкуб Қўшжонов америкалик олим Д. Матусевский томонидан олдинга сурилган, яъни, Урта Осиё, хусусан, ўзбек совет адабиётининг тарихий йўналиши, этник ва маданий ўзига хошлиги ҳалдан ташқари ривожланмокда, деган тезиснинг тагида яширин ижтимоий-гоёвий нотўғри негизни топади ва унга жиддий рад жавоби беради. «Чинор» ва «Меъмор» романларининг ҳар ер-ҳар еридан олинган узуқ-юлуқ парчалар асосида тарихни идеаллаштириш ва «миллий уйғониш» истаги тенденцияси миллий халқларда кучайиб бораётганини исботламокчи бўлади ўша «советшунос». Ниятининг равиллигини қарантки, гўё роман қахрамонлари ўзларини ўзбек демасдан турклар деб атармишлар, «ягона турк бирлиги» гоёсини қаттиқ туриб ҳимоя қилармишлар. Қисқаси, унинг қўлидаги қора ниятли қалам миллий халқларнинг ўтмишини сохта оқ рангга, совет даврини эса, қоп-қора рангга бўйиверади.

Буржуа мафжурачилари совет адабиёти ва унинг илгор отрядларидан бири бўлган ўзбек адабиётининг ҳар жиҳатдан ўсиб бораётган равнақини, қардош халқлар адабиёти билан ҳамкорликда тобора миллий ва интернационализм пафосининг чуқурлашиб боришини атайин йўққа чикаришга уринмокдалар. Кейинги йилларда уларнинг «тадиқот» объектлари кенгайиб, адабиётимизнинг гоёвийлиги,

миллий руҳи ва ривожланиш негизлари устида ўзларининг телба-тескарича қарашларини илғари сурмокдалар. Адабиётшунос олим С. Мамажоновнинг китобдан ўрин олган мақоласи ана шу қарашларни ўзбек совет адабиёти жараяни ва унда содир бўлаётган янги тараққиёт йўналишлари асосида инкор этади. Айниқса Э. Олуортнинг, ўзбек адабиёти «гуллар ва булбуллари насф» этадиган шеърятдан иборат, деб даъво қилиши адабиётчи мутахассисларинигина эмас, балки умуман, Шарқ ва ўзбек адабиёти ихлосмандларининг ҳам энасини қотиради. Жаноб «танқидчи» гул ва булбул васфи билан гул ва булбул ҳаёт ва инсон руҳий оламининг инъикоси, таронаси рамзи бўлиб хизмат қилишини фарқлай олмаслиги кишини ҳайратга солади.

Совет даври шеърятда булбул тамомила янгича эстетик идеал ва анъанада тимсолланади. Ярим асрлик берилятимиз тарихи шундан гувоҳлик берадики, янги дунёнинг янгича руҳдаги шеърятда булбул инқилобий ўзгаришлар ва ижтимоий қайта қурилишларнинг гасалхон куйчиси, уруш йилларида эса курашчанлик, сафарбарлик, қардош халқлар тақдирга тақдирдошлик туйғулари билан тўлиб-тошгандир.

Ҳозирги замон ўзбек шеърятда оқсоқол шоир Уйғундан тортиб қалами равонлашиб, ижодий маллака ҳосил қилган ёшлар ижодида булбул эрк ва саодат куйчиси, эл оромининг, Ватан осойишталигининг рамзидир. Демак, ўзбек шеърятини жаноб «советшунос» айтганидек, «гул ва булбул васфи» шеърятини бўлмасдан, балки бу образларнинг замирида катта ҳаёт манзараси, ижтимоий мазмундаги турмуш ҳақиқатини ёрқин ифодалаб бераётган поэзиядир.

Сўнгги йилларда буржуа «советшунослари» ҳозирги замон адабий жараянини билмасдан тахминан ва тескари нисбий хулосалар чикариб, адабий тараққиётнинг мантиқий йўналишидан мантиқсизлик ахтариш йўлига ўтиб олмокдалар. Бундай уйдирмалар адабиётшунос олимлардан Наим Каримов ва Бахтиёр Назаров мақоаларида ишонарли далиллар воситасида кескин рад этилган.

«Гоёвий кураш ва ўзбек адабиёти» китоби совет халқининг маънавий-бадий мулкига айланган мазмунан социалистик, шаклан миллий адабиётимизнинг юқоридаги гоёвий душманларига қақшатқич зарба бўлиши шубҳасиздир.

КПСС XXVII съездида уқтирилганидек, идеологик қўпурувчиликка мафжуравий сезгирлик билан ҳамиша хужумкор бўлиш керак. Худди шу руҳдан келиб чиқиб 28 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон ижодий союзларининг бирлашган пленуми гоёвий қўпурувчиларга далилларга асосланган пропаганда қарши қўйилиши зарурлигини уқтирди, республика адабиёт, санъат ва маданият ходимларининг олдидаги долзарб ва шарафли вазифаларни аниқ белгилаб берди.

Қудратли Ватанимиз адабиёти ва санъатини ҳар қандай «қора доғ»лардан асраш ва ҳимоя қилиш — даврнинг жиддий ва кескин талаби. Чунки адабиёт — халқнинг қалби. Қалб ҳамиша губорсиз бўлиши керак.



Ҳайитбой МИРҲАЙДАРОВ,

филология фанлари кандидати,
доцент

КУБА ХАЛҚИНИНГ ШОНЛИ ФАРЗАНДИ



Куба Давлат Кенгашининг ва Республика Министрлар Советининг Раисин, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг йирик арбобларидан бири, Совет Иттифоқининг яқин дўсти ўртоқ Фидель Кастро Рус 60 ёшга тўлди. У ўзининг бутун революцион шижоати ва битмас-туганмас ғайратини Америка китъасида биринчи социалистик мамлакат куч-қудратини мустаҳкамлашга, Куба халқи эришган ғалабаларни америка империализми тажовузидан ҳимоя қилишга сафарбар этмоқда.

Фидель Кастро Кубанинг шимоли-шарқидagi Биран қишлоғида туғилди. 1950 йилда Гавана университетини тугатиб, ҳуқуқ доктори илмий даражасини олади. Унинг дунёқарши Куба миллий қахрамони Хосе Мартининг революцион-демократик, антиимпериалистик ғоялари таъсири остида шаклланади. Студентлик чоғидаёқ Куба халқ партияси («Ортодокслар») сафига кириб, шу пайтлардан марксизм-ленинизм классикларининг асарлари билан танишади ҳамда илмий социализмнинг эътиқодли курашчисига айланади.

1952 йили «Ортодокслар» партияси томонидан Фидель Кастро Миллий конгресс депутатлигига номзод қилиб кўрсатилади, бироқ ўша йили март ойида генерал Батиста диктатураси ўрнатилиши сабабли сайлов ўтказилмай қолади. «Ортодокслар» партияси эса диктатурага қарши кураш жараёнида аста-секин тарқаб кетади.

Кейинчалик собиқ партия аъзоларидан кичик бир группа ташкил этган Ф. Кастро 1953 йил 26 июлда Батиста ҳукуматига қарши кўзғолон уюштиради. Кўзғолон иштирокчиларининг тенгсиз қахрамонлиги ва жасоратига қарамасдан Монкада казармасининг штурми мағлуб бўлади. Судда Фидель Кастро «Тарих мени оқлайди» деган шиор остида ёрқин сиёсий доклад билан чиқади ва бу шиор зўравонликка қарши кураш байроғига айланади қолади. У ўн беш йил муддатта қамоқ жазосига ҳукм қилинади. 1955 йил

нинг май ойида жамоатчиликнинг қатъий норозилиги ва тазйиқи остида у озод этилади ва қамоқдан чиқиши биланоқ «26 июль ҳаракати» деб аталган ташкилот тузади.

1956 йилнинг декабрь ойида Мексикада Фидель Кастро раҳбарлиги остида тузилган қуроли отряд «Гранма» яхтасида Кубага кириб келади ҳамда Сьерра-Маэстра тоғларида диктатурага қарши қуроли кураш бошланиб кетади. Шуни ҳам айтиш керакки, «26 июль ҳаракати» раҳбарияти атрофида бутун мамлакатнинг ҳақиқий ревлюцион кучлари жипслашган эди.

1959 йилнинг 1 январида халқ ҳаракати натижасида Батиста диктатураси ағдариб ташланади, ҳокимият Фидель Кастро Рус кўмондонлик қилган Исёнчилар армияси қўлига ўтади. Ўша йил февраль ойидан бошлаб революцион ҳокимиятни Фидель Кастро бошқаради.

«Халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Фидель Кастро халқаро майдонда катта обрў ва нуфузга эга. У тинчлик ва халқаро ҳафсизликни таъминлаш ишига, миллий ва ижтимоий адолат учун кураш ишига катта ҳисса қўшмоқда. Қўшилмаслик ҳаракатининг йирик раҳбарларидан бири сифатида Фидель Кастро 1979—1983 йилларда ана шу ҳаракатга бошчилик қилди.

Куба халқининг шонли фарзанди ўртоқ Кастро бизнинг мамлакатимизда бир неча бор, жумладан Ўзбекистонда ҳам бўлган. Ф. Кастрога Совет Иттифоқи Қахрамони унвони берилган, шунингдек, у Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени билан мукофотланган.

Фидель Кастронинг номи қахрамонлик ва жасорат тимсолига айланган. Зотан, ўз халқининг эзгу ниятларини рўбга чиқариш йўлида толмас курашчилар ҳамisha ана шундай эъзозга мушаррафдирлар.

Б. АМИНОВ

Наботот оламида

КЎКСУЛТОН

Табиатнинг тансиқ неъматларидан бири кўксултондир. Унинг меваси баҳорда барвақт етилади. Шу вақтда у «С» витаминига бой бўлиб, витаминоз касалини даволашда жуда қўл келади. Меваси инсоннинг қон таркибини яхшилаб, организм фаолиятини мустаҳкамлайди. Меваси пишганда эса унда «а» витамини ҳосил бўлади. Бу витамин ҳам организм учун фойдалидир. Кўксултоннинг мевасидан мурabbo ва қоқи тайёрланади.

Баҳорнинг эртаги тансиқ меваси ҳисобланган кўксултон одамлар томонидан кенг истеъмол қилинади. Кўксултон тоғларда кўнлаб ўса-

ди ва «сув фабрикаси» сифатида тупроқни бойитишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Кўксултон пайванд усули билан кўнайтиради. Одатда, унинг новдаси олиниб, ўрик ёки олхўри дарахига пайвандланади. Уланган ниҳол яхши парвариш қилинса, 2—3 йилда ҳосилга қиради.

Лекин табиатнинг бундай тансиқ неъматини кўнайтиришга кам эътибор берилапти. Унинг ниҳолларини етиштиришга кўчатаор хўжаликларнинг ходимлари, боғбонлар яхши эътибор беришлари лозим.

Маннон ТҲИЧИЕВ



ҲАШАРОТЛАР УЧУН КЎРИҚХОНА

Наманган область Чуст районидаги янги кўриқхонада турли хил хонаки ҳашаротлар пайдо бўлди. Бу ерда ҳашаротларнинг энтомофаглар турига оид трихотрограмма, габроброкона, тилакўз каби ўнлаб ортиқ тури кўнайтиради.

Кўриқхонани ташкил этишдан мақсад қишлоқ хўжалик зарукуналдаларига қарши биологик усул-ни кенг қўллашдир.

ЁРЛИҚНИ ЎЗГАТИРИБ

Австралия ҳукумати мамлакатнинг шимолидаги дарёларда узун тўрлар билан балиқ тутишни қатъий таъқиқлади. Мутахасссларнинг маълумотларига қараганда, бир неча километрга чўзилган узун тўрлар йилга минглаб дельфинларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлмоқда. 1 августдан бу таякк Австралия сувларида балиқ оловчи тайванлик балиқчиларга ҳам жорий этилди. Чунки тайванлик балиқчилар узунлиги 20 километрик ниҳоятда улкан тўрлар билан оқ қилмоқдалар. Улар тўрга тушган дельфинларнинг ҳам гўштини консерва қилишиб, консервага эса балиқ ёрлиғини ёпиштириб савдога чиқармоқдалар.

Австралиядаги жониворларни кўриқлаш ташкилоти «Фанд фор этимал» тайван-

ликлар ишлаб чиқарётган сохта «балиқ» маҳсулотига бойкот эълон қилди.

КИСЛОРОДСИЗ ҲАЁТ

Мава тўрт йилдирки, олимлар австралияликлар 1981—1982 йилларда Антарктика экспедициясида кашф этишган номасълум «ҳайвон»ни нима деб аташни билмаётдилар. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, бу бир хужайрали жонзот энг чуқурликдаги сувуқ ва қоронғуликда яшар экан. Тадқиқотчиларнинг текширишлари натижаси шуни кўрсатдики, номасълум жонзот кислородсиз яшар экан. Бу жонзотнинг топиллиши бундан миллион йил илгари ер шарига бир хужайрали жониворлар яшаганлигидан далolat беради.

САДОҚАТ

АОМОНОСОВ номидаги ўрта мактабнинг мажлислар зали бўйнида долоранг галстуклари ҳилпираган пионерлар, кўксига комсомол нишонлари чўғдай порлаган юқори синф ўқувчилари, ўқитувчилар билан лиқ тўла. Ҳамма қандайдир ички таралду оғушида. Алвонранг президиумда ранг-баранг гуллар. Бу ерда область ва район марказларидан, совхоз посёлкасида келган меҳмонлар орасида Улуғ Ватан урушининг қаҳрамони Йўлдош Азимовнинг синглиси ва укаси ҳам бор.

Йўлдош ўқиган мактаб директори тантанали мажлиси очиб, Фарғона область ҳарбий комиссариати сиёсий бўлимининг бошлиғи подполковник Ткаченкога сўз берди.

Подполковникнинг қўлида Азимов номига яқинда тўлдирилган орденлар дафтари эди. Уруш пайтида мукофотланганларга орден ва медаллар билан бирликда вақтинчалик гувоҳнома берилган бўлиб, улар урушдан кейин доимий гувоҳномаларга алмаштириб олинар эди. Лекин Ғалаба нашидасини тотиш Азимовга насиб қилмади. Ҳарбий комиссариат вакили қизил дафтари остида, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг ҳалок бўлган қаҳрамон оиласига унинг жанговар мукофотларини топшириш ҳақидаги буйруғини ўқиб оштиради. Азимов уруш даврида тўрт орден ва икки медаль билан тақдирланган эди.

Подполковник орденлар дафтари остида ҳамда урушдан сўнг Азимов тақдирланган иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши орденини гулдурос қарсақлар остида қаҳрамоннинг синглиси ва укасига топширди.

— Уз акаларингиз хотирасини ҳамisha мукаддас сақлангиз, — деди подполковник Қулфихон Тўхтасинова ҳамда Қўлдош Азимовнинг қўлларини маҳкам сиқиб. Улар пионерлар ва ўқувчилар тақдим этган гуллар оғушида қолдилар. Шундан сўнг Олтиариқ район ветеранлар Советининг раиси Муҳаммад Ҳабибуллин қаҳрамон юртдошининг жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилди.

— Биринчи жанговар медаль — «Жасурлиги учун» медали Йўлдош Азимовга Москва мудофааи учун берилган, — деди у. — Биринчи Қизил Юлдуз ордени билан эса, у Сталинград учун бўлган жангларда кўрсатган жасорати учун тақдирланади. Ушанда Йўлдош Азимов шонли коммунистлар партияси сафига қабул қилинган эди. Днепр бўйларида у «Жанговар хизматлари учун» медали билан, Белоруссиядаги Калининчи шаҳри учун бўлган жангларда кўрсатган жасорати тўғрисида иккинчи марта Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Бундан ташқари, — дея сўзида давом этади Ҳабибуллин, — Азимов яна «Москва мудофааи учун», «Сталинград мудофааи учун», «Варшавани озод қилганлиги учун» медаллари билан тақдирланди. Бу юксак

мукофотлар Йўлдош Азимовнинг қанчалар шарафли ва қаҳрамонона йўли босиб ўтганлигидан далолат беради.

Акаси ҳарбий хизматга қандай кетганлигини Қулфихон эслай олмайди. Лекин ундан мактублар келганда ота-оналари ўқиб, қанчалик қувонишганини, хатлар сийраклашиб қолганда эса, ташвишланиб қолишларини яхши биларди.

Болалигида тушунмаган нарсаларини Қулфихон катта бўлганида англади. Ота-онаси номига келган ва ёзув машинасида битилган хатлар фарзанднинг яхши хизматлари учун ҳарбий қисмининг миннатдорчилик хатлари экан. Босма ҳарфлар билан битилган, ҳошияларига жанговар байроқларнинг расми туширилган хатлар эса, йирик жанговар операцияларда намоён этган қаҳрамонлиги ва жасорати учун Олий Бош Қўмондонликнинг раҳматномаси экан. Ота-онаси бу мактубларни қариндошлари ва қўни-қўшниларига гурур билан кўрсатиб чиқарди.

Йўлдошнинг жанг майдонларида кўрсатган жасорати ҳақидаги хабарлар Энгельс номидаги колхоз правлениесига ҳам етиб келарди, ана шу муносабат билан митинглар ўтказиларди. «Бизнинг Йўлдош Азимов қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқда, — дейишарди ўшанда сўзга чиққанлар. — Унинг жасоратига муносиб равишда меҳнат қилиб, қўшимча суратда «Азимов эгатлари»ни чопиқ қилайлик!»

Шундан сўнг Хўжақўрғон қишлоғининг кетмон ушлашга қодир кексаю ёш аҳолиси далага чиқиб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан адо этардилар.

Бундай воқеалар бир неча бор қайтарилганлигини Қулфихон энди яхши эслайди.

Кунларнинг бирида Йўлдошдан қўлида автомат билан полк байроғи олдида тушган фотосурат солинган мактуб олинди. Сурат ортга қўмондонлик томонидан билдирилган миннатдорчилик ва ҳарбий қисм муҳри босилган. Қулфихон яқиндагина билди: сурат фронтда 77-гвардиячи дивизия ташкил топганига уч йил тўлганлиги муносабати билан олдирилган экан. Солдат ва сержантлар сафидан энг яхши ҳарбий хизматчилар ана шундай шарафга муяссар бўларди.

Орадан бир неча ой ўтиб, тўсатдан бўсағада Йўлдошнинг ўзи пайдо бўлди. У навбатдаги жасорати учун қўмондонлик томонидан киска муддатли отпускага сазовор бўлганди. Бу қувончли воқеани Қулфихон жуда яхши эслайди. Уларнинг хонадони келиб-кетувчи қишлоқдошлари билан тўлиб кетганди. Савол устига савол ёғилади: «Урушда менинг ўғлимни кўрмадингми?», «Эринга қўзинг тушмадингми?», «Отамга дуч келмадингми?», «Акамни...»

Йўлдош кексаю ёшни овутиб, яхши сўз билан уларнинг кўнглини кўтарарди. Айримлари эса фронтга қайтиб боргач, яқинлари ва қадрдонлари ҳақида билган ва эшитганларини икки энлик хат ёзиб билдиришини илтижо билан ўтиниб сўрардилар. Акаси эса уларни албатта хабардор қилишга ваъда беради. Қишлоқ оқсоқоллари эса:

— Бу лаънати уруш қачон тугайди, болам? — деб савол беришарди.

— Ғалаба кунлари яқин! — қатъият билан жавоб беради акаси.

Акаси «фашист газандаларининг бошини ўз уясида янчиб ташлашга» кетгандан ҳеч

қанча вақт ўтмай уруш тугади. У ана шу улуғ ғалабага хисса қўшдию, ўзи ҳам ҳалок бўлди. Ғалаба кунини — 1945 йилнинг 9 май кунини эрталаб Қулфихоннинг онаси «қора хат» олди. Олтиариқ марказида — Йўлдош Азимовнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги муносабати билан митинг ўтказилди. Аммо она шум хабарга асло ишонмади. Унга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги ҳақида гап-сўз ҳам тарқалди. Лекин орадан қирқ йил ўтганидан сўнг маълум бўлишича, Йўлдош Азимов иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени билан тақдирланган экан. Бундан бироқ муддат аввал эса, у Ватаннинг бошқа юксак мукофоти — Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган бўлиб, бундан ўзи ҳам беҳабар эди. — Орден берилиши ҳақидаги буйруқ имзоланишининг орасида атиги уч кунлик тафовут бор: 1945 йил 17 май ҳамда 20 май.

Олий Бош Қўмондонликнинг миннатдорчилик-буйруғида Йўлдош Азимов «Жанглар қаҳрамони» деб аталади.

... Орадан қирқ йил ўтди. Ана шу йиллар мобайнида она кўзлари фарзанд йўлларига нигорон боқди.

Кунларнинг бирида Қўлдош ҳовлиқиб кириб келди. Қўлида «Совет Ўзбекистони» газетаси. Унинг тўртинчи саҳифасида акаси Йўлдош Азимовнинг ҳозирги пайтда Қозон шаҳрида яшовчи курулдош дўстининг хотираси эълон қилинган эди. У фронтдош сафдошининг қариндош-уруғларини қидираётганлиги ҳақида ёзган эди.

Бу хабардан айниқса онанинг қалби хап-риқиб кетди. Қозон шаҳрига зудлик билан мактуб ёздирди.



Йўлдош Азимов полк байроғи ёнида. 1944 йил.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА МАДАД

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

...Ранглари уникқан, эски юк машинаси Прагадаги ҳарбий госпиталь дарвозаси олдида шитоб билан тўхтади. Уч киши жароҳатланган жангчини авайлабгина, шифохонага олиб киришди. Ҳарбий врач қонга беланган беморни синчиқлаб текшириб чиққач, уни зудлик билан операция қилиш кераклигини айтди. Бироқ бундай мураккаб операцияни у яқин йилларда қилмаган эди.

Операция беш соат давом этди. Ҳарбий врач жарроҳлик хонасидан терга ботиб чиқди. У шунчалик чарчаган эдики, ҳатто пешонасидан оқиб тушиб, кўзларини ачиштиратган маржон-маржон терларини артиб олишга ҳам мажолли қолмаганди. «Ишқилиб шунча қилган ҳаракатимиз беҳуда кетмасинда, — деб ўйларди доктор ўзича. — Жангчи ҳам бақувват экан, унча-мунчага таслим бўлмас...»

Орадан уч кун ўтгач, беморнинг қуруқшаб қолган лаблари мажолсиз пичирлади. Ҳамшира энгашиб унинг товушига кулок тутди.

— Сув, сув...

— Сенга сув мумкин эмас, меҳрибоним, — деди ҳамшира ва бу хушхабарни врачга етказишга охиқди. Ногаҳон йўлакда келатган врачга кўзи тушди.

— Доктор, оғир ётган бемор кўзини очди! Ҳарбий врач эса ҳамширани кучганча интихосиз шодлигини биргина сўз билан изҳор этди:

— Ғалаба!!

— А!!! — ҳамроҳи анграйиб қолганди.

— Ғалаба, азизим, Ғалаба! Бугун фанш-стлар Германияси таслим бўлибди.

Ғалаба!.. Қанчалик ҳаётбахш сўз! Энди ҳаёт тинч, осуда бўлади. Ҳамшира қувончидан ҳарбий врачни ўпиб олди. Кўзларидан тиркираб ёш чиқиб кетди. Баҳор тароватидан янада гўзаллашган она табиат кучоғига ўзини отди. Ғалаба!!

Арменак тушга яқин яна ўзига келди. Қимирлашнинг иложи йўқ. Қалби эса беором ураётир, вужуди ўт бўлиб ёнмоқда.

— Сув, сув беринг, — хаста овозда пичирлади у.

Ҳамшира бемор бошига келди. Меҳрибонона тикилди. Унинг сўлгин юзлари, мовий кўзлари кулиб турарди. Фақат бахтиёр кишиларидагина ана шундай ҳолат ҳукмрон бўлади.

— Эҳ, меҳрибоним, сенга сув бериш мумкин эмас-да. Яна бир-икки кун чида, — деди у самимийлик билан ва беморнинг мадорсиз кўлларини силади.

— Мен қаердаман?

— Сенми, Прага госпиталидасан.

Ҳамшира беморга дори ичирди, иссиқ чой берди. Юрак тафти бир оз пасайди, ором олаётгандек кўзларини юмди. «Госпиталга қандай тушиб қолдим», — дея ўйлай бошлади у. Ўтган воқеалар хотирасида жонлана бошлади.

...1945 йилнинг 5 май куни эди. Эрта тонг. Баҳор тароватидан атроф бирам гўзаллашганки, қараб тўймайсан, киши. Қушлар

«Ешим саксон бешда. Наилож, умр шоми ҳам яқинлашиб қолди, — деди она ўз хатида. — Энди менинг яккаю ягона умидим — сенинг дийдорингни кўриш, ўғлим Йўлдош билан жангтоҳларда бирга бўлган сенинг овозингни эшитиш. Агар менинг ниятимни рўёбга чиқариб, ёнимга келсанг, ўз ўғлимдай сени бағримга босардим ва ортиқ армон қилмасдим. Келақол!»

Қуролдош дўстнинг Йўлдош Азимов хонадонига кириб келиши Олтиариқ районига катта воқеа сифатида нишонланди. Митинглар, пионерларнинг йиғинлари, Йўлдошнинг ҳаёти билан боғлиқ ўқув юртлирида, эндиликда совхозга айланган «Пахтакор» хўжалигининг ишчилари билан дала шийпонларида учрашувлар, у ўқиган мактабдаги пионерлар отрядининг бирига ҳамда кўшни Фарғона районидagi Миндон қишлоғида аввал ўқитувчи, сўнгра — Фарғона ўқитувчилар институтини битиргач, директор бўлиб ишлаган мактаб пионерлар дружинасига

қаҳрамон номи берилиши муносабати билан ўтказилган тантаналар... Районнинг «Пахта учун» газетаси ўз саҳифаларида йигитларни Совет Армияси сафларига кузатиш муносабати билан тантанали митинг ҳисоботини кенг шарҳлаб берган эди. Ана шу митингда Йўлдошнинг онаси Бувинисо Солиевага ўғли хизмат қилган дивизия ветеранлари ва жанговар дўстларининг совғалари: «77-гвардиячи Москва — Чернигов дивизиясининг ветерани» деган кўкрак нишони, Азимовнинг полк жанговар байроғи олдида тушган катта портрети, Москва ва Сталинграддан Берлинга қадар сафларида Азимов босиб ўтган бўлинманинг жанговар йўллари схемаси, шунингдек татар композитори Алмаз Муносибовнинг Азимовнинг қуролдош дўсти «Дўстим Йўлдошга» деган шеърига басталган куйи нотаси билан тантанали равишда тақдим этилди. Қадди букилган, лекин кўзларидан қувонч ёшлари сизиб чиқаётган Бувинисо аянинг ўғли портретини ўпаётган ҳо-

лати нақадар таъсирли эди. Она барибир ўзида ирода кучи топиб, ана шу тантанали митингга сўзга чиқди. У армияга жўнаб кетаётган йигитларга мурожаат қилиб, уларга саломатлик тилади ва Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этди. Жавобан сўзга чиққан йигитлар Бувинисо аяни, уруш ветеранларини, партия ва совет ходимлари ва бу ерда ҳозир бўлган барчани ишонтириб, социалистик Ватанни ўзбек халқининг жасур фарзанди, юртдошлари Азимов каби химоя қилиш учун ҳарбий билимларни қунт билан эгаллашга ваъда бердилар.

Қозонлик меҳмоннинг оқлодош дўсти ҳақидаги хотиралари радио тўлқинлари орқали бутун Фарғона областига таралди. Уруш қаҳрамони худди триклар сафида юргандай, улар билан нафас олиб, улар билан меҳнат қилаётгандай эди.

Қаҳрамоннинг онаси саксон олти ёшида вафот этди. Лекин унинг ўғли хизмат қилган дивизия ветеранлари Совети, қуролдош дўстлар ана шу хонадонда ўсиб вояга етган Қулфихон ва Қўлдошлар билан, қаҳрамоннинг қондош ва жондош юрти билан ҳамшира мустаҳкам алоқададилар.

Олтиариқ район ижроия комитетининг қарори билан кўчалардан бирига яқинда барҳаёт қуролдош дўстим Йўлдош Азимов номи берилди. Хонадонлардан бирига кираверишдаги мрамр лавҳага қуйидаги сўзлар муҳрланган:

«Бу хонадонда 1920 йилдан 1940 йилга қадар разведкачилар бўлимининг командири, гвардиячи сержант Йўлдош Азимов яшаган, 1945 йилнинг 20 апрелида Берлин остоналарида қаҳрамонларча ҳалок бўлган».

Зеро, қаҳрамонлар ўлмайди. Халқининг осойишта ва тинч яшаши учун, Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун қурбон бўлган фидойилар табиат гўзаллигида, болалар табассумида, меҳнат нашидаларида ҳамшира барҳаёт. Ана шу нарса бизга далда беради. Ана шу нарса бизга куч бағишлайди.

Маннур САТТОРОВ,

77-гвардиячи дивизия 156-гвардиячи артополк 2-дивизионининг собиқ разведка бошлиғи, шоир


Суратга: М. Сатторов қуролдош дўсти Йўлдош Азимовнинг онаси Бувинисо ая Солиева билан. 1984 йил. М. Сангинов фотоси





Сурхондарё областидаги Ленин номи совхоз лимонарийси ишчиси
Меликул Бердиев.

А. Жданов фотоси




Тошкентдаги «Миконд» заводи тоқари, КПСС XXVII съезди делегати
Эргаш Еқубхўжаев.

В. Мосин фотоси

Ез

А. Жданов фотоси






Н. ҚУЗИБОВ. МАНЗАРА.

И. АБДУЛЛАЕВ. МУЛЛА ТҮИЧИ ҲОФИЗ ТОШМУҲАМЕДОВ



А. АБДУЛЛАЕВ. АКАДЕМИК ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ






ДАЛА ҚИЗИ.

Рассом Ж. Асранов.

А. Жумаев фотоси




УНИНГ ЖАМОЛИ.

Еш рассом
Жўра Асранов асарларидан

ЧИНОР.





Ўзбекистон «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тажриба-экспериментал заводи ишчиси Шохиста Шоносирова.
В. Дубровский,
А. Кишин фотоси



Натюрморт.

А. Жумаев фотоси

УЛУҒ МУТАФАККИР ОЛИМ АБУ АЛИ ИБН СИНОГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ (ТОШКЕНТ).

А. Кишин фотоси



нағмаси, япроқларнинг сирли шивирлаши, қўйинг-чи, табиат барчани бағрига чорлайдиган пайт. Жангчилар мафтункор манзараларга энтикиб боқишади. Ахир, ҳозир сайр қилиб юрадиган вақт эмас-да! Фашист газандаларини ер билан яқсон қилмай туриб, кўнгил очишлар юракка сиғармиди? Улар рота командири, капитан Борис Николаевич Зайцев буйруғига биноан бир сафга тизишди.

— Урток жангчилар, кун ёйилмасдан ўрмон четидаги дарёчадан ўтишимиз керак. Тайёргарлик кўринглар, ҳозир жўнаймиз.

Арменак юк машинаси билан колоннани бошқариб борди. Машинада олти жангчи ва ўқ-дорилар бор эди. Бир неча километр йўл босилгач, манзилга яқин қолган пайтда қаттиқ портлаш юз берди. Унинг машинаси танкка қарши милага дуч келган эди...

У оғир хўрсинди. Ҳа, ўшанда ғалабани кўрмай ўлиб кетиши ҳеч гап эмас экан. Энди яшайди, узоқ яшайди. Ғолиб жангчи сифатида яшашга ҳаққи бор.

Арменак Херунцев Совет Армияси сафида хизмат бурчини 1941 йилнинг 5 май кунидан бошлади. Касби шоферлик эмасми, Брянск шаҳридаги ҳарбий нон комбинатидан турли қисмларга нон ташиди. Уруш бошлангач, комбинат шоферлари турли жойларга юборилди. А. Херунцев 11-алоҳида артиллерия дивизияси составига қўшилди. Улар Житомир-гача чекиндилар. Шундан сўнг дивизия Житомир 11-танк полкига айлантирилди. Уша қонли жанглар ҳозир ҳам унинг хотирасидан кўтарилгани йўқ. Қанча қадрдон дўстлари, она-Ватаннинг жасур ўғлонлари ҳалок бўлишди. Смоленск шаҳри яқинидаги қишлоқда-чи?! Совет жангчилари кимсасиз қишлоққа кириб келишганида, даҳшатли манзарани кўрдилар. Уйлар, ғарамлар ёнаётди. Дарахт шохларида, дорларда беҳисоб жасадлар осилиб турибди. Қишлоқда эса бирор жонзот кўринмади. Жангчилар қанча кидиришмасин, бирор кишини топишолмади.

Арменак колхоз оғборхонасига яқинлашгач, аллақандай овозларни эшитди. Хушёр тортиди. «Оғборхонага одамларни қамаб, ўт қўйишган», — ҳаёлидан ўтказди у ва даров эшикни бузишга тушди. Душман уни миҳлаб, жуда мустаҳкамлаган экан. У қўллари, елкалари куяётганлигини сезмасди ҳам, фикри-зикри одамларни кутқаришда эди. Бошқалар ёрдамга келишди. Қамалганлар овоз қилинганча, Арменак ва уч-тўрт жангчи куйганлар қатори бир неча кун медресабатга қатнадилар...


Арменак госпиталда қарийб тўққиз ой даволадди. Қайта-қайта операциялар, муолажалар ортда қолди. Самарқандга қайтгач, автобазада сеvimли касбини давом эттирди. Кейин 4-таксомотор паркига ишга ўтди. Бир кун радиода Совет Тинчлик фондининг активлари ҳақида эшиттириш берилди. А. Херунцев уни охиригача эшитди. Кўз олдига оловли йиллардаги машғум кунлар, уруш даҳшатлари бир-бир ўтди.

— Йўқ, урушни энди фарзандларимиз кўрмасин, биздек азоб чекмасин. Мен ҳам тинчлик фондига ўз хиссамни қўшаман, — дея қатъий қарор қилди. Эртасига таксомотор парки бухгалтерияси номига ариза ёзди: «Ҳар ой беш кулик иш ҳақимни Совет Тинчлик фондига ўтказишларингизни сўрайман».

Шундан буён йил ўтди. Лекин уруш ва меҳнат ветерани А. Херунцев ҳамон тинчлик фондининг актив аъзосидир. Арменак ака ҳозир пенсияда. Лекин тиниб-тинчмайди. Уни гоҳ Совет Тинчлик фонди конференция-йигилишларида, гоҳ ёшлар даврасида учратасиз. У қаерда бўлмасин тинчликни, эзгуликни улуғлайди.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги байрами кунларида Арменак ака ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Унга Улуғ Ватан урушининг иккинчи даражали орденни ва юбилей медали тантанали суратда топширилди.

Мана, ўрта бўйли, гўлабир киши билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. У ўз хотираларини



Ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудирини Абдуқодир Эргашев космосда бўлган чигитларни ўрганмоқда.

Р. Шагаев фотоси (ЎЗТАГ)

дам тўлқинланиб, дам маъюс ҳолда ҳикоя қилаётди.

— Виласизми, такси машинасида ишлаш — жуда масъулиятли ва нозик. Ахир, ҳар бир йўловчининг кўнглини топиш керак. Баъзилар борки, рулда ўтиргач, чўнтагини қаппайтиришга, йўловчилардан иложи бори-ча кўпроқ юлиб олишга ҳаракат қилади.

Дарҳақиқат, унинг гапида жон бор. Шикоятлар, жанжаллар асосан ана шундай юлғич шоферларнинг айби билан юз беради. Арменак аканинг фикрича, ҳар бир машинада «Таклифлар ва мулоҳазалар дафтери» бўлиши керак. Йўловчилар ўзларининг истак-хоҳишларини ўша дафтарга ёзиб қолдиришлари лозим. А. Херунцев қарийб беш йил давомида ана шундай дафтар тутди. Унда кишиларнинг қалб сўзлари ҳам, таклифлари ҳам мужассам. Хўш, унинг тажрибасини оммалаштириш мумкин эмасми? Республика Автомобиль транспорти министрлигида бу ҳақда ўйлаб кўрилади, фойдадан холи бўлмасди. Ҳар қалай, юлғич ва ўзбошимча такси хайдовчиларининг йўли кесиларди.

Самарқанддаги 4-таксомотор паркида ҳар кун эрталаб эшигига «Бу машина Совет Тинчлик фонди учун хизмат қилади» деб ёзилган «Волга» рейсга чиқади. Унда ишлаган шофер тушган маблағни ва бир кулик иш ҳақини тинчлик фонди ҳисобига ўтказди. Бу анъана бир неча йилдан буён давом этиб келаётди. Бундай ташаббуслар Самарқанднинг жуда кўп корхона-ташкilotлари, муассасаларида кенг кулоч ёзган. Шу боис ўтган йили Совет Тинчлик фонди область бўлими республикадаги энг илгор коллективлардан бири сифатида тилга олинди. 1-область касалхонасининг врач В. И. Вазарова-Еромина, «Самарқандстройиндустрия» корхонасининг мастери Д. Друшкин, 2531-автоколонна ходими И. Кураев, профессор С. Орипов сингари фаоллар ҳам бу ютуққа муносиб ҳисса қўшишган.

Ҳа, тинчлик учун кураш муқаддасдир.

Н. САИФИДДИНОВ,
А. ҲАЙИТОВ

Самарқанд

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

БЕШИК НИМА ДЕЙДИ?

— Одамларга хайронман, — деди Бешик бош чайқаб. — Бир пайтлар менга сиққан одам кейин, дунёга сиғмайман, дейди-я... Ҳовлиқш ҳам эви билан-да...

Унинг гапини маъқуллашди.

МАҒИЗЛАР

— Менинг мағизим ширин, — деб қолди Бодом.

— Меники ширинроқ, — деди Енғок.

— Меники ҳам ёмон эмас, — деб қўйди Ўрик.

— Меники ҳаммасидан ширин, — деди Писта.

Ахир, фарзанддан ширинроқ нарса борми?

АРЧАННИНГ АФСУСИ

— Қишин-ёзин кўм-кўк навқиронман, сира қаримайману, лекин бир нарсадан армонлиман-да. Мевали дарахтларни кўрсан, бирам ҳавасим келадики. Нима қилай, мени мевадан хистан-да... — деб афсусларди Арча бош силкиб.

Мухтор ХУДОЙҚҮЛОВ

ЧЕРНОБИЛЬ: ЖАСОРАТ СИНОВИ

Москвадан Киевгача самолётда икки соатлик йўл. Вир минг бир юз метр бандликдан Украинанинг ям-яшил ўрмонлари, бугдойорлари, пайкал-пайкалларга бўлинган экин далалари кўзларни ўзига сеҳрлайди. Йўловчилар ўз ёнидаги тўғарақ туйнуқлардан паства мафтункор боқишади: гўзаллик, мислсиз гўзаллик... Аммо ана шу гўзаллик ошёнида рўй берган Чернобил воқеаси киши таъбини хира қилади. Дарҳақиқат, кўзларим кўркам кенгликларга тикилгани билан ҳаёлимдан атом асри фалокати кетмас эди. Чамамда, йўловчиларнинг ҳаммаси шу ўй билан банд, чернобилликларга дардкаш.

Киевда ҳам, шаҳар атрофи қишлоқларида ҳам, кўчалардаги суҳбатларда ҳам, 5 июнда бошланб 7 июнда якунланган Украина ёзувчилари IX съезида ҳам Чернобил атом электростанциясининг тўртинчи реакторидан юз берган фалокат изтироблари сезилиб турди. Лекин Украина ёзувчилари съезиди баян рўҳда, ишчан вазиётда, қизгин баҳсу мунозаралар билан ўтди.

Украина ёзувчилар союзи съезд якунланганидан кейин — 8 июнда бизнинг Киев шаҳри билан яқиндан танишимиз учун машина ажратиб берди. Биз уч киши — бошқирд адиби Тайфур Сагитов, москвалик моҳир таржимон Изида Зиновьевна Новосельцева ва каминна шаҳарнинг тарихий ҳамда зиёратгоҳ жойларини бориб кўрдик.



Бутун мамлакатимиз Чернобил АЭС районига етук мутахассисларни йўлламоқда, шунингдек, барча зарур техник воситаларни, қурлиш материалларини етказиб бермоқда. Суратда: Чернобил АЭСи меҳнат ва техника ҳавфсизлигини сақлаш бўлимининг смена бошлиғи, арманистонлик инженер Т. Алоян. В. Зуфаров, А. Малаховский фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

Изида Зиновьевна Киевда туғилиб ўсгани, шаҳарни яхши билгани учун бизни бошлаб юрди. Шаҳарни кун бўйи айлашиб, И. П. Котляровский, Тарас Шевченко, И. Ф. Франко, Леся Украинка, М. М. Коцюбинский, П. Т. Тичина, Иван Ле, М. Ф. Рильский, Микола Бажан сингари буюк украин ёзувчи ва шоирларининг қабрларини, шунингдек, машҳур фан ва санъат арбобларига қўйилган ёдгорликларни зиёрат қилдик, Улуғ Ватан урушида қаҳрамонлик қилсатган украин саркардалари жасоратига, жангчилари матонатига таъзим этдик.

Маълумки, украин ёзувчилари ичида атоқли адиб Иван Ле ҳаёти ва ижоди Ўзбекистон билан бевосита боғлиқ. У 1928—30 йилларда Наманган областада сиёсий ходим сифатида хизмат қилди. Худди шу ерда у ўзининг машҳур «Тоғ ораликлари романи»ни яратди. Унинг бу асарини илк марта Абдулла Қаҳҳор таржима қилиб, ўзбек китобхоналарига тақдим этган эди. Уша пайтда Иван Ле ҳам ўзбек ёзувчиларининг асарларини украин ўқувчилари ўз она тилларида ўқишига кўмаклашди. У умрининг охирига қадар Ўзбекистон ҳаёти билан мустаҳкам алоқа боғлади. Шу сабабли Иван Ле қабрини зиёрат қилиб, уйдан хабар олиб ўтиши ҳам қарз, ҳам фарз эди. Афсуски, унинг қабрига гул қўйгани бораек, қабр тошига умр йўлдошининг ҳам сурати суяб қўйилган эди: Ирина Терентьевна Ле вафот этганига сал кам бир йил бўлган экан...

Киев шаҳри бўйлаб борар эканмиз, манзараси эртаклардагидек гўзал бир ерда одамлар тўпланиб турганига кўзимиз тушди. Изида Зиновьевна шофердан машинани тўхтайтиши илтимос қилиб, бизга мурожаат этди:

— Булоқ суви, ичмайсизларми? Суви минг даргда даво дейишади, муздай, ширин...

Паства тушдик. Катта, кенг, замонавий трассанинг икки ёни қия баландлик бўлиб, тепаликкача чимзор билан қопланган. Кўкалам ва майсаларнинг ям-яшил ранги кўзни олади. Икки ён тепаликнинг усти кетакетгунча ўрмон, олдда йўлни кесиб ўтган кўркам ва узун кўприк кўзга ташланади. Кўприкдан кейин баланд уйлар бошланади. Йўлнинг биз тушган ўнг томонида, чамаси йигирма метр чеккароқда булоқ. Одамлар навбат билан идишларига сув тўлдиришяпти. Чашма суви одам бўйи жарликнинг қоқ ўртасидан жуذا оз, найчадек ингичка қувурчадан жилдираб тушябди. Навбатда турганлардан руҳсат сўраб сув ичишга тутиндик. Ҳамроҳимиз кўлнини юшиб, ҳовучида сув ичганиди, нарида, харсанг устида ёғини чалштириб биз томон қараб ўтирган чол койиб берди:

— Қўл билан ичманглар, булоқни ҳам, ўзларингизни ҳам заҳарлайсизлар! Ким билади, кўлларингизда радиация борми...

Радиация!.. Чолнинг танбеҳи атом электростанцияси портлашига қарши исёндай эшитилди. Унинг ичга ботган кўзларида қандайдир ўт чақнади. Навбатда турганларнинг ҳам кўзларида дард аломати учқунлаб, юзларида ўзгариш юз берди. Биз инсоният ўзи яратган даҳшатли душман — радиациянинг азобини чеккандек дардкашлик ҳисси билан уларга бокдик. Тайфур Сагитов иккаламиз сувга кўл урмасдан, жарлик устида турган қалин қоғоздан қилинган музқаймоқ идишини сув олиб ичдик. Кейин сўзасиз, кўз

қари билан хайрлашиб, машина тараф юрдик.

Радиация!.. Бу ёвуз кучга нисбатан ғазаб мужассамлашган чолнинг сўзи қулоғимга ўрнашиб қолди. Бу даҳшатли куч қандай қилиб назоратдан чиқиб кетди, нима учун бунга йўл қўйилди? Меҳмонхонага келиб, газеталарни қайта титқиладим...

26 апрель, шанба тонготари. Москва вақти билан 3.20да фалокат сигнали Припят аҳолисини оёққа тургазди...

Кучли портлаш Чернобил АЭСининг тўртинчи блоки реакторининг қопқоғини парчинлаб итқитди, унинг устидан бино материаллари кулаб тушди. Реактордан радиациянинг бир қисми ҳавога чиқиб кетди. Портлаш чоғида ёғин юзага келиб, бино ичи ҳам ёғинга қолди. Мана шу шанба тонготарида навбатчилик қилаётган АЭС ишчиларига бутун оғирлик тушди. Улар жами инсониятни оғохлантирувчи, физикларни эса, жиддий ўйлашга мажбур этувчи фалокат содир бўлган лаҳзада ўз ақл-идроқлари ва виждонларини назоратдан чиқариб қўймадилар. Улар атомдан ҳам қудратли куч — виждон ҳамда масъулият ҳисси мавжудлигини намойиш этдилар. Даҳшатли ёвуз куч билан олишувда икки киши қурбон бўлди. Булар — Валерий Ходемчук ва унинг тенгқур касбдоши Володя Шашенкадир. Володя Шашенкани ўт ўчирувчилар билан врачлар жаҳаннам ичидан олиб чиқишганда, у зўр-базўр: «Унда... Валера...», дея олди холос.

Хавфдан оғохлантирувчи сигнал берилган ондаёқ АЭСнинг 4-энергоблок ўт ўчирувчилари бошлиқлари В. Провкак ва В. Кибеюк зудлик билан ўз шункорларини оёққа тургаздилар. Улар ёғиннинг ичига ўзаларини урдилар, мислсиз матонат кўрсатдилар. Ўт ўчирувчиларнинг жасорати туфайлигина ҳалокат микёсининг кенгайиб кетишига йўл қўйилмади.

Радиация!.. Махсус аппаратлар ҳавода нурланиш кучайиб кетганлигини кўрсатди. Республика марказига инсониятга хизмат қилаётган Чернобил АЭСининг тўртинчи реактори телбаланаётганлиги тўғрисида хабар қилинди: «Радиация тарқалмоқда!» Бу пайтда 30 километрлик чегара ичидаги аҳоли ёппасига қўчирила бошланган эди. Шуну мамнуният билан айтиш керакки, ҳаммаси бўлиб тўрт соат ичида транспорт уюштирилиб, бир неча ўн минг аҳоли бошқа районларга қўчириб кетилди. Кечагина Биринчи Май байрамини шодийна кутиб олишга тайёргарлик кўраётган бир неча шаҳар ва қишлоқлар, ўнлаб қолхоз ва совхоз марказлари бўшаб, ҳувиллаб қолди. Болалар қўлидан тушиб қолган қўғирчоқлар, балконга тортилган дорларда илиглик қолган кирларгина бунда илгари одам яшаганлигидан дарак бериб турарди... Аммо АЭСнинг ўзида ёвуз кучга айланган тўртинчи реактор билан олинув давом этар, кураш тобора қизгин тус олар эди. Энергетиклар шаҳарчаси Припятда яшаётган АЭС ишчилари тревога кўтарилиши билан дарҳол етиб бордилар, уюшқоқлик билан меҳнат қилдилар, фидоийлик кўрсатдилар. Жанг қурбонсиз, талофатсиз бўлмайди. Кўплар касалхонага беҳуш олиб келинди. Зеро, худшдан кетмагунча ҳеч ким ўз پوستини ташлаб, орқага кечинмади. Бу фақат совет кишиларигагина хос характер, қаҳрамонлик эди...

Тенгсиз телба кучга эга атом фалокатини

САККИЗ ПУД ОЗДИ

Франс Пресс агентлигининг хабарига кўра, америкалик 32 яшар Рон Хай фавкулдда чидам ва кучгайрат кўрсатиб, ўзидagi ўта оғир ҳамда азобли юкдан қутилишга қарор қилди — у бўйи 1,72 метр бўла туриб, оғирлиги 386 килограмдан ошган эди. У врачларнинг фақат мева ва सबавотта асосланган овқатланиш режимига қатъий амал қилиб, ўтган тўққиз ой ичда ўз оғирлигини 136 килограмм камайтиришга эришди. «Мен токи асосий мақсадимга эришмагунимча, лъни уч центнер озиб, бўйимга мос нормал оғирликка келгунимга қадар семиршига қарши курашавераман», деди у.

ТОШБАҚА ЎРНИГА АКУЛА

Кубанинг шимолий қисмида жойлашган Пуэртро-Падрэ шаҳри балиқчиларни улкан акулани қўлга туширдилар. Ҳозирги етти метр келадиган бу жониворнинг оғирлиги тўртб қўрилганда икки тоннадан зиёд чиқди. У денгиз тошбақаларини тутиш учун соҳил яқинига қўйилган тўрларга ўрлашиб қолди.

Балиқчилар буни сезишлари билан яқин орадан сузиб ўтаётган кемалардан бирининг капитанига ёрдам сўраб мурожаат этдилар. Денгизчиларнинг қаттиқ уриғишларига қарамадан баҳайбат акулани бортга чиқаришнинг иложи бўлмади. Натихада уни шатакка олиб, Карупано портига олиб боришга тўғри келди. Бу ерда у чигир ёрдамида соҳилга тўртиб чиқарилди.

ҲАЙВОНОТ БОҒИ КЕНГАЙМОҚДА

Корея Халқ Демократик Республикасида Пхеньян шаҳрининг шимолий-шарқий томонидаги Пэсон тоғи этағида жойлашган марказий ҳайвонот боғини кенгайтиришга қарор қилинди.

Ҳозир бу ерда барча қитъаларда яшайдиган 500 турдан зиёдроқ жониворлар бор. Айни пайтда улар сонинингмиш ўсиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида юздан ортиқ янги «кўчиб келганлар» ўрланди.

Янги ҳайвонот боғининг асосий йутқуларидан бири шу бўладики, ҳайвонларга табиий шароит яратиш мақсадида унинг майдони 15 гектардан ошади.



Украина ССР Фанлар академияси Физика-органик химия ва углехимия институтининг олимлари ҳам Чернобыль районидаги туپроқ ҳамда сув ҳавзаларини радиоактив зарарсизлантириш ишида жонбозлик кўрсатдилар. Суратда: катта илмий ходим (чақдан ўнгга) Т. С. Пон, Ивановский район «Сельхозхимия» бирлашмаси раиси И. П. Герасименко, агрохимия бўйича қишлоқ хўжалигига хизмат қилдиш республика бирлашмаси раиси ўринбосари П. И. Барановский ва институт бош инженери А. Е. Селиверстов.

А. Борматов фотоси (ТАСС фотохроникаси)

жиловлай олган ва унинг асоратларини бартараф этиш учун жонини жабборга бераётган турли миллат вакилларининг ҳам-жиҳатлиги ҳақида, жасорат майдонида иштирок этганлар тўғрисида ҳар қанча тасанно айтиш камлик қилади. Киев шаҳрининг ўзида ҳам фалокатнинг ilk кунларидаёқ Чернобыльга отланган, ўз бурчларини шараф билан адо этган кишилар кўп эди.

Баъзи иштирокчилар билан учрашдик. Ҳаммаси ҳам совет кишиларининг ҳамжиҳатлигини, қардошлик туйғусининг кучли-лигини фахр билан айтишди. Барча совет халқлари вакиллари қатори ўзбеклар ҳам украинлар билан ёнма-ён туриб, жасорат майдонида жон куйдирганлари шубҳасиз. Зеро, атом электростанцияси фалокатининг ilk кунлариданоқ ўзбек халқи чернобилликлар қайғусига қайғудош бўлиб, ҳар ким қўлидан келганича ёрдам беришга шошилди, ишлаб чиқариш коллективлари ўз маошларининг маълум қисмини Чернобыль фондига ўтказишга бошлади. Айрим пенсионерлар эса, бутун бир ойлик пенсия пулини чернобилликларга ёрдам сифатида тақдим этдилар. Масалан, Самарқанд шаҳрида истико-мат килувчи, 1928 йилдан буён КПСС аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер Абдуназар Ҳақназаров икки ярим ойлик пенсия пулини Чернобыль фондига жўнатди. Зеро, биз ягона оила аъзоларимиз. Қайғумиз ҳам, қувончимиз ҳам бир. Ахир, бундан рошпа-роса Йигирма йил муқаддам 26 апрель тонготарида тошкентликлар табиий офатни бошларидан кечирган чоғи украин халқи биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзган эди. Тасофиқи қарангки, украин халқи бошига тушган фалокат ҳам 26 апрель тонготарига тўғри келди. Оралликдаги фарқ атиги бир соатга яқин...

Афсуски, бировлар бошига тушган мусибатдан қувонадиганлар ҳам топилади. АҚШ ҳамда бошқа бир неча капиталистик мамлакатлар Чернобыль воқеасидан фойдаланиб қолишга, халқлар қалбига ваҳима солишга уринди. Ҳамдардлик билдириш ўрнига уларнинг шов-шув кўтаришлари бутун совет кишиларини газаблантирди, атом дахшати-дан, назоратдан чиқиб кетган радиациянинг ёвуз моҳиятидан ҳам кўра, океан ортидаги душманларимизнинг виждонсизлиги дах-

шатлироқ бўлиб туюлди. Аммо Чернобылдаги совет кишиларининг жасорати, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток М. С. Горбачевнинг 14 майда совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқи ҳар иккала дахшатни енгишга қодир қудратли кучлар мавжудлигининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Дарҳақиқат, Чернобыль АЭСининг фалокатга учраган тўртинчи реакторини кўмиш учун вертолёт бошқарувчилар, шахтёрлар, турли мутахассислар, оддий ишчидан тўртиб академиккача кечани-кеча, кундузни кундуз демай фидойилик кўрсатишди. Фалокат оқибатларини тугатиш учун мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларидан материаллар, техникалар, моддий ёрдамлар, ишчи кучлари оқиб кела бошлади. Назоратдан чиқиб кетган бебosh атом дахшатини «занжирбанд» этиб қўйишга, у қолдирган асоратларни йўқотишга лойиқ куч топилди. Бу — совет халқларининг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиғидир.

АҚШ маъмурий раҳбарлари доираси ва уларнинг ҳаммаслақлари юритаётган атомдан ҳам дахшатлироқ жиловсиз сибсатни енгадиган, бутун жаҳонда Тинчлик тантана қилишига имкон берадиган ҳаётбахш қудратли куч — жонажон Коммунистик партияимизнинг ленинча доно сибсатидир.

Бинобарин, КПСС Марказий Комитетининг шу йил Июнь пленумида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток М. С. Горбачев айтган қуйидаги сўзларни бу ўринда эслаш ўринлидир:

«Чернобыль бизнинг бошимизга тушган кулфат. Уни бартараф этишимиз учун куч-қувватимиз етарли. Шу воқеа муносабати билан ҳамдардлик билдириб, ўз ёрдамларини таклиф этганларга миннатдорчилик билдирамиз — чин қалбдан, самимий миннатдорчилик билдирамиз. Аммо Чернобыль ҳам атом инсонга бўйсинмай қўйган бошқа ҳоллар каби дунё устида пайдо бўлган ядро қуролини ҳали ҳам сибсат вуситаси деб ҳисоблаб келаётган кимсалар учун дахшатли оғоҳлантириш бўлиб хизмат қилсин».

Эргаш МУҲАМЕДОВ

Тошкент—Киев—Тошкент

ЮРТ ХИЗМАТИГА ҚАМАРБАСТА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАХРАМОНИ
ҚҶЧҚОР ТУРДИЕВ ҲАКИДА

ШУНДАЙ одамлар бўладики, улар она юрти номини бутун оламга танитадилар. Бундай инсонлар — юрт кўрки, эл обрўси. Қорадарё бўйлаб борар эканман, мана шулар ҳақида ўйладим. Атрофга дарёнинг нозли кўшиқлари таралади. Мен гоҳ пахтазор, гоҳ бугда дойзорлардан ўтиб, ана шундай инсонлардан бирини истаб келаяпман. Уни ҳамма танийди, номини ардоқлаб тилга олади. Қўчқор Турдиев, Дардоқдан чиққан биринчи қахрамон, деб алқашади. Унинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати республикамизнинг адабларию бастакорлари, мўйқалам сохибларию киночиларининг асарларида муҳрланган.

Қўчқор Турдиев билан бир неча бор учрашган бўлсам ҳам ҳар сафар ўзимда ўзгача ҳаяжон сезаман. Тасаввуримда у киши жасур бир инсон сифатида гавдаланиб келган.

Уруш йиллари бола эдик. Биринчи қахрамоннинг донғини эшитиб, боқиб юрган молларимизни дарё бўйида қолдириб, Кулла қишлоғидан Дардоқчага пиёда борганмиз. У тасаввуримиздаги эртақларда тоғни елкаси билан сурадиган, дарёлари оёғи билан тўса оладиган сеҳрли одам эмас, балки ўзимиз кўриб, билорб юрган оддий кишилардан экан. Мана, шунга ҳам қирқ йилдан ошиб кетибди. Қўчқор ака билан учрашишга ошिकाёғи, шулар ҳақида ўйладим.

Йўлда мотоциклини ҳаракатга чоғлаб турган ўсмирга дуч келдим. Ундан Қўчқор аканинг «дача»сини сўрадим. У мийғида кулиб қўйди-да; «Дача эмас, вагон уй денг», — деди.

— Ҳа, балки шундайдир. У кишининг хонадониди бўлганимда, қизи Дилоромжон «Дадам дачада» деган эди-да!

Катта-кичик мевали ва мевасиз дарахтлар Россиянинг қуюқ ўрмонларини эслатади. Узоқдан одамларнинг: «Ҳа, бўл! Ҳа, торт!» деган овози қулоғимга чалинган. Уша томонга юрдим. Уч-тўрт ўсмир симёғочни тиклаб, унинг остини шиббаларди. Қорачадан келган, чопонининг икки пешини белбоғига қистириб олган одам Қўчқор Турдиев эди. У киши симёғоч тиклангач: «Хуш келибсиз!» дегандай менга юзланди. Кўришдик, ўзимни танитдим. Қўчқор ака йигитларга топшириқларни бера экан, мон-тёрни чақириб, электрни улатиб қўйиш кераклигини алоҳида таъкидлади. Унинг «дача»си томон юрдик.

— Кеча қаттиқ шомол турди. Кўриб турибсиз, симёғочларни ҳам қулатиб юборди. Буни ўз вақтида тикламасак, бирор юри-ҳол рўй бериши турган гап. Кечадан буён на радио, на телевизор ишласа денг, бир нарсамни йўқотиб қўйгандайман.

Шундан кейин Қўчқор ака бу йил ҳаротанинг паст келаётганлигини, пахтанинг ўсиши кечикаётганлигини, сув танқислиги ўрмон хўжалиги учун ҳам сезилаётганлигини зорланиб гапирди.

Қўчқор ака қумғонни ўтга қўйиб, ёнимга келиб ўтирди.

— Меҳмон, зериктириб қўймадимми?

— Йўқ, Қўчқор ака. Атроф жуда гўзал. Ўрмон ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдим.

— Ҳа, ўз қўлимиз билан яратганмиз бу ўрмонни. 260 гектар майдонга 100 хилга яқин дарахт ўтказганмиз. Дарахт бор жойга булбул ҳам, қушлар ҳам ўзлари келишар экан, қаранг, сайрашларини қаранг!

Иккимиз бир лаҳза қушлар нағмасига маст бўлиб, жим қолдик. Мен нима учун келганимни айтдим. У кишини ҳаёл элди.

— Ука, нима учундир, ўша уруш йилларини эслаш оғир туюлади менга. — У бир оз сукутга толди. Сўнг бошини кўтариб, гап бошлади:

— 1917 йилнинг октябрида туғилган эканман. Тўрт ёшимда отамдан, кейин онамдан етим қолдим. Энди тақдирим узоқ-яқин қириндошларимнинг қўлида эди. Улар мени сиғдиришмади, ўқиб қаёқда дейсиз, эртадан то қаро кечгача мол боқтиришди. Моллар тўк бўлса, мен ҳам тўқман. Агар улардан бирортаси очликдан маърағудек бўлсам, тамом, бошимда калтак синади, кечалари оч қоламан. Ҳар гапнинг бириси «шум етим!»

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

дейишларини айтмайсизми?! Ҳаммаси жонга теғди. Уйдан қочиб кетдим. Олдин Ойимдаги етимлар уйига, сўнгра Андижондаги интернатга бордим, қабул қилишди.

1939 йили ҳарбий хизматга қақирилдим. Жуда хурсанд эдим. Бизни Куйбисhev шаҳрига олиб боришди. Ҳарбий машғулотлар бошланиб кетди. Кичик командирлар курсини битирдим. Олдин Москвада, сўнгра Ватумида бурчимни ўтай бошладим.

Фашистлар Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирганида Харьков шаҳрида эдим. Ҳарбий интизом, дўстлик ва интернационализм биз — турли миллат вакилларини янада жипелаштирди.

Мен хизмат қилаётган 38-армия 47-дивизиянинг 353-полк командири майор Лешченко тонда ўз хузурига қақиртириб: «Сен, қария, гўр ёшлардан эмассан, мана, ҳарбий

хизматда эканингга ҳам уч йилдан ошди, чайирсан, отишни яхши биласан, бугундан бошлаб вазод командирлигини қабул қиласан», деб қолди. Ишонч учун миннатдорчилик билдирдим. Йигитларим турли миллат фаразандлари эди. Улар билан оға-инилардек иноқлашиб кетдик. Бир неча бор разведкага бордик. Топшириқларни аъло уддалаганимиз учун қўмондонликнинг ташаккурнома-ларини олишга ҳам мушарраф бўлдик.

Октябрь ойи. Уч марта қўлдан-қўлга ўтган Новоалександровка қишлоғини олишимиз керак. Қишлоқ аҳли у ер-бу ерга хашакларни ғарамлаб қўйган, фашист ҳандақлари эса шундайгина кўриниб турибди. Бизга разведкага бориш, душман кучларини билиш, техникасини аниқлаш топширилган эди. Тун. Соат уч. Ер бағирлаб ўрмалаб бора-япман. Сукунат. Худди уруш бўлмаётгандай. Хашак ғарамларидан ўтиб, чап томонга бурилдим. Яқингинада фашистларнинг гармон чалаётгани эшитилди. Ташқарига қўйилган соқчи шарпани сезди шекилли, осмонга ўқ узди. Душманлар тўзғиб қолди, блиндаждагилар ташқарига чиқа бошлади. Нафасимни ичимга ютиб турибман. Улар мени сезишмади, сўнг соқчидан ғазабланиб, блиндажга тушиб кетдилар. Ярим соат ўтар-ўтмас яна осойишталик бошланди. Фашист соқчисини шовқинсиз тинчитдим, чўнтагидан ҳужжатларини олдим. Операция имижимида ўтказилиши керак эди. Кўриб турибман, фашистлар ҳаммаси маст, охири қатъий ҳаракат қилдим: мен блиндажнинг ёнида туриб рус тилида: «Кўлингни кўтар! Хужумга! Қани, йигитлар, батальон!» деб жон-жаҳдм билан бақирдим. Кайфи ошиб қолган фашистлар: «Рус, рус, партизан!» дейишиб, гандираклаб ташқарига отилиб чиқа бошладилар. Мен эса янада қаттиқроқ бақирдим: «Қани чиқ, қуролларингни ташла, ярамаслар!» Гоҳ русча, гоҳ ўзбекча аралаштириб аямай сўқинар эдим. Блиндаждан чиққанини биттама-битта саёб белкураги билан бошига тушира бошладим. Омани қарангки, бир неча минутда тўққиз фашистни думалатиб қўйдим. Улар ўлмаган, аммо беҳуш эдилар. Ичкарига чопиб кирдим, ўрнидан туролмай ётган икки фашист офицерини отиб ташладим, чўнтагидан ҳужжатларини олиб ташқарига чиқсам, ўлжаларим ҳамон беҳуш ётишар, уларнинг ҳам ёнларидан қуролларини-ю ҳужжатларини олиб, ўз камарлари билан қўлларини боғладим, юзларини ерга қаратиб ётқиздим, оғизларига нима тўғри келса, шуни тикдим. Шу вақт узоқдан автомашина овози эшитилди. Ўқти-ёткорлик қилиб пешвоз чикмадим. Қарасам, машина фашистларники эди. «Энди тамом», дедим. Мени ваҳима босди. Нима қилиш керак! Тадбир лозим. Автомашина ақчиллашганида қўлимдаги гранаталардан бирини ташлаб: «Батальон, хужумга!» деб кичкирдим. Граната машина олдида портлади. Шофёр ҳам, кабинада уйқусираб келаётган офицер ҳам қўрққанидан ўзларини ташқарига отишди. Фуратдан фойдаланиб, уларни ҳам белкурак билан «бошладим». Уларнинг бири фашист генерали экан. Шу вақт хашак ғарамлари ичидан бир чол чиқиб келди, қуролсиз, ўзининг рус эканлигини айтди. Ундан ўлжаларни қисмга олиб боришда қўмақлашини сўрадим. Чол асирларни машинага жойлаштиришга ёрдамлашди, аммо бу ердан бир қадам ҳам жилмаслигини, ҳатто биринчи жаҳон урушида ҳам ўз қишлоғини тарк этмаганлигини айтди. Иккимиз фашист шоферини аранг ўзига келтирдик, уни рулга ўтқазиб, «ҳайда!» дедим. У менинг тилимни тушунмас, қўл билан машинани орта буриш кераклигини, акс ҳолда отиб ташлашимни имо-ишора билан аранг тушунтирдим. Шундай қилиб машина тўла ўқ-дори, озик-овқат, тўққиз фашист солдаги, бир полковниги-ю, бир генерали билан қисимимиз томон кетдик. Тонг ёришганда қисимимиз турган жойга келсам, ҳеч ким йўқ. Улар ўн икки километр чагга жишишган эди. Яна юриш керак. Шу алфозда қисимизга келиб қўшилдим. Ҳарбий Совет аъзоси, Совет Иттифоқи Маршали С. К. Тимошенко

иштирокида мажлис бўлаётган экан. Машинани мажлис ўтказилаётган бинонинг шундоқ ёнгинасида тўхтатдим. Ташқарида турганлар душман автомашинасини кўриб чолиб келишди. Бўлиб ўтган воқеадан хабар топишгач, мени табриклашди. Йигилиш тугагач, ҳамма мени осмонга отиб олқишлашди. Урток С. К. Тимошенко кўпчилилик ўртасида: «Мана бу чинакам қахрамонлик», деди. Совет Иттифоқи Қахрамонлигига тавсия эътажигани айтди. СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 14 март Фармони билан менга Совет Иттифоқи Қахрамони деган юксак унвон берилди.

Гайратимга гайрат кўшилди. Фронтнинг энг хатарли участкаларига жўнатишларини илтимос қилдим. Сталинград остоналаридаги жангларда қаттиқ бетоб бўлиб қолдим. Даволаниш учун Ўзбекистонга юбордилар. 1942 йилнинг 10 августда Тошкентда жамоатчилик вакиллари мени самимий кутиб олдилар. Усмон Юсупов ва Йўлдош ота Охунбобоев билан учрашдим. Роса ўн кун Тошкентда бўлдим. 20 августда она қишлоғим — Дардоққа келдим. Саломатлигим анча яхшилангач, Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги Ҳарбий билим юртига ўқишга кирдим. Олти ойдан кейин лейтенант унвони билан яна фронтга жўнадим.

1943 йилнинг октябрь ойида 416-дивизиянинг разведка батальонига командир этиб тайинландим. 260 солдат билан Бессарабия учун бўлган жангларда, Руминия, Польшани фашизмдан озод этишда иштирок этиб, Берлингача бордим. Сўнг жонажон Ўзбекистонга қайтдим.

Кўчқор Турдиев бошидан кечирган жанговар йиллар хотиралари жуда кўп. «Мени жасоратга ундаган нарса Ватан муҳаббатидир юрт меҳридир, деб биламан», — дейди Кўчқор ака.

Ушандан буён қанча-қанча сувлар оқиб ўтди. Қирқ йилдан зиёд вақт ичида ҳамма нарса — ҳаёт ҳам, одамлар ҳам ўзгарди. Кўримсиз қишлоқлар ўрнида шаҳарлар пайдо бўлди. Янги йўллар, санъат саройлари, клублар, мактаблар қад кўтарди. Ташландиқ Дардоқ ерлари чинакамга кўркам диёрга айланди. Бу йиллар ичида қахрамонимиз жўшқин меҳнат кучоғида фидокорона тер тўкди — бир неча йил колхоз раиси бўлди. Ўн беш йилдирки, у ўрмон хўжалиги Ойим зонасининг бошлиғидир. Турмуш ўртоғи Ифтидохон Мирзаева билан қирқ беш йилдан буён тотув ҳаёт кечирмоқда. Қахрамоннинг олти қизи, ўн уч невараси бор. Қизларининг ҳаммаси уйли-жойли, олий маълумотли — Озодхон, Мамлакатхон, Хуморхон, Дилоромхонлар ўзбек мактабларида рус тилидан дарс берадилар. Уфурхон билан Уғиллар — шифокор.

Ҳовли тўла бола бўлган хонадонга кириб келганимизда Кўчқор аканинг невараларидан Умиджон ва Лайлохон, Гулхумор ва Иқболжонлар бобо сари пешвоз югурдилар. Кўчқор ака уларни бағрига босиб эркалади. Сўнгра, унинг жанговар йиллари мазмуни муҳрланган китоблар, газеталар ва журналлар билан танишдик.

— Ука, ҳаётимдан мамнунман, — дейди у суҳбат давомида. — Унутилмас воқеалар кўп бўлган. Булардан энг муҳими 1941 йили декабрь ойида шонли Ленин партияси сафига жанг майдонларида қабул қилинганим бўлган.

Етмишинчи баҳорини қаршилаш арафасида турган, Ўзбекистондан чиққан биринчи Совет Иттифоқи Қахрамони Кўчқор Турдиев билан мароқли суҳбатдан сўнг Қорадарё бўйларидаги яшил ўрмоннинг майин шабадалари оғушида кезар эканман, қахрамонимиз умрининг мана шу ям-яшил ўрмондай файзли, тўкин эканлигини ҳис этдим. Бу тўқинлик заманида улкан фидойилик, ўрмон бокираллиги тимсолида ҳалоллик ётганлигини ҳис этдим.

Олимжон ХОЛДОР

Ойим қишлоғи



Г. Раҳмонова чизган расм

ҚАТРАЛАР

Ақли киши ўйлаб иш тутади — хатога йўл қўймайди, чунки унинг қуроли — ақл ҳамиша чархланган бўлади.

* * *

Сир сақламоқлик — ақллилик, сирни бошқаларга айтиб сирлигича қолишини кутиш нодонликдир.

* * *

Меҳнатсевар киши вақт етишмаганидан қийналса, танбал вақтини қандай ўтказишни билмай қийналади.

* * *

Меҳнатга қурби етиб туриб меҳнат қилмаслик — ўз умрини ўғирлашдир.

* * *

Одамни курашга, ғолибликка чорлайдиган қудратли куч — буюнч.

* * *

Фойдасиз «кашфиёт» — кулфат. Чин кашфиёт — ватанга мадор, халққа роҳатдир.

* * *

Гапиришдан олдин тинглашни ҳам ўрганиш керак.

* * *

Ўзгалар суҳбатига ўринсиз аралашаверадиган одамнинг фақат билимигина эмас, эси ҳам пастдир.

* * *

Доно, пок, назокатли хотин — оиланинг бахти бўлса, қобил, ақли фарзанд — оиланинг бахт тождир.

* * *

Хушмуомалалик — тарбиянинг улғулигидан, кўполлик — тарбиясизликдан, сурбетлик — пасткашлиқдан нишондир.

* * *

Хушомад — мунофиқнинг онаси, сотқиннинг тарбиячиси.

* * *

Ортиқча мактову ошна-оғайнигарчилик, қариндошчилик йўли билан олинган мукофот татимайди, фаолиятни сўндиради.

* * *

Ишонч, самимият, меҳрибонлик — дўстлик ниҳолини яшнатувчи мўъжиза.

Екубжон ШУКУРОВ

АРҒУМОҚНИНГ ҲИЛПИРАР ЁЛИ...




Сенсиз яшолмайман, меҳрибон Инсон!

Д. Тайберг фотоси



— Чу, ёлдорим!..



— Қалбим менинг бошимдек бўлсин, азизим!..

А. Караваяв фотолари

ФУЗУЛИЙ ЛИРИКАСИ



Абдуқодир ҲАИТИМЕТОВ,
филология фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕК классик шеърини таракқиётида Алишер Навоийдан кейин улуг озарбойжон шоири Мухаммад Сулаймон ўғли Фузулий (1498—1556) жуда катта роль ўйнаган, десак хато бўлмас. Чунки XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX асрнинг бошларига қадар бирон ўзбек шоири йўқки, Фузулий шеърини татаббў, ғазалларига мухаммас боғламаган, унинг илҳомбахш ижодиётидан баҳра олмаган бўлсин. Мунис, Огаҳий, Роқим, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Аваз — бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Фузулий девони ва унинг «Лайли ва Мажнун» дostonи Улуг Октябрь инкилобига қадар ва ундан сўнг Ўзбекистонда бир неча бор нашр этилди. Фузулий асарларининг тили ўзбек тилига шу қадар яқинки, ўзбек китобхонлари уларни таржимасиз, ўз она тилидаги асарлар қаторида ўқийдилар.

Фузулий 1498 йили Ироқнинг Карбало шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Ривоятларга қараганда, унинг ота-боболари Озарбойжоннинг ҳозирги Оғжободи районидаги Бўят қишлоғидан бўлганлар. Форсий девонининг муқаддимасида Фузулий туғилган ери — Карбалонинг беҳиёга нообод бир ҳў бўлганини, подшоҳларнинг назаридан қутлақ четда қолганини қайд этади. Лекин ёшлигидан илмга ва шеърга ҳавас қўйган шоир Шарқнинг энг йирик маданият ва илм марказларидан бўлмиш Бағдодда тахсил кўради, она тилидан ташқари форс, араб тилларини мукамал эгаллайди. У талабалик йилларидаёқ шеърлари билан шухрат топа бошлайди.

Шоир озарбойжон қавони «Дебоҳа»сида «илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асосиз девор гоятда беътибор ўлур», — деб ёзган эди. Шу этиқоддан келиб чиқиб, ўз даврининг фалсафа, математика, ҳандаса каби илмларини пухта ўрганган. Ииллар ўтиши билан у ул тилда баъравар ижод эта олувчи улуг истеъдод сифатида танилади.

Фузулийнинг қисқа мuddат Ироқнинг Ҳилла, Нажаф шаҳарларида ҳам истиқомат қилганлиги маълум. Бироқ у умрининг кўп қисмини ўз ватанида тинч ижод билан ўтказди. Фузулий 1556 йили Карбалода вафот этади. У уч тилдаги ғазалларидан ташқари «Лайли ва Мажнун» дostonини, «Анисул-қалб», «Соқийнома», «Ҳалиқатус-суадо», «Вангу бода», «Сухбатул-асмор», «Ҳафт жом» сингари шеърини, «Матлаул-эътиқод», «Шикоятнома», «Ринд ва Зоҳид», «Сихҳат ва Мараз» каби насрий асарлар ҳам ёзган бўлиб, уларнинг ҳар бири фақат озарбойжон адабиёти таракқиётида эмас, Шарқ ижти-

мой-фалсафий, илмий, ахлоқий тафаккури тарихида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, Фузулий Шарқ халқлари орасида аввало лирик шоир сифатида машҳур. Хусусан, унинг озарбойжон тилидаги «Девон»и лирик ижод соҳасидаги ҳайратомуз ҳодисалардандир. Уч юзга яқин ғазал, 75 рубоий, 40 дан ортиқ қитъа, бир неча таржебанд, таркиббанд, мухаммас ва мураббаларни ўз ичига олган ушбу девон Фузулийнинг шеърини даҳосини мукамал ва гоят ёрқин аке этирувчи буюк бир поэтик обидадир. Бу ерда гап миқдорда эмас, сифатда, ундаги ҳар бир шеърнинг китобхон қалбига гоҳ ноъли, гоҳ ўтли, гоҳ гул, гоҳ қақмоқ бўлиб таъсир этишида, уни гоҳ қувонтириб, гоҳ изтироблар денгизига чўмдириши хусусида бораётир.

Фузулий ижодининг юзга келишида XVI асрда Бағдод ва унинг атрофларида яшаган Калойи, Зоёвий, Зехний, Илмий, Фазлий каби озарбойжон тилида ёзувчи шоирларнинг таъсири бўлган. Лекин унинг шеърининг гоъий-бадий шаклланиши ва юксалишида буюк озарбойжон

У ўз ижодига ўша давр адабий ҳаётида мавжуд барча шешр турларида ижод қилсада, аммо ғазалга алоҳида эътибор билан қарайди. Шарқ ғазалчилигида ҳукмрон бўлган анъаналарга у ҳам риоя қилиб ишқий ғазаллар ёзишга катта ўрин берди. Инсоннинг барча инсоний фазилатларини, дунёга, ижтимоий ҳаётга муносабатини шу мавзу орқали ёритишга жидду жаҳд этади. Фузулий ғазалларида ошиқ ўз маҳбубасини ошкор ва ҳалол севади ҳамда ўз туйғуларни, ўз ички ҳолати ҳақида, хурсандчилиги борасида, хафачилиги тўғрисида ҳам ҳеч тортинмасдан сўзлайди, севгилиси билан фахрланади, лекин унинг эътибори камлигидан нола қилади, бағрини тилиб такрор-такрор ўз садоқатини баён этади.

Фузулийнинг ишқий ғазаллари Шарқ классикаларининг шу мавзудаги энг яхши шеърлари билан ҳамохандир. Бироқ ҳар бир катта шоирнинг таланти ҳар қандай мавзунини ўзига хос тарзда, ўзига хос услубда ёритишга тақозо этганидек, Фузулий ҳам ҳамма қаламга олган, ҳар бир инсон қалбига тушунарли бўлган муҳаббат мавзунини ўз қарашларидан келиб чиқиб, ўз дилидан ўтказиб, ўз юрагининг

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

шоирларидан Низомий Ганжавий, Ҳоқоний Ширвоний, Имодиндид Насимий, Ҳабибий, араб шоирларидан Абунаввос, Ҳассон, форс-тожик санъаткорларидан Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Камол Хўжаандий, турк шоирларидан Тоқиддин Аҳмадий, Юсуф Шайхийларнинг роли каттадир. Унинг бир қанча ғазаллари Алишер Навоий ғазаллари йўлида ёзилган бўлиб, у Навоийнинг ўзининг асосий устозларидан бири деб билиди. Навоийнинг «Наводируш-шабоб» девонидаги:

Қайси тўби жилваси сарви
хироминингча бор?
Қайси кавсарнинг зулоли
обихайвонингча бор?—

матлаи билан бошланган ғазалини Фузулийнинг:

Қайси гулшан гулбунни сарви
хироминингча вор?
Қайси гулбун узра гунча лаъли
хандонингча вор?—

ғазалига қиёслаб кўрилса, икки улуг шоир шеърлятидаги ўзаро яқинлиқни яққол кўриш қийин эмас. Яхши кўрган шоирнинг шеърлярига ўхшатмалар ёзиш Шарқ шеърляти анъаналаридан бўлиб, Фузулий ҳам бундан четда қолмайди.

Фузулий девонида татаббў характерлидаги шеърлар кам. Унинг асосини ҳар томонлама оригинал шеърлар ташкил этади.

тафти билан, ўз истеъдодига хос шоирлик аҳтироси билан ёритишга, қуйлашга, талқин этишга интилади ва бунга эриша олди ҳам. Фузулий ўз ғазалларида кўпроқ ёрнинг таъриф-таъсифини эмас, балки лирик қаҳрамон — ошиқнинг ички изтиробларини, ҳақсизликдан, адолатсизликдан, шахс эркининг топталганидан норозилигини, инсонга хос ҳис-туйғуларнинг феодал жамиятида ҳар қадамда камситилишидан, ҳақоратланишидан дили озор чекишини гоҳ дард, гоҳ таассуф, гоҳ ғазаб билан ифодалади.

Азал котиблари ушшоқ бахтин қора
ёзмишлар,
Бу мазмун ила хат ул саҳфаи
рухсора ёзмишлар —

яъни тақдирни хатта туширувчи котиблар азалдан ошиқларнинг бахтини қора ҳарфлар билан ёзганларки, буни уларнинг юзларидан ҳам кўриш ва ўқиш мумкин! — дейди шоир чуқур алам ва ҳасрат билан. Фузулийнинг кўпгина ғазаллари шу фикрнинг бадий суратланиши сифатида кўзга ташланади. Улуг шоирнинг «Керакмазми санга» радифли машҳур ғазалини кўздан кеçирадиган бўлсақ, унинг ҳар байтида ошиқ гоҳ ўз кўнглига, гоҳ бобонга, гоҳ бошқа нарса ва жисмларга мурожаат қилиб, уларни ишқ балосидан ўзини

сақлашга, унинг ўтларида бевакт ёниб кетмасликка, сув бўлиб оқиб битмасликка, фожеанин олдани олишга чақиради. Бу ғазали ўқийётган китобхонга гўё шоир бу шеърда севгини қоралаётгандай, инкор этаётгандай кўриниши мумкин. Аслида бундай эмас. Шоир ноҳақлик, тенгсизлик ҳукмрон бўлган шароитда севини, севикли кишига ёришиш нақадар қийин бўлганини, кўп вақтларда ўзини қурбон қилиб, ўзини азоб-уқубатга қўйиш, кўз ёши тўкиш эвазига ҳам бу муқаддас мақсад, бу оруз амалга ошмаганини тушунтирмоқчи ҳолос.

Аммо шунга қарамай шоирнинг лирик қаҳрамони неқбин, бир сўзли, ўз севгисига, севгилсига вафодор, фидойи инсон. У ўзини даврининг Мажнунини, Фарҳоди, Вомики деб ҳисоблайди.

Фузулий шеърляри, хусусан ғазаллари китобхонни ҳаётнинг, борлиқнинг, ҳодисаларнинг, зарра ва заррачаларнинг ташқи томонига эмас, кўпроқ ички томонига, ички моҳиятига назар ташлашга, табиат ва ҳаёт ҳодисаларини юзаси эмас, чуқур билишга, бунинг учун ҳаётда ўрганувчи, текширувчи, актив кузатувчи бўлишга даъват этади. Шу маънода Фузулийнинг лирик қаҳрамони — бу мутафаккир-файласуф, мушоҳадакор-табиатшуносдир. У ўз ички кечинмаларини борлиқдаги табиат ҳодисалари, уларнинг ички моҳияти билан боғлаб изоҳлашга интилади, атрофига ҳамisha матрифат кўзи билан қарайди, одамларни хушёрликка, билимга, камолотга қорлайди, китобхон кўз ўнгига аjoyиб-ғайбатий бир психолог, қалбшунос сифатида намойён бўлади. Буни биз Фузулийнинг «Уландан сўр» радифли ғазалида бутун тўлалиги билан кўрамиз. Бу шеър қаҳрамони фикрича, висолнинг қадрини висолга тўйганлар эмас, ҳижрон азобини чекканлар билди; ёр лабининг қадрига ҳам ёрнинг дийдорига ташна бўлганлар этади, унинг ширин лабидан тўқилган сўзлар маъносини ҳам жоҳил одамлар чупа олмайди, кўчалардаги оч, юкун, бева-бечоралар, кўзида ёши билан турган ошиқларнинг руҳий ҳолатини ҳам ҳамма бир хилда тўғри тушуна олмайди; чунки осмонда сайр этган юлдузлар ахволини ҳам уйқудаги фоғиллар эмас, балки тунлари бедор ошиқлар, мунажжим олимларгина яхши билиши мумкин; бу ҳақдаги саволини улругагина бериш керак; мастларнинг тундаги безорилигини ҳам уларнинг ўзидан эмас, хушёрлардан сўраш ўрилли...

Шу хилда Фузулий лирика доирасида кишилар психология-

ТАФАККУР ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ШУ ИИЛ 15 апрелда жаҳон бўйлаб машғум бир хабар тарқалди: маҳаллий вақт билан 15 апрель тун соат 2 да Америка самолётлари Ливия пойтахти Триполи шаҳри-ни бомбардирмон қилдилар. Қурбон бўлганлар бор: булар — бола-лар, кексалар, умуман, шаҳарнинг тинч аҳолиси...

АҚШнинг бу тажовузкорона хатти-ҳара-кати дунёдаги барча тинчликсевар халқлар-нинг ғазабини келтирди. Ошкора агрессия АҚШ ҳукмдор доираларининг дили билан тили бир эмаслигини, улар оғизда бошқа га-пириб, амалда ҳар қандай жиноятларга қўл уриши мумкинлигини яна бир марта кўрсат-ди.

Инсоният ядро асида яшайпти. Ялпи киргин қуроолари маълум давлатларнинг омборларида истаганча йиғилган, империа-листтик давлатлар зўр бериб янги-янги қу-рооларни синаб кўраётган мураккаб шароит-да яшамокдамиз. Бундай қалтис шароитда ақл-заковат билан, давлатлар ўзаро кели-шиб, ҳамкорликда иш тутмасалар, ҳар қандай фалокат келиб чиқиши мумкин.

Шу йил 14 май тунда телевизор олдида ўтириб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Чернобыль атом электр станциясида юз берган фалокат муносабати билан «ўзлаган нутқини тўлқин-ланиб эшитдик: «Биз бу фожани бутунлай бошқача тушундик, — деб таъкидлади Ми-хаил Сергеевич ўз нутқида. — Биз бунди яна бир бонг зарби, ядро даври янгича сиёсий фикрлашни ва янгича сиёсат юрийтишни тақозо қилаётганлигиндан яна бир даҳшатли оғохлантириш деб англаймиз».

Ҳа, ядро аси билан ҳазиллашиб бўлмай-ди. Ядро қуроли запасларига эга бўлган давлатлар ўз сиёсатларини ақл-идрок асоси-га қуриб, урушнинг олдини олиш чора-тадбирларини бутун ички ва ташқи имкони-ятлардан фойдаланган ҳолда кўришлари лозим.

Жаҳон халқлари ҳозирги мураккаб даврда ақл-заковатнинг, тафаккур қудратининг эз-

гуликка хизмат қилишига катта умид боғла-моқдалар.

Авалло, шунга айтиш керакки, эндиликда инсон ақли олдида табиатнинг энг мураккаб сирлари ҳам оқиллик қилиб қолмоқда. Жуда кўп асрлар мобайнида инсон ўз тафаккури туфайли табиатнинг қулидан уни ўз измига соладиган қудратли кучга айланди. Энг майда зарралардан, кўзга кўринмас жони-ворлардан тортиб то юзлаб, минглаб ишлаб чиқариш жараёнларини темиртан «одам»лар ихтиёрига топширишгача, ўн саккиз минг олам бўлмиш коинотга нигоҳ ташлашдан то олис сайёраларни атрофлича ўрганишгача — ҳамма-ҳаммаси инсон ақл-заковати-нинг беҳад қудратидан далолатдир.

Аммо ҳали инсон тафаккури ечолмаётган муаммолар ҳам оз эмас. Чунки, даволаш чораси топилмаган касалликлар, инсон ум-рини янада узайтириш, ишлаб чиқаришдаги барча қўл меҳнатини машина-механизмлар зиммасига юклаш... бу рўйхатини яна давом

Мақсадимиз — тинчлик

эйтириш мумкин. Лекин уларнинг орасида энг долзарб ва ниҳоятда муҳими — инсон ақл-заковатини фақат тинчликка, бунёдкор-ликка хизмат қилдиришдир.

Башарият тарихида энг буёқ ақл оғалари, аввало, инсониятни янада порлоқ истиқбол сари етаклаш чораларини кўрсатиб берган-лар. Улар ҳаётнинг туб моҳиятини яратувчи-ликда, бунёдкорликда деб ифода этганлар. Бу эзгу анъана ҳамон давом этиб келмоқда. Минг афеуски, айрим гумуроҳ тафаккурлар табиатнинг гултожи бўлмиш одамларни қириб ташлашнинг энг оммавий усулларини топишга хизмат қилмоқда. Ҳа, гоётда ажаб-ланарли ҳол: дунёнинг баъзи доираларида ақл-заковат Ер юзиде ҳаётга қирон келтириш чораларини изламоқда!.. Аҳвол шу даража-га бориб етдики, АҚШ империалистик доира-

лари Ерга, турли тузумлар ўртасидаги зиддиятларни авж олдириш камлик қилга-нидек, бу зиддиятни коинотга олиб чиқиш тараддудига ҳам тушиб қолдилар. XXI аср бўсағасида тинчлик учун кураш, қуроолла-ниш ҳаракатини жийовлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва зарур бўлиб қолди.

Совет ҳукумати ва Коммунистик партия ўзининг изчил ленинча тинчликсевар сиёса-тида собит туриб, маъқур хавфга йўл қўй-маслик учун бутун чора-тадбирларни са-фарбар этмоқдалар, қандай бўлмасин, уруш оловини ёқувчиларни ўт билан ўйнашмас-ликка тақирмоқдалар. КПСС Марказий Ко-митетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу йилнинг 15 январиде билдирган Баёотини қуйидаги сўзлар билан яқунлади: «Тинчлик ва қуроолсизлиш йўли КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсатининг ўзаги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу сиёсатни актив ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи ақл-заковат, ҳолис ният позицияларида, инсониятнинг урушларсиз, қурол-яроғсиз келажагини таъминлаш учун масъулиятни англаш позицияларида туриб иш тутаетган барча кучлар билан кенг миқёсда ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилишга тайёрдир».

Ҳа, Коммунистик партия ва Совет ҳукума-ти биринчи навбатда ақл-заковатни, та-факкур қудратини тинчликни мустақкам-лашга қаратиш лозимлигини бот-бот тақро-рлаб, жаҳон халқларини бунга даъват қилмоқдалар.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тинчлик йили деб эълон қилинган йилда яшамокдамиз. Дунё халқлари нафа-қат шу йил, балки ер юзиде доимо тинчлик бўлиши тарафдоридирлар. Тинчлик бўлса, тафаккур шаклланади, унинг туб илдизла-рини янада теранроқ ўрганиш, таҳлил қи-лиш имкониёти кўпаяди. Бу эса инсониятни нурли истиқболлар сари етаклайверади.

В. ХАН,
илмий ходим

сини жамият аҳволи билан қиё-лаб, ўзича таҳлил қилади, муҳим ҳулосаларга келади ва унинг шеърлари оддий ишқийликдан теран фалсафийлик, ижтимоий-лик даражасига кўтарилади. Бун-дай ғазаллар оддий шеър сифати-да ўқилмайди, балки китобхонни ҳаёт ҳақида, одамлар ҳақида, уларнинг муносабатлари ҳақида ўйлашга, фикрлашга мажбур эта-ди, инсонийликка даъват қилади. Шунингдек, шоир «Фигонким, бағрининг ул лоларух қон ўлди-гин билмаз» деб бошланадиган ғазалнинг ҳар байтида гоҳ ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаётга, гоҳ ундаги айрим ижтимоий таба-қаларга қарата, гоҳ ўз давридаги жамиятда мавжуд маънавий тур-мушнинг ижтимоий-ахлоқий ил-латларига, ўз даври зиддиятлари-

га чуқур истеҳзо билан муносабат билдиради.

Остиқнинг ички дунёсини, орзу-истагини, дарду ҳасратини, самимий илтижоларини шунга мос оҳанг ва рангларда ифода-лаш жараёнида Фузулийнинг поэтик маҳорати шеърдан шеърга бетиним юксала боради. Унинг баъзи шеърларида юмор билан сугорилган шўх байтлар тез-тез учраб туради. Бу хил байтлар шоир шеъриятига маънавий ва бадиий ранг-баранглик бағиш-лайди.

Фузулий лирикасида шахс билан замон ўртасидаги зиддият, бизнинг фикримизча, муҳим ва асосий масала. Фузулий лирика-да халқ оммасини тасвирлаш, меҳнаткаш халқ тарихда асосий куч эканлигини англаш, шу


фикрни бадиий ифодалаш дара-жасига кўтарила олмади. Тари-хан биз бунди шоирдан талаб қила олмаймиз ҳам. Аммо яқна шахс — ўз лирик қаҳрамони қиёфасида у халқ оммасининг энг яхши фазилатларини, орзу-умидларини, интилишларини яхши акс эттира билди. Фузу-лийнинг лирик қаҳрамони — бу кўп вақт шоирнинг ўзи. У реал инсон, реал мақсадлар томон ин-тилади. Шу маънода ўтмишда ва яқин ўтмишда Фузулий ишқий лирикасини сўфиёна шеърят-деб, унинг гениал шеърий истеъ-додига ҳам илоҳий маъно берган буржуа олимлари ноҳақ эдилар. Уларнинг бундай зарарли қараш-ларига совет фузулийшуносла-ридан Ҳамид Арасли, Мирзага Гулизода ва бошқалар ўз илмий

асарларида тўғри муносабат бил-дирдилар, уларни тўғри танқид қилдилар. Фузулий худони, дини тан олган. Лекин у мистика-дан узоқ. Шу билан бирга улур шоир:

Баски заъфи рўзадин ҳар гун ўлур
тағйри хол,
Улажақдир ийд учун мохи тамоми
бир ҳилол —

матлаби билан бошланган са-тирик ғазалида ислом мамлакат-ларидаги рўза тутиш одатини, унинг киши соғлиги учун катта зарарини қўрқмай дадил фош қилади. Яъни у шариятнинг ҳам-ма кўрсатмаларини ҳам қўр-қўрона бажариш шарт эмас, деб билган. Шу жиҳатдан Фузулий-нинг байтлари орасида шайх, но-


АСКИЯ БАЙРАМИ



— Ичкиликбозни шарманда қилди! Яша-а-а!..

Яқинда Қўқон шаҳрида қизиқчилар ва аскиячилар республика конкурси бўлиб ўтди. Бу анжуман кулги байрамига айланиб кетди. Унда иштирок этган халқ истеъдодлари ўз маҳоратларини намоиш қилдилар. Аскияга қўшиқ, куйга рақс уланди. Бу шодиёна уч кун давом этди. Лекин унинг хотиралари узоқ вақт эсда қолади.

Р. Гафуров фотоси (ЎзТАГ)



— Шу пайров қиёмига етмади.



— Э, қойил! Анави дангасани болади!



— Анави суюқоёқнинг башараси очилди! Қотирдингиз!

А. Эпштейн фотолари

сиз, воизлар ҳақидаги, уларнинг иккиозламачиликларини, калтабинликларини, носамимийлигини қоралаб, улар устидан кулиб, масхаралаб ёган сатрлари ҳам муҳим ва характерли бўлиб, шоир ижодининг, хусусан лирикасининг асос эътибори билан халқчиллигидан, прогрессивлигидан гувоҳлик беради.

Фузулийнинг шеърий меросидagi мухаммас, мураббаъ ва рубойлар кўп жиҳатдан унинг


газалларига яқин туради. Лекин унинг қиъталари тўғрисида бу гапни айтиш қийин. Унинг озарбойжонча 42 қиътаси маълум бўлиб, уларда анъанавийлик хусусиятлари йўқ даражада. Уларнинг ҳар бирида буюк шоир ўз даврининг муҳим бир масаласига қўл урган ёки ҳаётини муҳим бир масалани, ҳодисани, ижтимоий тип қиъфасини шеърий ифодалайди. Бир қиътасида шоир ўзича бошқа мамлакатни босиб

олиб, уни талашни касб қилиб олган урушқоқ подшоҳ билан тинч меҳнат соҳибни — шоирни қарама-қарши қўяди ва шоирни, унинг меҳнатини шоҳниқига нисбатан ижобий баҳолайди, улуг қўради. Бундай дейиш Фузулий яшаган даврларда жасурлик эди!

Хуллас, Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий ўз баракали шеърий ижоди билан фақат озарбойжон адабиёти тараққиётига

эмас, балки барча туркий халқлар адабиёти тараққиётига ҳисса қўшди. Унинг асарлари ўзбек китобхоналари орасида ҳамон севиб ўқилмоқда. Фузулий форсий қиъталарининг бирида ўзини ўз шеърийати билан «олам ахли»га, яъни бутун инсониятга тўкин дастурхон ёзган мезбонга ўхшатган эди. Уша дастурхон бугун ҳам очик. Ҳамма ундан баҳраманд ва баҳраманд бўлишда давом этаверади.

ВETERАНЛАР — САФДА



— Сизни муҳим бир юмуш билан таклиф этдик, — деди совхоз директори отахонга яқинроқ ўтириб. — Ҳозиргина бу ерга марҳум Абдуғани аканинг хотини келди. Виласиз, Абдуғани ака бугун қаё қилдилар. Бечора аёл унисибунисидан маслаҳат сўраган экан, бир-икки оғзи катталар: «Уйингиздан катта ўлик чиқаяпти, қара-ҳавола қилиб бўлса ҳам расм-русмларини бекам-кўст қилиб ўтказасиз. Икки ярим-уч миғ сўмсиз сира иложи йўқ», дейишпти. Шўрлик хотиннинг ҳуши бошидан учиб, йиғлайди холос. Совхоз ёрдамини аямайди. Чунки Абдуғани ака биринчи чўлқуварлардан, совхозга меҳнати кўп сингиган. Аммо ўйланг қолдик: азадор оиланинг шунча ҳаражат қилиши шартми? Шунга нима дейсиз?

Машраббой ака бир директор Обиджон Акбаровга, бир партком секретари Қўшали Алиқуловга қаради. Улар отадан жавоб кутишарди.

— Нотўғри, албатта. Улганнинг устига чиқиб тепган бўлади бу.

— Биз ҳам шу фикрдамыз. Сизни бу ерга таклиф этишдан мурод шуки, марҳумни жойига қўйиш маросимининг бошида ўзингиз турсангиз-у, беҳуда сарф-ҳаражатларга йўл қўймасангиз, бидбат аралаштирилмас. Биздан нима талаб қилинса, тортинмай айтиверинг.

— Бу ишни ўзимиз қилсак ҳам бўларди, — деб гап қўшди партком секретари. — Аммо сиз катта ҳаётий тажрибага эгасиз, сизнинг йўригингиз бошқа. Бундан ташқари, маҳалла комитетининг раиси, совхоз турмуш маданияти кенгашининг аъзоси сифатида ўрингиз бўлакча.

— Ҳа, қари билганини пари билмас, деганлар.

Машраббой ака идорадан қайтарган, директор хонасидаги суҳбатни йўл-йўлакай ўзича давом эттирди: «Зап урф-одатларимиз бор-да. Оғир жудодикдан хун-хун йиғлаб турган одамнинг кўнглини кўтариш, ғамига шерик бўлиш ўрнига, унинг бор бисоти қомталаш қилинса, қарзга ботирилса, бир дард юз дардга айлантирилса. Қанақа расм бўлди бу! Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, иллат бериғна шунда эмас. Юзлаб одамларга ош беришни, уст-бош кийдиришни, карнай-сурнай қилишни талаб этадиган маросимларми? Булар озмунча моддий зарар келтиради ми хонадонга? Видъат турларининг ҳаммасига қарши астойдил курашиш керак. Партиянинг XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, биз, коммунистлардан бундай иллатларга қарши ҳар қачонгидан кўра қатъият билан кураш олиб боришни талаб қилаяпти. Ахир бу иллатлардан биратўла қутулиш вақти ҳам келди-да! Қачонгача оғизда гап юритиб, амалда томошабин бўлиб турамыз!»

Кекса коммунист азахонага кириб, оила аъзоларига самийий ҳамдардлик изҳор этди. Нима қилишни билмай турган ёш-ялангларга ҳовли-жойини тартибга келтиришни, қариндош-уруғларга хабар қилишни топширди-да, марҳумнинг турмуш ўртоғини сўрига таклиф этди.

— Раҳматлик пул ғамламасди, — дув-дув ёш тўқди азадор аёл. — Институтда ўқийётган икки фарзанддан, бу ердаги уч боладан, рўзгордан орттириб бўлармиди. Кўз тикиб турганим анови икки қўй билан эрта-индин туғадиган анови қорамол. Сарф-ҳаражати

айтишаверса, урноғ ҳам бўлмайдиганга ўхшапти булар.

— Нималар дейишяпти?

— Бугуннинг ўзида иккита қўй сўйиб, азага келганларга аввал шўрва, кейин ош тортишимиз керак экан. Келган ҳар одамга совун ё чой ёки бир сўмдан пул улашиш шартмиш. Яна ҳар кимга биттадан рўмол, домлага тўн, қўйлак, йигирма-ўттиз сўм пул бериш лозиммиш. Ушларнинг гапи билан эрталабданоқ новвойларга мингта нон буюриб қўйдим. Буям фалон пул! Магазиндан ўн банка асал, йигирма кило канд-курс, эллик килоча олма олдирдим. Айтмоқчи, қариндош хотинларга биттадан тоза қўйлаклик қўйиш ҳам зарур дейишди.

— Шуларнинг ҳаммаси бугунги ҳаражатлар эканми?

— Ҳа! «Уч» идаям шунақа қилиш зарурмиш. Ҳали «пайшанба»лари, «етти»си, «йигирма»си, «қирки» бор! «Йили» бор! Айтинг, нима қилай? Бировдан қара кўтарсаммикан? Ким бераркин?

— Ҳаммасини менга ташлаб қўяверинг, синглим. Сиз келди-кетдига жой ҳозирлаш тадорикини кўрсангиз кифоя.

Машраббой ака таъзияга келган оқсоқолларни бир зумга тўхтатиб, боғи масалани ўртага солди:

— Ота-боболаримизнинг қадим-қадимдан келаётган адуви бу, — эътироз билдирди эрта соқол қўйган бир киши. — Уни бузсак, ҳудоба ҳам хуш келмас. Арвоҳ нима дейди? Гуноҳга ботиб қолмайлик тагин!

— Аввало гуноҳ билан савобнинг фарқини аниқроқ ажратиб олайлик, биродарлар. Ўз боқувчисидан жудо бўлган оилани кўра-била туриб, ҳар хил инъом-эҳсонлар қилишга мажбур этиш, буд-шудидан ажратиш, қарзга ботириб қўйиш — савоба кирадим, гуноҳгами? Марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб шунақа бўлади? Ўлик чиққан хонадоннинг бир бўлак чойи ёки совунига ким зор?!

Мантиқ кучи ҳаманин бош эгдириб қўйди. «Урф-одат» деб сайраётганлар бир нарса дегани оғиз тўлатишди-ю, дамлари ичида қолди.

— Савоб истайдиган, яхшиликни қўлайдиган бўлсак, уларни юлиб-юлқиш ўрнига, қўлимиздан келганча ёрдам берайлик. Бир эмас, беш нафар боқимандаси билан қолди шўрли аёл. Ана, совхоз директори машина юборипти, ун, гўшт-ёғ бериб юборибди.

— Менимча, гўрковни рози қилишдан бўлак барча ҳаражат — беҳуда! — фикр билдирди уруш ветерани Абдунаби ота.

— Жуда тўғри!

Шу воқеа сабаб бўлди, маҳалла комитетининг раиси уруш ва меҳнат ветеранлари Эрназар ака, Бойназар ака Абдураззоқовлар, Исҳоқ оғай Аҳмедов, Абдунаби ота Пирматовга ўхшаш бир неча қарияларни йиғиб, хонаки мажлис ўтказди.

— Тўйларни камҳаражат қилиш, ичкиликбозликка қарши кураш ишларини бир мунча йўлга қўйиб олдик. Лекин бир қанча бошқа саркизлар ҳам борки, улар ҳозирча эътиборимиздан четда қолаётир.

— Ҳа, Абдуғанининг оиласини катта чикимдан қўтқариб қолганимиз яхши бўлди. Райкомдагилар ҳам хурсанд бўлишди бу ишимиздан. Энди бу ёғига бўшанглик қилмасак, бас.

— Ҳужумни янаям кучайтириш керак.

— Тўғри. Нур кирмаган жойга зулмат қиради, деганлар. Қишлоқда бирор маъракаи-идиҳом бизсиз ўтмайди. Ҳамма бизга — оғзимизга қарайди. Шу ҳурмат-эътиборимиздан фойдаланиб, ноўрин урф-одатлар-у, ирим-чиримларни батамом йўқотиш ҳаракатида бўлайлик.

— Айни мўлдоо. Эски гвардиячилармиз. Шундоқ бўлгандан кейин ҳамма маросимларни ўзимиз тартибга солмасак бўлмайди.

Гап айланиб, партиямизнинг XXVII съездида, ундаги Сиёсий докладыда уланди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт режалари ҳақида, халқ фаровонлигини янада ошириш вазифалари ҳақида гап кетди.

Машраббой ака Султонов ён дафтарчасини олиб:

— Эшитинглар, — деди ҳамманин эътиборини ўзига тортиб. — Программамиздан ёзиб олганми: «Катта тажрибага эга бўлган меҳнат ветеранларининг қурби этадиган меҳнат фаолиятида, ижтимоий ҳаётта ва тарбиявий ишларда иштирок этиш имкониятини кенгайтириш катта социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ишдир».

— Ана кексаларга ҳурмат, ғамхўрлик, ишонч.

— Ҳа, биродарлар. Партия-ҳукуматимиз бизни шунчалар эъозлаб турганда, биз аканг ветеран деб, яримизини ёзга, яримизини кузга қўйиб ётсак, шаъниниизга ярашмайди.

— Сиз билан бизнинг қўлимиздан ҳали кўп иш келади. Мураббийчилик ҳаракатини олиб кўрайлик. Назаримизда, кейинги вақтда бу хайрли ишни анча сусайтириб қўйдик. Ҳар биримиз ўз маҳалламизда ёшлар тарбиясини зиммага олсак, шогирдлар тайёрласак...

— Илгари бот-бот мураббийлар йиғинини ўтказиб туриш расм бўлувди. Ҳар биримиз нима иш билан шуғулланаётганимиз, қанча шогирд тайёрлаганимиз тўғрисида кўпчилик олдида ҳисоб бериб турардик. Тажриба алмашардик. Нега шу иш тўхтаб қолди. Шу тўғрида яқинда райкомга кириб айтмоқчиман.

— Маъқул гап. Шундай қилинса, ветеранларнинг масъулияти яна ҳам ошган бўларди, шогирд тайёрлашга жиддийроқ қарашарди. Ҳазрат Навоий:

Хунари асрабон некумдир охир,
Олиб туфроққама кеткумдир охир, — деганларидай, бой тажрибамизни, ақлу заковатимизни ишлатиб қолайлик-да.

Келажаги йўқ одам ўтминши билан мактанармиш. Йўқ, ҳозир ҳам у ўзини эртанги кун учун курашувчилар сафида деб билади. Ҳозир ҳам мактанса арзигудай ибратли ишлар қилаяпти. Кексалки — қайноқ ҳаётдан четланиш эмас. Ақсинча, у ҳаётнинг жўшқин қўйнида бўлиши лозим. Айниқса партия аъзоси деган муқаддас ном эгасидан кўп нарса талаб қилинади.

Кекса коммунистнинг шу кунларда адо этаётган жамоат ишларини санамоқча бармоқ етмайди: район партия комитети партия комиссиясининг аъзоси, район суди раисининг ўринбосари, район ветеранлар кенгашининг аъзоси, маҳалла комитетининг раиси, совхоз турмуш маданияти кенгашининг аъзоси, район социал таъминоти бўлимининг штатсиз инспектори.

Қўриқ Комсомолобод райони марказида яшовчи Машраббой ака Султоновга ўхшаганларнинг қалиб гўё беғубор булоқ. Ундан оқиб турган меҳр чашмаси битмас-туганмас.

М. АБДУКАРИМОВ

Анджон

К

АДИМГИ афсоналарда нақл қилинишча, машҳур мусаввир Қамолдидин Бехзод вафот этган куни табиатнинг етмиш минг ранги ва Бехзод суратларида акс этган қаҳрамонларга дабдурустан жон кирибди: улар қоғоз саҳифасидан аста-секин сирғалиб тушишибди, деворлардан ошиб ўтиб, саройлардан чиқиб, санъаткорнинг таъзиясига бош эгиб келишибди. Кейин... негадир, улар қоғозлар бағрига, сарой деворлари сиртига қайтиб боршимабди, она ўлкамиз манзараларига, халқимизнинг қалбига, феъли-атвори-га сингиб кетибди...

Буюк Бехзод яратган тасвирий санъат асарларининг умрбоқийлигига, ниҳоятда ҳаётий ва халқчиллигига ишора сифатида донишманд халқ ана шундай жонли ривоятни яратган бўлса, ажабмас.

Мана, беш асрдан ошайти ҳамки, Бехзод анъаналарини давом эттираётган рассомларимиз она юртимиз табиати манзараларида, унинг бир-бирдан гўзал тўрт фаслида мужассамлашган ўша ардоқли бўёқлари, халқимизнинг феъл-атворида, психологиясида намоеён бўлган юксак инсонийлик фазилатларини тасвирлаш иштиёқида тинмай изланишмоқда. Вугунги кунда эса, халқимизнинг буюк яратувчилик қудрати ва истеъдоди, бекиёс маънавий гўзаллиги акс этган она-Ўзбекистонни табиатнинг тўқин ранглари бир йўла уйғунлашган улкан полотно деса бўлади. У янги-янги чизгилар, бадий портретлар, сержило ранглар ила муттасил бойиб бормоқда. Ўзбек халқининг буюк қалби акс этган ушбу полотнодан оппоқ булутларга туташ чўққилар, хаёл қадар чексиз уммонлар, сахрою биёбонлар, зумрад ўрмонлар дунёнинг олис-олис чеккаларига ҳам нурдек равшан кўриниб турибди. Юртимиз гўзаллигини тасвирлашда эса Урол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Абдулҳақ Абдуллаев, Лутфулла Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Самғ Абдуллаев, Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Исфандиёр Хайдаров сингари ўнлаб мўйқалам усталари иштирок этмоқдалар.

Санъатшунос олим, фалсафа фанлари

САНЪАТГА МУҲАББАТ

доктори, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Тилаб Маҳмудовнинг санъатга буткул қизиқиши, ижодий изланишлари, меҳнати санъат асарларида мужассамлашган маъноларни ўқишга, ўқишга ва талқин этишга қаратилган. Халқимизнинг гўзал маънавий қиёфасида, юксак одабийлик хислатларида, бунёдкорлик фаолиятида, замондошларимиз образларида, она юртимиз, давримиз, социалистик ҳаётимиз манзараларида, бир сўз билан айтганда, социалистик Ўзбекистон ва она халқимиз образида зоҳир бўлган гўзалликларни фалсафий идрок ва ифода қилиш Тилаб Маҳмудовнинг илмий-ижодий изланишлари моҳиятини ташкил қилади.

Санъат асари бағрига яширинган гўзалликни англаш ва унга бошқаларни ошно этиш — осон иш эмас. Бунинг учун билим ва дунёқарашдан ташқари, нозик қалб соҳиби ҳам бўлиш керак. Тилаб Маҳмудовда ана шу ноёб фазилат — юксак эстетик дид мужассамланган. Олимдаги гўзалликка шайдолик туйғусининг шаклланишида у туғилиб ўсган ажойиб маскан — Хумсон қишлоғининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бўстонлик районида — Ғарбий Тянь-Шань тизмалари бағрида жойлашган бу кўркем оромгоҳда бўлиб, булутларга бош қўйган юксак қорли чўққиларни кўрган, кечаю кундуз шовуллаб оқиб ётган кўм-кўк Угам дарёсида чўмилган, ёлғизоёқ сўқмоқларда хаёл суриб, мусаффо тоғ хавосини смирман киши бу дилбар қишлоқни бир умр яхши кўриб қолади. Болалиги сеҳр ва мўъжизага тўла гўзал табиат бағрида кечган, ёшлигидан суяги меҳнатда қотган Тилаб Маҳмудовда санъ-

атта иштиёқ ўрта мактабдаёқ белги бериб қолди. Унинг бахтига Хумсонга дам олиш учун тез-тез борадиган машҳур рассом Абдулҳақ Абдуллаев уларнинг дарё ёқасидаги ховлисида яшар ва қишлоқ манзаралари ҳамда меҳнаткаш одамлар суратини заўқ ва илҳом билан қоғозга кўчирар эди. Таниқли санъаткор билан жонли мулоқотлар ва бевосита унинг илҳом оғушида — ижод пайтида кўриш, хилма-хил бўёқлар сеҳри остида яратилаётган дилкаш манзара-лавҳалардан баҳраманд бўлиш ёш ўмирни сеҳрли санъат оламига эрта етаклаб кирди. Шундан бери у нафосат бўстонидида кезиб, гул теради, ўз завқи-ҳаяжонларини кўпчилик билан баҳам кўради.

Тинимсиз меҳнат, ўқиб-ўрганиш, изланишдан эринмаган оддий тоғ йигити — Тилаб Маҳмудов бугунги кунда санъатшунос олим бўлиб камол топди. Ўзбекистонда эстетика фанининг ривожланишида, айниқса ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларда гўзалликка муҳаббат туйғусини шакллантиришда Тилаб Маҳмудов яратган эҳтиросли асарларнинг ўзига яраша ўрни ва роли бор.

Олим илмий ижод билан жамоат ишларини чамбарчас ҳолда олиб боради. У республика рассомларининг X (1972), XI (1976), XII (1982) съездларида Ўзбекистон Рассомлар союзи правленияси раиси ўринбосарлигига сайланди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қошидаги ижодкор ёшлар билан ишлаш Советининг раиси сифатида самарали фаолият кўрсатди, кўп йиллардан бери Ўзбекистон ССРнинг санъат соҳасида эришган ютуқларини мунтазам равишда матбуот,



Соғ бўлай десанг, югур!

А. Рискнев фотоси (ЎЗТАГ)



СССР халқ рассоми Т. Салахов чизган расм.

радио, телевидение орқали тарғиб этиб келмоқда. У бир қанча Бутунитифоқ ва Халқаро илмий анжуманларда ҳам қатнашди, ўзбек санъати ҳақида мазмундор докладлар қилиб, малакали мутахассислар орасида обрў-эътибор қозонди. Тилаб Маҳмудов Халқаро бадий танқидчилар ассоциацияси — АЙКАнинг ҳам аъзосидир. Олим бугунги кунда «Совет Ўзбекистони санъати»

журналида бош редактор сифатида хизмат қилмоқда.

Тилаб Маҳмудов шу кунгача «Ўзбекистон тасвирий санъати эстетикаси», «Санъатни таҳлил қилишнинг методологик масалалари», «Санъаткор таланти ва жамият», «В. И. Ленин ва эстетиканинг баъзи масалалари» сингари ўнга яқин салмоқли монографик тадқиқотлар, юздан ортқ назарий-проблематик мақолалар яратди.

Олимнинг илмий-ижодий изланишларини, шартли маънода, уч йўналишга бўлиш мумкин. Биринчидан, ўзбек адабиёти ва санъати ютуқларини, санъаткор ижодининг партиявийлиги, тарихий конкретлиги, синфийлик, халқчиллик сингари назарий масалаларни В. И. Лениннинг эстетик меросига суяниб ўрганиш; адабиёт ва санъат асарлари жозибасига, унинг меҳнаткашларни эстетик жиҳатдан тарбиялашдаги ижтимоий ролига диққат-эътиборни қаратиш олим ижодида асосий ўрин эгаллайди. Бадий истеъдоднинг меҳнат, тарихий шарт-шароит ва ижтимоий воқелик характериға кўра касб этган янги-янги қирралари, истеъдод ва ижтимоий ҳаётнинг, жамиятнинг санъат билан алоқаси сингари маркча-ленинча эстетиканинг кординал масалаларини В. И. Лениннинг эстетик таълимоти нури остида ёритишга бағишланган асарлар олимға шуҳрат келтирди. Иккинчидан, Ўзбекистон тасвирий санъатининг тарихи, миллий асоси ва анъаналари масаласи, Умумитифоқ ва жаҳон тасвирий санъатини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси катта миллий маданиятимизнинг социалистик мазмун билан бойиб, такомиллашиб бораётган шакл ва усуллари олимнинг текширишларида алоҳида объект

ҳисобланади. Ўзбекистон тасвирий санъатининг социалистик реализм санъати ижодий имкониятларини кенгайтиришдаги, шакл ва услублар ранг-баранглигини бойитишдаги ўрни, совет тасвирий санъатининг тараққиёти йўналишлари санъатнинг халқ ва жамият ҳаётидаги эстетик аҳамияти нуқтаи назаридан ўрганилади. Учинчиси, тасвирий санъат асарларини эстетик таҳлил қилишнинг методологик масалаларидир. Ушбу тармоқ санъат асарларини эстетик таҳлил қилишдаги диалектик материализм методологиясини қўллаш принципларига кўра янги бир йўналиш ҳисобланади. Зеро, бадий асарларни эстетик баҳолашдаги эстетик идрок, бадий ижод сеҳри, санъат асарларининг структураси каби назарий масалаларни ёритишда В. И. Лениннинг инъикос назарияси фалсафий асос вазифасини ўтайди.

Олимнинг ҳар уч йўналишдаги тадқиқотларини бирлаштириб турувчи бир жиҳат бор. Бу — санъат ва бадий адабиёт асарларини фалсафий-эстетик идрок ва ифода қилишдаги шоирона нигоҳ ва нуқтаи назардир. Шу боисдан ҳам Тилаб Маҳмудов санъат асарларининг фалсафий-эстетик маъносини ўқиётган, таҳлил қилаётган пайтда табиат ранглари куйлаётгандек, тўрт ёғоч орасига солинган рамкалар ичидаги қаҳрамонлар жонлангандек, биз билан сўзлашаётгандек тасаввур қолдиради. Она-Ўзбекистон манзараларининг рангин бўёқлари муסיқа чалаётгандек, борлиқни ажиб тароватта тўлдираётгандек туюлади.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари кандидатлари



Оромгоҳ.

Р. Шамсутдинов фотоси
(ЎзТАГ)

**ИЛОН ЗАҲРИ
ХАВФЛИ**

Ер юзида яшайдиган илонларнинг тури 2 минг 500 дан ошди. Лекин улардан 700 турга яқин илон заҳарли ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда 60 турдаги илонлар учрайди. Улардан 10 таси заҳарлидир. Ўрта Осиёда учрайдиган кўзойнакли илон (қора), СССРнинг жанубий ва жануби-шарқидagi чўл-саҳро ва тоғлик қисмида яшайдиган оддий қалқон-тумшук илон (шптомордник) ва Узоқ Шарқда бўладиган шарқий қалқон-тумшук илон шулар жумласидандир.

Қора илонлар оиласига мансуб бўлган хавфли жондорларнинг энг йириги кўлбар илон (гюрза) Ўрта Осиёда ва Кавказда кўпроқ учрайди. Ўрта Осиёда ҳажман унча йирик бўлмаган чипор илон (офа) ҳам мавжуд. Шунингдек, қора илонлар (гадокалар)нинг яна 5 та тури бир-биридан ажралиб туради. Кавказ қора илони, бурундор қора илон ва Кичик Осё қора илони фақат Кавказда ҳаёт кечиради. Кўпроқ тарқалган чўл қора илони мамлакатимиз жанубидagi саҳро ва яйловларда яшайди. Ўрмонларда ва ўрмонли яйловларда яшайдиган оддий қора илон эса, саҳролардан тайгагача, мамлакатимиз гарбидан то жануби-шарқий чегараларимизгача бўлган территорияларда учрайди.

Заҳарли илонлар ҳеч қачон одамга биринчи бўлиб ташланмайди, одатда одамни қўлдан яширишига ҳаракат қиладилар. Илонларнинг вишилланиши ўзига дахл қилмаслик учун оғоҳлантирувчи сигналдир. Бироқ инсон илонга ўзи билмаган ҳолда тегиб қўйиши мумкин. Шундай пайтда илон ўзини химоя қилишга ўтади. Шуниси борки, кўзойнакли илон бошини кўтариб галаги ҳолатга киради, баъзан биринчи марта душманини боши билан уради, сўнгра эса, хавфли тишларини ишга солади.

Илон чаққанда энг аввало унинг заҳарли ёки заҳарли эмаслигини аниқлаш лозим. Илон чаққан жойда унинг тишидан қолган из — ўроқ шаклидаги бир жуфт

чизик кўринади. Майда нукталардан иборат бу чизик яримта тухум шаклида бўлади. Бордию илон заҳарсиз бўлса, майда нукталардан иборат ўроқ шаклидаги ўша чизик кўринмайди, илон чаққан жой фақат тухумсимон кўриниб туради. Агар заҳарли илон чаққан бўлса, тухумсимон шаклнинг одди қисмида, ўроққа ўхшаш чизиклар ўртасида қон сизиб турган иккита кичик яра кўзга ташланади (бу заҳарли илоннинг бир жуфт тишидан қолган излардир).

Заҳарли илонларнинг энг хавфлилари кўзойнакли илон, қора илон ва чипор илондир. Кўзойнакли илоннинг заҳари асосан одамнинг марказий нерв системасига таъсир этади, илон чаққан жойнинг ўзида оғриқ унча сезилмайди. Қора илонларнинг заҳари эса, аксинча илон чаққан жойнинг ўзига кучли таъсир этади: оғриқ кучаяди, заҳарланган жойнинг атрофи шишади, яра пайдо бўлади ва ҳатто тўқималар жонсизланиб, қарақ қолга келиб қолади.

Илон чаққан пайтда энг фойдали дори-дармон илон заҳарига қарши чиқарилган ярим валентли зардоб — (свворотка)дир. Визда ана шундай дори-дармонлардан «антигюрза» (кўлбар илон, қора илон ва чипор илон заҳарига қарши) ва «антиқора» (кўзойнакли илон заҳарига қарши) ишлаб чиқарилади. Бу дори-дармонлар фақат даволаш муассасаларида бўлади. Шунинг учун илон чаққан пайтда тезлик билан ана шу муассасаларга учрашиш лозим.

Мазкур дори-дармонларни иложи борича тезроқ, имкон топила, илон чаққанидан кейин 30 минут ўтгунгача қабул қилиш лозим, акс ҳолда унинг фойдаси камроқ бўлади.

Ҳар қандай заҳарли илон чаққан пайтда албатта ярадаги заҳарни сўриб олиб, туғлаб ташлаш лозим, сўнгра илон чаққан одамни ётқизиб қимирлатмаслик, унга кўпроқ сув ичириш, иложи борича уни даволаш

муассасаларга етказиш керак бўлади.

Илон чаққан одамга ёрдам кўрсатишдан чўчиманг, бу нарса хавфли эмас. Биринчидан, сўриб олинган заҳарни дарҳол туғлаб ташлайсиз, иккинчидан эса, оғзингиз орқали организмга ўтган заҳарнинг миқдори шунчалик оз бўладикки, у сизга ҳеч қанақа салбий таъсир кўрсатаолмайди.

Илон чаққан жойни куйдириш, терини кесиб, қаттиқ нарсалар билан боғлаб қўйиш сингари қадимий аъянага кирган усуллар эндиликда номқабул бўлиб қолди. Бу усуллар фақат бейфойдагина эмас, ҳатто зарарли ҳамдир. Куйдириш усули билан мушаклар орасига чуқур кириб кетган заҳарни йўқотиб бўлмайди. Куйдирилган жойда эса, яра-чақа пайдо бўлади, сўнгра ўша жой маддалай бошлайди. Терини кесиб кўп ҳолатларда яранинг инфекциялари билан зарарланишига олиб келади. Бундан ташқари, вена қон томирлари ва пайларга зарар етказиб, одамнинг мажруҳланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Илон чаққан жойни боғлаб қўйиш заҳарнинг тарқалишига тўсиқ бўлмайди, бунинг устига, томирларни қисиб қўйиб, тўқималарда молда алмашилувини бузади.

Спиртли ичимликлар ичиш билан илон заҳарини камайитириши уйлаганлар қаттиқ янглишадилар. Аксинча, алкоголь тўқималарда, айнқиса марказий нерв системасида заҳарнинг узоқ сақланишига сабаб бўлади ва бу билан унинг салбий таъсирини кучайтиради.

Илонларга дуч келиш эҳтимоли бўлган районларга сафарга чиқётган пайтингизда эҳтиёткорликка амал қилинг, керакли анжомлар ҳозирланг: мустаҳкам пойабзал (резина этик ёки қалин чармли ботинка), кенг шим кийим олинг. Ботинка ёки этик устидан шимни шундай ташлаб олингки, ҳалтадек оскилиб турсин. Чунки заҳарли илонга дуч келганингизда ҳам унинг заҳарли тишлари этик ёки шимга дуч келиши, терингизга дахл қилмасин. Ўт-ўланлар орасида юрганда таёк билан ўзингизга йўл очиб бориш, тош ва қоялар орасини яхши кўздан кечириб, йўл босинг. Акс ҳолда илонларни безовта қилиб қўйишингиз мумкин.

С. А. ШАРИГИН,
биология фанлари
кандидати
(«Здоровье» журналидан)



«Чемпион»лар. Ф. Қурбонбоев фотоси (ЎзТАГ)



— Урра-а! Ҳ. Ҳайдаров фототўғди (ЎзТАГ)

ҳавасидаги воқеа кўпчилики қизқитириб қўйди. Ҳавза қирғоғидаги қум нефть чиқиндилари билан ифлослангани учун дам олувчилар ранжидилар. Шунинг учун маҳаллий хукумат махсус бригада тузиб, қирғоқ бўйи қумини турли хил нефть чиқиндиларидан тозалаётганда ишчилар қумдан бир 2 метр, иккинчиси 1,5 метри иккита тимсоҳни тутиб олдилар. Қизғин шундаки, илгари бу ерда ҳеч қачон тимсоҳлар бўлмаган. Тимсоҳларнинг қаердан пайдо бўлганлиги маъмурият учун ҳам, туристлар учун ҳам ҳозирча жумбоқ бўлиб турибди.

Сингапурдаги тимсоҳлар асраладиган ҳайвонот боғининг маъмулотига қараганда, мамлакатдаги 670 та тимсоҳнинг ҳаммаси ўз жойида.

УЛКАН ТОШБАҚА

Гамбург (ГФР) шаҳридаги ҳайвонот боғида улкан тошбақани 7 киши кўтариб йўлакка чиқара олди. Галапагос оролидан келтирилган



баҳайбат бу тошбақанинг ёши 80 да бўлиб, оғирлиги 250 килограммдир.



ЧИГИРТКАЛАР ҲУЖУМИ

Кейинги ярим аср давомида кенишликлар чигирткаларнинг мамлакат территориясига бунчалик кўп бўлиб ёпирилиб киришини кўрмаган эдилар. Чигирткалар мамлакатнинг шимолӣ ва шимолӣ гарбида сал кам бир минг квадрат километр жойни ишғол қилдилар. Ишғол қилинган территориянинг ҳар бир квадрат километрга 40 миллиард

чигиртка тўғри келади. Улар ҳалқ хўжалигига ниҳоятда катта зарар келтириб, бир кунда 80 минг тонна озукани истеъмол қиладилар. Шунчалик озуқа 400 минг одамга бир йилга етishi мумкин. Ҳозирги кунда чигирткалар галаси жануб томон ҳаракат қилаётир. Зимбабве, Замбия ва Танзания каби мамлакатлар территориясига ҳам уларнинг ёпирилиб кириши кутилмоқда.

«Эфиопия геральд» газетасининг таъкидлашича, чигирткалар ҳужумининг одди олинмаса, улар Африка қитъасидаги мамлакатлар учун ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

ТИМСОҲЛАР

Сингапурнинг шарқий қисмида жойлашган дам олиш зонасининг чўмилиш



ЧИНИҚҚАНГА ДАРД ЮҚМАС

Халқимизда «чиникқанга дард юкмас» деган ҳикматли гап бор. Атроф оппоқ қор билан қопланган қирчиллама қиш кунларида муздек сувда чўмилган «морж»ларни кўриб ана шу ҳикматли гап беихтиёр ёдингизга келади. Улуг Ватан уруши қатнашчиси, Чкалов номи Авиация бирлашмасида чорак асрдан кўпроқ меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Маҳмуд ота Абдуллаевнинг спорт борасида олиб бораётган ишлари ибратлидир. Отанинг беш ўгли бор. Бешови ҳам спортчи. Катта ўғли Анваржон бокс билан, Алишер ва Адҳам классик кураш билан, Собир енгил атлетика, энг кенжаси Рустамжон эса футбол билан қизиқади, «Пахтакор» футбол мактабида Эркин Абдураимов қўлида таҳсил олади. Бу беш ўғил ёшлигидан бери касаллик нималигини, шамоллаш нималигини билишмайди. Маҳмуд отанинг ўз фарзандларини ёшлигидан бошлаб турли бадантарбия машқлари билан шуғулланган кезларини кўни-кўшнилари кўп марта кўришган.

Яқинда Маҳмуд ота қизиқ бир воқеани хикоя қилиб берди. Қиз билан куёви ёш гўдан Илҳомжонни ёнинг иссиқ кунларида ҳам чирмаб ўрашлари, «совуқ сув ичма, шамоллаб қолсан», деб авайлайверишлари оқибатида бола мактаб ёшига етгунча неча бор

касалликка чалинган, бора-бора нафаси қисиладиган бўлиб қолган.

— Болангизда астма касаллиги белгиларини сезаяпман, — дейди участка врачлари бир куни. — Дарҳол текширтириб, олдини олмасанглар, кейинчалик оқибати хунук бўлиши мумкин!

Илҳомжон бир ойдан кўпроқ касалхонада даволаниб ҳам чиқади. Аввалига бир оз нафсини сезгандек бўлади, кейинчалик яна ўша аҳвол, хафта ўтар-ўтмас нафас қисиб бошланаверган...

Кунларнинг бирида Маҳмуд ота қудалари билан бамаслаҳат набираси Илҳомжонни ўз уйига олиб кетади. Уша кундан бошлаб набирасини кичик ўғиллари Собир ва Рустамжон билан бирга машқ қилдира бошлайди. Эрталаб бадантарбия қилдиради, сўнг қисқа масофага югуртиради. Аста-секин масофани ҳам узайтира боради. Бир ойдаёқ Илҳомжоннинг қадди-қоматида ўзгариш сезилади, юзига қизиллик югуради. Энди у ҳар куни 4—5 километрга югурмасдан туrolмайдиган бўлиб қолади. Шундан кейин Маҳмуд ота набирасини спорт клубига, югурувчилар тўғарагига жойлаб қўяди. Илҳомжон спорт билан ошно бўлгандан кейин буткул соғайиб кетди...

Биз спортнинг инсон саломатлигига нақадар катта фойда келтириши ҳақида биргина мисол

келтирдик. Агар сиз «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти ҳузуридаги «Кентавр» югуриш клуби фаолияти билан танишсангиз, у ердаги саксон ёш билан саломлашган отахонлару беш-олти ёшли ўғил-қизлар билан суҳбатда бўлсангиз, ҳар бири югуриш ҳамма учун фойдалигига эмас, балки саломатлик учун мустаҳкам гаров эканлигини такрор-такрор айтишади. Клуб ўн тўрт йилдан бери ишлаб турибди. Шу кечакундузда клубга беш ёшдан етмиш беш ёшгача бўлган 200 дан зиёд киши қатнашади. Клуб фаолияти ҳақида унинг раиси Н. Татаринов шундай дейди:

— Клубимиз ташкил этилганидан буён бир ярим мингдан зиёд киши ўзи учун керакли маслаҳатлар олди. Клубимизнинг бир неча филиали мавжуд бўлиб, уларда турли ёшдаги югурувчилар мунтазам шуғулланишади. Яқинда «Старт» стадиони ҳузурида яна бир клуб очдик. Даставвал унга ўттиз беш киши аъзо бўлиб кирди. Шунингдек, Ангрен, Олмалик шаҳарларида ҳам филиалларимиз бор. Яқин орада яна бир неча районларда ана шундай клублар очишни режалаштирганмиз.

Н. Татариновнинг ўзи ҳам югуриш ихлосманди. Бу спорт тури билан у 1946 йилдан бери шуғулланади. Ҳар куни 10—12 километр масофани югуриб ўтади. Клуб аъзоси «Тошмонтаж» бошқармаси бўлим бошлиғи Эргаш Мусабоев бундай дейди:

— Югуриш билан беш йилдан бери шуғулланаман. Илгари юрагим бироз санчиб турар эди. Хозир эса саломатлигим жуда яхши.

«Тошхимфарм» заводининг бош инженер соловчиеси Зафар Юсупов гапга қўшилади:

— Ешим 30 да. Югуриш билан 16 йилдан бери шуғулланаман. Мен билан бирга 7 ёшли ўғлим ҳам клубга аъзо. У кунига 7 километрга яқин югуради. 3,5 яшар ўғлим ҳам ҳар куни мен билан 5 километр масофага югуради. Иккаловининг ҳам саломатлиги жуда яхши. Бирон марта ҳам касал бўлишмаган.

Пенсионер Аркадий Шум ҳам клуб фаолиятидан миннатдор:

— 1909 йилда туғилганман. Клубимиз ташкил этилганда биринчилар қатори аъзо бўлганман. Югуриш билан эса 15 йилдан бери шуғулланаман. Илгарилари қанд касали билан оғриганман. Югуриш билан шуғуллана бошлаганимдан кейин ўзимни жуда яхши ҳис этаяпман. Умуман, спорт ҳамма учун фойдалидир.


Улуг Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер Лев Сафир клубнинг энг моҳир спортчиларидан ҳисобланади. У қишин-ёзин совуқ сувда чўмилади, муттасил очик ҳавода ухлайди, Олмаота, Душанбе, Тошкент, Қўқон, Фаргона, Андижон, Наманган йўллари бўйлаб ўтказиладиган эстафеталарда муттасил қатнашиб туради...

Биз югуриш спортининг инсон учун нақадар катта наф келтириши ҳақида қисқача хикоя қилдик. Умуман, спортнинг қайси тури билан қайси ёшда бўлишингиздан қатъий назар, шуғуллансангиз ўзингизни бардам сезасиз, руҳингиз тетик бўлади.


Ш. УМУРЗОҚОВ,
А. ҲАКИМОВ




Шахмат композицияси — шахмат шеърляти, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам, уни ечиш кишига маънавий завқ бағишлайди. Қуйида муҳлислар эътиборига учта масалани ҳавола этамиз. Жавобларингизни кутамиз.




1-масала.
Қоралар бошлайди ва ғалаба қозонади.



2-масала.
Оқлар бошлайди ва ғалаба қозонади.



3-масала.
Оқлар бошлайди ва ғалаба қозонади.



Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ)

Полковниклар.



КҰРҚАНГА ҚҰША КҰРИНАР

ХАЖВИЯ

Қош қорая бошлаганда қуш-хонанинг орқа томонидағы пасткам девор устидан нимадир ерга шалоп этиб тушди. Кейин девор тепасида думалоққина одам гавдаси кўринди. У ерга тушди-да, қошни елкасига қўйиб лапантлаганича жўнаб қолди. Кимсасиз катта кўчани хавотирланиб кўздан кечириб бораётган эди, кутилмаганда кимдир орқадан баланд овозда буйруқ берди.

— Тўхта!
Бақалок киши қоққан қозикдек қаққайиб қолди. Азбаройи кўри-киб кетгандан орқасига ўгирилиб ҳам қарамади. Бироздан сўнг номаълум киши яна буюрди.

— Ет! Ет, дейман!
Семиз киши қонни ерга ташлаб дир-дир титраганча беҳол қорға чўзилди.

— Яхши, яхши! Энди эмакла! Яхши, тезроқ, тезроқ, эмакла! Семиз киши жон ҳолатда лапантлаб эмаклай бошлади. Ўттиз қадамлар эмаклагач, ҳамма ёғидан тер чиқиб, қўл-оёғи аиркираб оғрий бошлади. Кейин кўз олди қоронғулашиб, этиб қолди. Орқадан бояғи овоз яна буюрди.

— Нега тўхтадинг? Эмакла дейман сенга! Эмакла!

Бақалок киши бутун кучини йиғиб, яна эмаклай кетди. Аммо қўл-оёғи унга бутунлай итөөт этмай қўйди. Хўрлиги келиб, хўнграб йиғлай бошлади.

— Тамом бўлдим... Энди чидолмайман бу хўрликка. Чидолмайман!

Сал ўтмай, тепасида кимдир пайдо бўлди.

— Сизга нима бўлди? Бирон ерингиз оғрияптими? Нега этиб-сиз?

Бақалок киши бошини ердан кўтариб, юзидаги қор аралаш терни артди.

— Яна нима бўлди, дейди-я? Тумшугимдан илантиришга илантирдингиз, олдингизга солиб хайдаб кетавермайсизми?!

Йўловчи бақалокнинг ўрнидан туришига ёрдамлашди.

— Бошқа қилмайман, — деди кўзидаги ёшни артиб бақалок. — Мени кечиринг! Кечира қолинг! Энди қушхонани елкаминг чуқури кўрсин! Хай, итингизни нари олинг, тишлаб олади! Ие, ие, нега кулаясиз? Кулманг!

— Ахир, нега кулмай?

— Устимдан шунча кулиб мана шу ергача эмаклатганингиз этмайди?! Яна кулади-я! Кулманг!

— Қачон сизни эмаклатибман?

— Мана ҳозир. Хў-ув, ўша кварталдан мана шу ергача ёт-қизволиб эмаклатган сиз эмасми?

— Сизни эмас, итимни машқ қилдираётган эдим. Сиз бўлсангиз...

Бақалок кўз ёшларини артиб, кулиб юборди.

Мурод ТИЛЛАЕВ

ЖЭК БОШЛИҒИ ҚАБУЛХОНАСИДА

Ваъдажон Танбалов қабулхонаси...
Бунда ўлтирибман хаёлга чўмиб.
Ҳисобчи қизча ҳам ишга берилган
Гўзал вужудини қоғозга кўмиб.

Қўнғироқ жиринглар, қизгина чакқон,
Жилмайиб йўл олар, эшикни очиб.
Кулиб кириб кетган қизча бир маҳал,
Чиқиб келар хафа, ранг-рўйи ўчиб.

Устма-уст, кетма-кет мана шу тахлит
Қизча кириб чиқар дилини ғашлаб.
Бир тунд кайфиятни олиб чиқар у,
Бошлиқнинг олдига табассум ташлаб.

Ҳамроқул АСҚАР

ҲАНГОМАЛАР

Бир йигит серпул омбор муди-рига ялинди:

— Мен қизингизни жонимдан ортиқ кўраман. Менга тегишига розилик бермасангиз, ўзимни томдан ташлаб ўлдираман, узол-лимага қоласиз.

— Упкангизни босинг, йигит. Менинг ҳеч қанака қизим йўқ, — деди мудир ажабланиб.

Йигит ўнғайсизланди:
— Ҳе, аттанг, қизингиз йўқ экан-да, кечирасиз, менга фалон киши сизни, бўйи етган қизи бор, деб айтган эди.

* * *

— Сапчабоев ёзган пьесасини ўзи саҳнага қўйиб, бош ролни ҳам ўзи ўйнариш. Шу гап рост-микин?

— Рост. Мен репетициясида бўлгандим. Уйлашимча, пьесасини томошабини ҳам ёлғиз ўзи бўлса керак.

* * *

Еш ота туғруқхонага янги ту-гилган чақалокдан хабар олишга келган эди, ҳамширанинг қўли-даги чақалокни кўриб қичқириб юборди:

— Хотиним эгизак туғибди-да?!

— Эгизак эмас, кўзингизга шундоқ кўринаётгандир. Бу ерга яна келсангиз, ичмай хушёр бў-либ келинг.

Тўпловчи Турғувбой ҒОИПОВ

Чакыр-пикачаклар

«Бу йил 20 гектар ернинг шўрини қуритдик».
(Бригадирнинг ҳисоботидан)

* * *

«Куф-суфчи» Соли совуқ ёзиб

берган эзибичкини ичиб, заҳар-ланиб қолдим. Товламачини «Ча-қиртиканак»ка уриб чиқшин-гизни сўрайман».

(Лақманнинг илтимоси)

От кайтими...



Неча километр юрдингиз?
Кўпроқ ёзаверинг.
Неча литр бензин келди?
Буням кўпроқ ёзаверинг.



Қ. Раҳмонов чизган расмлар

ЛАТИФАЛАР

Афанди невараси билан таксида келар эди. Йўл юриб зериккан бола таклиф қилди:

- Бобо, мен топишмоқ айтаман, сиз топасиз, хўпми?
- Айт, — деди Афанди.
- Дунёда нима йўқ?
- Осмоннинг устуни йўқ.
- Яна?
- Ҳовузнинг қопқоғи йўқ.
- Яна?

Шу пайт машина манзилга етиб тўхтади. Шофер қайтимни бермай машина эшигини ёпаётган эди, Афанди баланд овоз билан:

— Яна мановинга ўхшаган

баъзи нинсоф такси ҳайдовчиларининг виждони йўқ! — деди.

* * *

Афанди тикилиш автобуста кетаётган эди, кўзи ўйнаб турган йигит чўнтагига қўл солиб, ҳамёнини суғира бошлади. Афанди чўнтаги устидан киссавурнинг қўлини ушлаб, оҳиста сўради:


- Йигитча, кимнинг ўғлисиз?
- Додаш гажакнинг ўғлиман, нимаиди? — деди йигит талмовсираб.
- Менинг отим эса Насриддин, қўлингизни дадангизнинг чўнтагига солинг, — деди Афанди мулойимлик билан.

А. ИСОМИДИНОВ



— Келинг, отахон, бир яшартириб кўлай.
— Унингига ўхшатиб яшартирадиган бўлсангиз, керак эмас.
Х. Лутфуллаев язаган расм.

КРОССВОРД ВА ТОПШИРИҚ



1. Саъдий асари. 2. Ўзбек халқ бахшиси. 3. «Алпомиш» достони қахрамони. 4. Танаси қаттиқ манзарали дарахт. 5. Ўзбек демократ шоири. 6. Зийнат буюмлари хунарманди. 7. Юлдузлар туркуми номи. 8. Мўйнали йирткич ҳайвон. 9. Жаҳонга машҳур шахматчи. 10. Миллий торли чолгу асбоби. 11. Ҳосил тўпланадиган майдон. 12. Китоб нашри тури. 13. Рус классик адаби. 14. Энг азиз неъмат тайёрлаш касб-кори. 15. Оптик асбоб. 16. Хоразм областадаги район. 17. Ошқўк учун ишлатиладиган хушбўй ўсимлик. 18. Шахмат донаси. 19. Таниқли ўзбек кинорежиссёри. 20. Тинчлик рамзи бўлган қуш. 21. Пилла қурти ҳосили. 22. Тўқимачилик ашёси. 23. Энг қадимий музика асбобларидан бири. 24. Ширинлик тури. 25. Маданий муассаса. 26. Езув қуроли. 27. Туркманистондаги қадимий шаҳар. 28. Урта Осиёдаги денгиз. 29. Шейрий тўплам. 30. Ўзбек халқ мақомларидан бири.

Қуйда таърифлари баён этилган сўзаларни топиб, шакл марказидаги катакларга ёзиб чикинг.

I. Гап бўлаги. II. Манзарали ўсимлик. III. Ижодий фаолият, меҳнат. IV. Ўсимлик ҳосили.

Топшириқ жавобларидан буюк аллома ал-Хоразмийнинг ибратли сўзалари ҳосил бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

7-СОНДА БОСИЛГАН ЧАЙНКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Раккоса. 2. Аския. 3. «Ялавон». 4. Накорат. 5. Тиллақош. 6. Шоир. 7. Рассом. 8. «Манас». 9. Садокат. 10. Тамарахоним. 11. Мапқ. 12. «Қасам». 13. Миршакар. 14. Расм. 15. Мискарлик. 16. Кайдалов. 17. Вальс. 18. «Сегоҳ». 19. Ҳайкалтарошлик. 20. Кўрк. 21. Кино. 22. Опера. 23. Алёр. 24. Репин. 25. Нота. 26. «Ажам». 27. Мақом. 28. Маржон. 29. Нурхон. 30. «Навбахор». 31. Рубоб. 32. «Баҳор». 33. «Рустам». 34. Маданият. 35. Тароват. 36. Театр. 37. Романс. 38. Сетор. 39. Рухобод. 40. Дарс. 41. Саъбат. 42. Тоштарош. 43. «Шашмақом». 44. Маскарад. 45. Дирижёр.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Тамарахоним ўзининг санъати билан дунёга танилган. Республикамининг қўшиқ ва рақс мухлислари бу йил санъаткори табаррук ва баркамоллик ёши билан қизгин муборақбод этадилар.

В. Плюхин ва М. Пенсон фотолари

Тўртинчи бет: Момоқалдироқ олдидан.

М. Пенсон фотоси

Хондайлик қишлоғидаги қадимий чинор.

А. Жумаев фотоси

Ширин суҳбат.

Н. Ключнев фотоси

Гўзал Тошкент.

М. Пенсон фотоси

Редакцияга келган бир босма тобоқча материаллар авторларга қайтарилади.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Журналнинг бу сонидаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Комсомольская правда» газеталаридан фойдаланилди.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МҲИДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚҲШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲҲСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲҲСНИДИН-ХҲЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке). Адрес: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 21.04.1986 й. Босишга рухсат этилди 22.07.1986 й. Р — 10829. Қоғоз 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 201859. Буюртма 4019. Нашр А-114.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.



Шўртан газ кони илғорларидан бир гуруҳи: Парда Маматов, Хуррам Бобоқулов, Обрўй Рўзиқулов, Холиёр Омонов.

Муборак газни қайта ишлаш заводи операторлари — Мустафо Қурбонниёзов ва Аваз Йўллиев.

А. Жданов фотоси

«Лаззат» кафеси.

А. Киршин фотоси



